

ШАРОФИДДИН ШАРИПОВ

ЛИСОН УТ-ТАЙР ҲАҚИҚАТИ




МАҲНАВИЯТ
ТОШКЕНТ
1998

ТОШКЕНТ «МАҲНАВИЯТ» 1998

Азиз китобхона!

Алишер Навоий ижоди ноёнсиз бир уммонкам, унга шунга ҳар бир олим, ҳар бир авлод янгида янги дурлар топиб чиқади. Марҳум адабиётшунос Ш. Шарипов ҳазрат Навоийга айрича бир эътиҳод билан қарар, ўзгача бир эътиҳод билан ўрганар эди. Бу китоб ана шу илаҳишлар самарасидир. Китобга олимнинг «Навоий Самарқандда» видеофильм сценарийси ҳам киритилди. Китоб адабиётшунослар, Олий ўқув юрлари талабалари ва кенг китобхоналар аммаси учун мўлажалланди.

Нашрга тайёрловчи, тўрловчи ва сўзбоши муаллифи — филология фанлари доктори **Иброҳим Ҳаққул**.



4702620284-7
III М25 (04) — 98 5-97
С. Ш. Шарипов «Алишер Навоий» ҳақиқати, «Маънавият», 1998 й.
С. И. Ҳаққуллов «Сўзбоши» «Маънавият», 1998 й.

САЛОҲИЯТЛИ НАВОИЙШУНОС

Бадний ижодда бўлганидек, илмда ҳам «авлод» тушунчаси маълум мавқега эга. Чунки илм тараққиётини кўпинча алоҳида бир шахслар эмас, балки истеъдодли олимлар фаолиятини ўзида мужассамлаштирадиган авлод тушунчаси ҳал қилади. Бу тушунча янги фикр — қарашлар, изланиш ва янги-янги ижодий ютуқлар «мақоми» бўлиши билан ҳам умидбахшдир. 70-йилларнинг ўрталарида ўзбек адабиётшунослигига бир гуруҳ ёшлар кириб келишди. Шуларнинг орасида марҳум дўстимиз филология фанлари номзоди, истеъдодли навоийшунос Шарофиддин Шарипов ҳам бор эди.

Шарофиддин 1950 йилда Гузор туманининг Афғонбоб қишлоғида адабиёт муаллими хонадонида туғилди. Унда адабиётга меҳр оилавий муҳит таъсирида жуда эрта уйғонди. Илмга чанқоқлик уни Самарқанд дорилфунунига етаклади. Шу даргоҳда у мумтоз адабиётимизнинг чинакам муҳби бўлиб шаклланди ва келажакнинг Алишер Навоий ижодиёти билан боғлади. Бунда, албатта, дорилфунун домлалари, айниқса, у устоз сифатида эътибори тутгани муҳтарам олимимиз Ўзбекистон Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси, филология фанлари доктори профессор Б. Валихўжаевнинг хизматлари катта бўлган. Бу ҳақда сўзлаш Шарофиддиннинг энг сеvimли мавзуларидан эди десам, хато бўлмас.

Биз Шарофиддин билан Тошкентда — Алишер Навоий номидаги Қўлёзмалар институтида иш бошлаган кайтларида танишганмиз. У биринчи учрашув ва сўзлашувдаёқ билимдон, савияси кенг, танлаган йўлидан қатъиятла одим ташлашга қодир ғайратли тадқиқотчи сифатида таассурот уйғотган. Шунингдек, унинг менга доимо ёққан, то ҳануз хотирдан йироқлашмайдиган фазилати — ўзига хос очиклиги ва дарвештаъблиги эди.

Биз Шарофиддин билан қарийб тенгдош эдик. Тенгдош деганда одатда тенгқур, тенг ёш, яъни ёш тенглиги назарга олинади. Албатта, тенгдошлик ҳам Аллоҳнинг бир нисъоми. Агар Аллоҳ сени мард, танти, била-

ғон, содиқ тенгдошлар билан йўлдош айлаган бўлса, бу ҳазилакам омад эмас. Лекин, ёш тенг бўлса-ю, ақл, фаросат ва маслак яқинлиги бўлмаса, бу энди номга тенгдошлик. Бундай ҳолатда самимият — қитмирликка, ҳамқадамлик — фирромликка, яқинлик — узоқликка, дўстлик — олчоқликка дўниши шак-шубҳасиз. «Дўстлик», «тенгдошлик», «жўрлик» шиори билан Шарофиддиннинг кўнглига кимлар ранжу-озор етказишган — буни мен аниқ билмайман. Қолаверса, унинг бировлардан нолиб ёки шикоят қилиб айтган сўзларини ҳам эшитмаганман. Бироқ, тенгқур ижодкор оғайнилари-нинг шахсига ҳам, фаолиятига ҳам унинг доимо самимий ва тўғри муносабатда бўлганлигини жуда яхши биламан. Бу эса бағоят нодир хислат. Бу деярли барча замонларнинг армонига айланган хислат. Шунинг учун ҳам Имом Ғаззолий «Сирруъл оламин» асарида, сўзи-ю амали бир олимларни қўмбаркан, «Бизга келсак, биз ёмон олимлармиз. Бир-биримизни қоралашга уринурмиз. Керак бўлса, тил ила, керак бўлганда қалам ила асл илм ва мағфират аҳлига ҳужум айлармиз...», дейди. (156-бет).

Шарофиддинда ўз ишидан завқланиш, шавқ ила меҳнат қилиш лаёқати мавжуд эди. Эҳтимол, ана шу учун ҳам ҳаётнинг майда-чуйда ташвишларини писанд этмасдан, ҳатто бундоқ хотиржам ўтириб қалам теб-ратадиган ўзининг бир кулбаси йўқлигига қарамасдан у адабиётшунослик, айниқса, навоийшуносликка ҳисса бўлиб қўшиладиган бир қанча ишларни амалга ошириб кетгандир. У 80-йилларнинг бошларида Тошкентдаги кўп қаватли бинолардан уй олиш арафасида эди. Уйга эга бўлишдан кўра ҳам, ўша масканда бола-чақаси билан қўним топиб, Навоий ижодиёти бўйича янги-янги тадқиқотлар яратиш умиди унинг кўнглига қувонч бағишлаганини сира унутмайдиман. Не армонки, дунё шундай зукко, шундай заҳматқаш ва илмсевар йигитга оддий бир шодликни ҳам раво кўрмади.

Шарофиддин илмдаги илк қадамлариданоқ жуда қийин ишга қўл урди. У номзодлик диссертацияси учун Алишер Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» достони ғоявий-бадний талқинини танлаганди. Бу ишни юзага чиқариш албатта, осон эмасди. Чунки «Лисон-ут-тайр»даги ғоя ва тимсолларнинг тамалини пухта билиш, мажозий тасвирлар таркибида яширинган ҳақиқатларнинг тўғри талқинларини бериш учун, энг аввало,

тасаввуфдан яхши хабардор бўламоқ лозим эди. Бундан ташқари, «Лисон-ут-тайр»нинг яратилишига Фариддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» достони кучли таъсир кўрсатган бўлса-да, масаланинг илдизига бориб етиш учун Абу Али ибн Синонинг «Рисолат-ут-тайр», Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг шу номдаги асари ва бошқа яна бир қанча бадний, илмий манбаларни ҳам ўрганиш зарур эди.

Хуллас, Шарофиддин бир неча йил давомида мавзу талаб қилган йўналиш ва миқёсларда изланиш ҳамда текширишлар олиб борди. Ниҳоят, минг тўққиз юз етмиш саккизинчи йилнинг кузига у номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Орадан кўп ўтмай, номзодлик ишини қайта жиддий кўздан кечириб ва тўлдириб «Алишер Навоий «Лисон-ут-тайр» достонининг генезиси ва ғоявий-бадний хусусиятлари» («Фан» 1982) номи билан монография шаклида нашр эттирди. Бу китоб илмий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди ва юқори баҳоланди. Албатта, бугунги эркинлик замони бўлганда мазкур монография нисбатан бошқача ёзиларди. Шўро мафкураси кўпчилик олимлар қатори Шарофиддинга ҳам бёр ҳақиқатни очик-ойдин айтиш ёки айрим масалаларни янгича талқин этишга имкон бермаган. (Биз ушбу китобни нашрга тайёрлаганда шуларни инобатга олдик ва айрим қисқартиришларни амалга оширдик — И. Ҳ.)

Аммо шунга қарамасдан у «Лисон-ут-тайр» билан қизиқувчилар четлаб ўтиши мумкин бўлмаган ва узоқ вақтлар умр кўришга қодир бир илмий асар яратишга эришса олган.

Шарофиддиннинг «Ўзбек тили ва адабиёти», «Адабий мерос», «Гулистон» каби журнал ва газеталарда босилган бир қатор мақолалари ундан мерос қолган унутилмас ёдгорликлардир. Бироқ у амалга оширган «Лисон-ут-тайр»нинг насрий баёни, ёш олимнинг тарихий хизмати дейишга арзирли катта ишдир.

Шарофиддиннинг Навоийшуносликка қўшган яна бир улкан ҳиссаси Навоий асарлари 20 томлигининг I-томи «Бадойи ул-бидоя» девони нашридир. Афсуски, девонини жўшқин кайфият ва иштиёқ билан нашрга тайёрлаган Шарофиддинга асарни китоб ҳолида кўриш nasib этмади. Шарофиддиннинг улуг бобомиз Алишер Навоий шахси ва ижодиётига садоқати чексиз эди. Навоий ҳақида у нима ёзган бўлса, уларнинг деярли барчаси айни шу садоқат ва тинимсиз изланишининг

ҳосиласи эди. Шарофиддин учун илм оддий ва одатий бир меҳнат эмас, балки яшаш тарзи, ўзлигини топиш ва таниш йўли эди. У навонийшуносликка ҳам муҳаббат, ҳам жиддий тайёргарлик билан кириб келганди. Шу муҳаббат аини ёлқинланган, тадқиқотчилик истеъдоди энди камолга эриша бошлаган бир пайтда умр унга вафо қилмади. Бор-йўғи 36 йил ҳаёт кечириб 1986 йилда вафот этди. У узоқ яшамаган бўлса ҳамки, ўзининг номини азиз айлаган ва узоқ даврлар эъзозлашга хизмат қила оладиган илмий тадқиқот ва бадний ижод намуналарини мерос қолдиришга улгурди. У уч фарзанднинг отаси эди. Икки ўғил ва яккаю ягона қизининг камолини кўриш унга насиб этмади. Бироқ ота ёққан чироқ ўчгани йўқ. Шарофиддиннинг хонадонини ёритиб турибди. Фарзандлари, худо хоҳласа, оқил ва олим оталари ҳаёти ва орзу-умидларининг давомчилари бўлажак.

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари рубойларидан бирида:

Хоҳи ки ҳамеша шодду хуррам боши
Хар жо ки равн азизу маҳрам боши
Покиза шаву рост бизи, илм омуз,
То тожи наберағони Одам боши —

яъни: Агар ҳамеша шоду хуррам бўлишни ва ҳар қаён-гаки борсанг азизу маҳрамликка етишишни истасанг, покиза бўл, тўғри юр ва илм эгалла. Ана шунда Одам набираларининг тожи бўлурсен, демишлар. Назаримда, Шарофиддин Шарипов худди шундай маслак билан яшаб, илм йўлида астойдил заҳмат чекиб ўтган унутилмас Инсон эди.

Муҳтарам ўқувчи! Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобни ўқиб миннатдорчилик ила муаллифининг руҳини шод қилурсиз, деган умиддамиз.

Иброҳим Ҳаққул,
филология фанлари доктори.

МУҚАДДИМА

Ўзбек классик адабиётининг XV асргача бўлган тарихий тараққиётига яқун ясаб, уни янада юқори поғонага кўтарган гениал шоир, мутафаккир Алишер Навоий ўз ижодий фаолияти билан жаҳон адабиётининг энг йирик намояндалари сафидан фахрли ўрин эгаллайди. Асарларида ҳамма даврлар учун беистисно улкан аҳамиятга молик юксак гуманистик ғояларни катта санъаткорлик билан тараннум этган шоир ўз даври ижтимоий тафаккури даражасидан юқори кўтарилиб, она тилидаги адабиётни жаҳон миқёсига олиб чиқди. У тўрт девондан иборат «Ҳазойин ул-маоний» лирик куллийти, беш буюк дostonни ўз ичига олган «Хамса»си, «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарлари билан фақат ўзбек адабиёти тарихида эмас, шу билан бирга, Шарқ халқлари адабиёти тарихида ҳам янги саҳифалар очди. Бу асарлар бутун тараққийпарвар инсоният маънавий-эстетик бойлигининг олтин фондига айланди.

Маълумки, Навоийнинг эпик шеърини шоир ижодиётида алоҳида ўрин эгаллаб, унинг машҳур «Хамса»си ва «Лисон ут-тайр» dostonи жаҳон адабиётида бадний кашфиётнинг порлоқ намуналаридан бири ҳисобланади. Навоий dostonларининг яратилиши адабиётимиз тарихида бутун бир даврни — ўзбек классик эпик поэзиясининг камолот даврини ташкил этади. Чунки мазкур асарларнинг майдонга келиши тасодифий бир ҳол бўлмай, балки қадимий тарихга эга бўлган ўзбек dostonчилиги тараққиётининг қонуний ҳодисаси сифатида ўзида ўзбек эпик поэтикасининг ҳамма муваффақиятларини мужассамлаштиради.

Навоийшуносликда ушбу dostonларни текстологик, қиёсий ва назарий аспектларда ўрганиш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бироқ Навоий бадний ва илмий мероси билан боғлиқ бир қатор актуал масалалар ҳанузгача жиддий ўрганилмагани сингари, шоир «Хамса»си ва умуман эпик шеъринининг ҳам мукамал илмий манзараси яратилган деб бўлмайди. Жум-

ладан, Шарқ адабиётида ҳамсанависликнинг келиб чиқиши ва тараққиёт йўллари; Навоий «Хамса»сининг унда тутган мавқеи, унинг ўзига хос хусусиятлари, кейинги даврлар ўзбек ва бошқа халқлар адабиётига таъсири; шоир эпик шеъриятида традиция ва новаторлик масалалари; Навоий дostonлари поэтикаси каби мураккаб проблемаларни тадқиқ этиш борасида эндигина ilk қадамлар қўйилмоқда. Шунингдек, шоирнинг олтинчи — «Лисон ут-тайр» дostonи айрим мақола ва илмий-танқидий текст характеридаги ишларни ҳисобга олмаганида, шу вақтга қадар етарли даражада маҳсус ўрганилмай келинаётганини ҳам эсга оладиган бўлсак, унда Навоий эпик шеъриятини ўрганиш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим эканлиги аниқ бўлади.

Навоий ижодиёти ва ўзбек классик адабиёти тарихида ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан ўзига хос алоҳида ўрин тутувчи мазкур асар ҳақидаги дастлабки илмий тадқиқот машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельс томонидан 1927 йилда ёзилган «Навоий ва Аттор» мақоласи ҳисобланади¹. Бунга қадар Ғарбий Европа ва рус шарқшунослигида Алишер Навоий «таржимон» ва «тақлидчи» шоир қабилда нотўғри таърифланиб, унинг ижодига, хусусан «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» дostonларига форс-тожик шоирларининг шу типдаги асарлари таржимаси сифатида қаралар эди². Мазкур мақола муаллифи шарқшуносликда кенг тарқалган ушбу концепциянинг қай даражада ҳақиқатга мувофиқ келишини текшириб кўриш учун Навоийнинг «Лисонут-тайр» асари билан унга намуна бўлиб хизмат қилган Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» дostonини муқояса қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Е. Э. Бертельснинг фикрича, гарчи Навоий ўз дostonини «таржима» деб атаса-да³, Аттор текстига ишхоятда эркин муносабатда бўлади. Унинг қалами остида бу асар Атторнинг замон ва макондан ажраллиб қолган абстракт характердаги дostonига нисбатан ҳаётий ва мантиқий бўлиб чиққан. У Аттор дostonи фабуласининг асосий линиясини сақлаган ҳолда, жуда кўп янги материалдан унумли фойдаланади. Айниқса, дostonда келтирилган кўп сонли ҳикоялар бунга ёрқин мисол бўла олади. «Уларнинг катта қисми, — деб ёзди муаллиф, — Атторга боғлиқ бўлмай, балки Навоий оригинал ижодининг маҳсули сифатида шоирнинг ўз шахсий материаллари асосида ёзилган... Хуллас, форс

ва турк поэмалари деталларда жуда оз умумийликка эгадирлар»⁴.

Шундай қилиб, Е. Э. Бертельс мазкур мақолада шарқшуносликда ҳукм суриб келган «Навоий — таржимон ва тақлидгўй шоир» деган ғайри илмий концепцияга биринчилардан бўлиб муҳим тузатиш киритади. Ушбу асардаги асосий фикр ва мулоҳазалар кейинчалик муаллифнинг «Навоий» монографиясида ҳам ўз аксини топди⁵.

Академик В. П. Зоҳидовнинг «Навоийнинг «Лисонут-тайр» асари» номли мақоласида⁶ мазкур дoston ғоявий-фалсафий нуқтан назардан ҳам оригинал асар эканлиги асослаб берилди. Автор ҳар икки асар фалсафий мазмунини ўзаро қиёслаган ҳолда «Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonи таркидунёчилик ва мистицизмни тарғиб қилувчи Аттор «Мантиқ ут-тайр»ига ўз фалсафий моҳияти жиҳатидан буткул қарама-қарши руҳда ёзилган асар бўлиб, бу билан шоир «Мантиқ ут-тайр» тасаввуфининг энг асосий мақсади беҳуда афсона эканлигини кўрсатади»⁷, деган хулосага келади.

Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган айрим мақола, монография ва диссертацияларда юқоридagi асосий тезислар ижодий давом эттирилди⁸.

Адабиётшунос Н. М. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслик китобида Навоийнинг бу дostonи ҳақида олий ўқув юрталари программаси ҳажмида тўхталиб ўтилса-да, унда асарнинг айрим характерли томонларини белгилаб берувчи ўринлар ҳам кўзга ташланиб туради⁹.

Таниқли Навоийшунос олим, филология фанлари доктори А. Ҳ. Ҳайитметов асарларида мазкур дostonнинг метод ва услубига доир қимматли назарий кузатишлар мавжуд. Тадқиқотчи дostonда қўшларнинг Худҳуд бошчилигида Симург томон қилган сафари аллегорик услубда, Худҳуднинг кўп ҳикоятлари реалистик, баъзи ҳикоятлар эса романтик услубда ёзилган эканлигини таъкидлаб, демак, «Лисон ут-тайр»ни ижодий метод нуқтан назаридан фақат бир метод талабларидан келиб чиқиб текшириш унча тўғри бўлмайди», деган хулосага келади ва бу билан дoston услубининг мураккаб эканлигига ишора қилади¹⁰. Шунингдек, тадқиқотчи «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» номли китобида мазкур асар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб, унинг ғоявий-фалсафий мазмун ҳақида муҳим фикрларни илгари суради¹¹.

Иззат Султон қаламига мансуб «Навоийнинг қалб дафтари» китобида муаллиф Алишер Навоий биографиясини яратишда биринчи галда шоирнинг ўз асарларига мурожаат қилади ва шу муносабат билан «Лисон ут-тайр» достонида мавжуд баъзи автобиографик ўринлардан моҳирона фойдаланади. Шунингдек, автор Навоийнинг мазкур достони ҳали мутахассислар томонидан етарли ўрганилмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади¹².

Филология фанлари доктори А. Абдугафуров тадқиқотида эса дoston таркибидаги айрим ҳикоятларнинг сатирик ва юмористик хусусиятлари тўғрисида қизиқарли илмий мулоҳазалар баён этилган¹³.

Фалсафа фанлари кандидати М. Орипов Навоий фалсафий ва ахлоқий қарашларига оид диссертациясида ушбу дostonнинг шоир дунёқараши ва унинг тасаввуфга муносабати масаласини ўрганишда алоҳида аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб ўтган¹⁴.

Кейинги йилларда Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида талай монографиялар эълон қилган филология фанлари доктори А. Қаюмовнинг «Машҳур кишилар ҳаёти» сериясида нашр қилинган «Алишер Навоий» номли китобида «Лисон ут-тайр» дostonининг қисқача мазмун илмий-оммабop тарзда баён этилади¹⁵.

Олимлар коллективи томонидан ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» беш томлигининг 2-томи Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини системали равишда тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур китобнинг Навоий эних ижодига оид бўлимида «Лисон ут-тайр» дostonи таҳлил этилади. Бу бобда филология фанлари кандидати С. Ганиева «Лисон ут-тайр» дostonининг ғоявий-бадний мазмун ва шоир ижодида тутган ўрни ҳақида муҳим фикрлар билдиради¹⁶.

Ленинградлик олима А. Н. Малехова томонидан ҳимоя этилган «Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonи. Композицион ва образли воситалар поэтикаси» мавзuidaги кандидатлик диссертацияси мазкур мураккаб асарни поэтика нуқтан назаридан, хусусан, ундаги айрим бадний ифода воситаларини ўрганиш борасидаги дастлабки жиддий ютуқлардан биридир¹⁷.

Турк адабиётшуноси А. С. Левенд ўзининг «Алишер Навоий» номли китобининг биринчи жилдида проф. Е. Э. Бертельс тадқиқотига таяниб, асарнинг оригинал-лигини эътироф қилади¹⁸. Бу ҳолат немис адабиётшу-

носи Г. Дудекнинг Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотида ҳам кузатилади¹⁹.

«Лисон ут-тайр» дostonи текстологик жиҳатдан филология фанлари кандидати Ш. Эшонхўжаев томонидан тадқиқ этилган²⁰. Автор нодир қўлёзма манбалар асосида асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, уни 1965 йилда алоҳида китоб шаклида нашр эттирди²¹. Шу матнга асосланган дostonининг қисқартирилган сммавий наشري Навоий асарлари ўн беш томлигининг 11-томида биринчи марта кенг китобхонлар диққатига ҳавола қилинди²². Олим ва таржимон С. Ивановнинг катта шижоати туфайли дoston рус тилига таржима этилди²³. А. С. Левенд «Алишер Навоий» китобининг тўртинчи жилдида дostonни (айрим қисқартириш ва изоҳлар билан) нашр қилиб, турк китобхонларини мазкур асар билан таништиришдек олжаноб ишини бажарди²⁴.

Хуллас, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonи ҳақидаги мавжуд тадқиқотлар асосан ана шулардан иборат. Бу ишлар ушбу асарни ўрганиш борасидаги илк тадқиқотлар ҳамда у ҳақда умумий маълумотлар берувчи манбалар сифатида кўпгина қимматли томонларга эга. Аммо уларнинг айримларида баъзи мунозарали таҳрир қилиниши ва аниқлик киритилиши лозим бўлган ўринлар ҳам учраб туради.

Муайян сўз санъаткорининг ижоди ҳақида тўлиқ илмий тасаввурга эга бўлиш учун аввало унинг ҳар бир асарини кенг қўламада махсус ўрганиш талаб этилади. Навоий лирикаси, «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» дostonлари ва бошқа асарлари ҳақидаги айрим монографик ишлар ана шу эҳтиёжнинг маҳсули ўларoқ майдонга келган эди²⁵. Шундай бўлишига қарамай ҳали улуг шоирнинг баъзи муҳим асарлари, жумладан, унинг ижодида ўзига хос алоҳида ўрин тутувчи «Лисон-ут-тайр» дostonи ҳозирга қадар чуқур ўрганилмаган. Ҳолбуки Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган ушбу дoston шоирнинг муҳим фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий дидактик қарашларини ўзида мужассам эттирган асар сифатида улуг мутафаккир ижодига маълум даражада яқин ясайди. Мазкур дoston ўзининг генезиси, жанрий ва ғоявий-бадний хусусиятлари билан фақат Алишер Навоий ижодида эмас, ўзбек классик адабиёти тарихида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, уни ана шу аспектларда

мўни қўидагича: Бир гуруҳ қушлар овчи тузоғига илиниб, ундан қутулишга ҳаракат қилишса-да меҳнатлари зое кетади. Натижада улар озодликка чиқишдан умид узиб, ўзларининг тузоқда эканликларини ҳам маълум даражада унутадилар. Шунда улар тепасида бир гала қушлар пайдо бўлади. Маълум бўлишича бу қушлар ҳам тузоққа илинган бўлиб, кейинчалик ундан қисман халос бўлишган экан. Уларнинг бош ва қанотлари озод бўлса-да, оёқларида тузоқ қолдиқлари сақланиб қолган эди. Тўр остидаги қушлар биродарлари ёрдамида бўйин ва қанотларидаги тузоқ чапгалидан халос бўлишади, лекин улар оёғидаги тузоқ бандларини олиб ташлашнинг сира иложи бўлмайди. Шундан сўнг буларнинг ҳаммаси бундан халос бўлишда ёрдам беришни сўраб, кенг водийлар ва баланд тоғлар оша буюк подшоҳ ҳузурига йўл оладилар. Ниҳоят, саккизта тоғ-водий ортда қолиб, кўзланган манзилга етиб келадилар. Қасрга кирганларида сахнадан парда кўтарилиб, қушларнинг кўзи шоҳга тушади: у ҳусну-малоҳатда шунчалик тенгсиз бир сиймо эдики, бунини кўрган қушларнинг ақл-ҳуши бошидан учиб, бу ерга нима учун келганликларини ҳам унутадилар. Шоҳ ўз лутф-марҳамати билан уларнинг эҳсушини жойига келтиради. Қушлар дадилланиб, ўз истакларини билдирадилар. Шоҳ уларга «Оёқларингиздаги тузоқни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди. Мен унга бир элчи юбораман. Элчи сизларни тузоқдан қутқаришни овчидан илтимос қилади», дея жавоб беради. Қушлар изларига қайтадилар.

Мазкур сюжет илмий адабиётларда турли хил изоҳланади. Жумладан айрим тадқиқотчилар асардаги аллегорияни Ибн Сино таржиман ҳоли билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Ю. Н. Завадовскийнинг фикрича, Ибн Сино мазкур асарни Фаражон қалъасида ҳибсада эканлиги пайтида ёзиб, унда ўз аҳволини қафасга тушган қуш каби тасвирлайди. Рисола Ҳамадон ҳокими Алоудлавлага юборилган, у олимни қалъадан озод қилган³⁰.

Ушбу асарни Ибн Сино ҳаётида рўй берган воқеалар билан боғлиқ ҳолда шарҳлаш А. Ирисов, В. Н. Терновский, У. Султонов ишларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, А. Ирисов Ибн Сино таржиман ҳолидаги айрим лавҳалар, ҳусусан, Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни ўзига бўйсундиргач (1017 йил), олимнинг у ердан Эрон

тушроғига — Маҳмуд қўли етмайдиган жойларга бош олиб кетиши ва унинг таъқибидан қочиб, турли-туман шаҳарлар (Абувард, Нишопур, Гургон, Рай, Ҳамадон ва бошқалар)да сарсон-саргардонликда ҳаёт кечирганлигига асосланиб, шундай ёзади: «Асардаги тузоқ — Маҳмуд Ғазнавийнинг чапгали, қушлар бошу қанотларининг озод бўлиши ва Хоразмшоҳнинг олимларга ўз тақдирларини ўз қўлларига бериши, қушлар оёқларида тузоқ қолдиқларининг қолиши... Ибн Сино қайси ўлка қайси шаҳарга борса, ҳамон муҳайё бўлиб турган Маҳмуднинг таъқиби, қушлар қочиб-кезиб юрган тоғ-водийлар Ибн Сино қочиб-кезиб юрган шаҳарлардир»³¹. Шунга яқин мулоҳаза В. Н. Терновский³² ва У. Султоновларнинг³³ Ибн Сино ҳаёти ва ижодига бағишланган китобларида ҳам мавжуд.

С. Н. Григорян рисолани бошқача руҳда — ижтимоий-сиёсий мазмундаги асар сифатида талқин этади. Унинг фикрича, Ибн Сино ушбу аллегорик қисса орқали ўзи яшаган давр ижтимоий тузуми ва феодал давлатининг халққа кўрсатаётган зулм-истибдодига бўлган антипатиясини билдирган. Асарда қушлар халқнинг мажозий тимсоли бўлиб, тузоқ феодал зулм, шоҳ эса феодал-деспотик ҳукмдордир. Қушларнинг подшоҳдан қилган илтимоси натижасиз бўлиб чиққанидек халқнинг ўзини феодал зулмидан халос этиш учун шоҳга мурожаат қилиши ҳам фойдасиздир³⁴.

Бизнингча, мазкур асар Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол» ва «Ҳайй ибн Яқзон» («Уйғоқ ўғли Тирик») рисоалари каби чуқур фалсафий мазмундаги бадий асар бўлиб, унда муаллиф ўша давр фалсафасининг айрим муҳим назарий масалаларига оид ўз қарашларини аллегорик шаклда ифода этади. Бу ҳақда маълум тушунчага эга бўлишдан олдин асардаги мажозий образларга юкланган назарий маъноларни аниқлаб олиш ўринлидир. Маълумки Шарқ халқлари орасида қадим замонлардан буён инсон жони (руҳи) қуш сифатида тасаввур этиб келинган (бадий адабиётдаги «жон қуши», «кўнгил қуши», «мурғил дил» ва шу каби иборалар мазкур тасаввур билан узвий боғлиқдир). Фикримизча, Ибн Сино асарда ана шу тасаввурларга асосланиб, қушлар образини инсон жонининг мажозий образи сифатида талқин этади. Шунингдек, бу даврлардаги диний ва суфийна таълимотларга кўра, жон инсон гавда (тава) сиғинида мавжуд бўлиб, тана у

учун гўё қафас, тузоқ ёки ғилоф вазифасини ўтайди. Шунга биноан, асардаги тузоқ образини инсон гавда (тана)сининг мажозий образи сифатида қабул этиш мумкин. Бу ҳолатда рисоладаги овчи образи «тузоқ»нинг соҳибни сифатида моддий борлиқ (ёки табиат)нинг аллегорик образи вазифасини бажаради. Чунки инсон танаси моддий характерга эга бўлиб, у табиат маҳсулидир. Иккинчидан, Ибн Сино асардаги подшо образига «нуқсонсиз камол, заволсиз жамол» эгаси сифатида таъриф беради³⁵. Урта асрлар Шарқида бу сифатлар фақат худогагина нисбат берилишини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур образ худонинг символик образи эканлиги маълум бўлади. Демак, асардаги қушлар—инсон руҳи, тузоқ—инсон танаси, овчи—табиат, подшо эса худонинг мажозий образларидир. Қўринадики, Ибн Сино асарида мазкур аллегорик сюжет орқали инсон руҳининг моддий субстанцияга ва худога бўлган муносабати масаласига оид муҳим фалсафий проблема ўртага ташланган.

Асарга шу нуқтаи назардан ёндашганда, ундаги фалсафий мазмунни қуйидагича изоҳлаш мумкин: яъни қушлар тузоқдан тўлиқ ҳалос бўла олмаганликлари каби инсон жони ҳам унинг танасидан ташқарида мавжуд эмас, балки у билан бирга мавжуддир. У моддий субстанциянинг муҳим атрибутини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам подшо қушларга «оёқларингиздаги тузоқни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди»³⁶, дея жавоб беради. Демак, Ибн Сино фикрича, жон моддий борлиқ билан биргаликда мавжуд бўлиб, улар ўзаро чамбарчас алоқадордир.

Ибн Сино асаридаги аллегорияни бу хилда талқин қилиш унинг асосий фалсафий асарларида ялғари сурилган руҳ ва моддий субстанциянинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги рационалистик қарашларига тўла мувофиқ келади. Чунончи, улуғ мутафаккирнинг фикрича, руҳ табиий моддаларнинг энг юқори маҳсули бўлиб, уни танадан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Руҳ (жон) билан тана биргаликда мавжуд, жонсиз тана ва танасиз жоннинг бўлиши мумкин эмас³⁷.

Ибн Сино «Рисолат ут-тайр» асарининг яратилиши Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий фикр ва бадий тафаккури тараққиётида чуқур из қолдириб, ўзидан кейинги араб, форс-тожик ва туркий тиллардаги адабиётларда шу хил услубда асар ёзиш анъанасини

бошлаб берди. Бинобарин, қушлар аллегоризми воситасида ёзилган фалсафий руҳдаги кейинги бадий асарлар, шу жумладан, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonи ҳам генезис нуқтаи назаридан Ибн Синонинг мазкур рисоласига бориб тақалади.

Маълумки, XI—XII асрларга келиб Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган сўфизм таълимоти билан ҳукмрон идеология бўлмиш ислом дини ўртасидаги муносабатлар нисбати уларнинг ҳар иккаласини ўзаро мослаштириш заруриятини келтириб чиқарган эди. Бу ишни назарий жиҳатдан биринчи марта имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий асарларида асослаб берилган бўлиб, унинг бутун ижтимоий фаолияти ва Шарқ фалсафаси тарихида тутган ўрни асосан шу билан белгиланади³⁸. «Рисолат ут-тайр» асари ҳам муаллифнинг яна шу фалсафий концепциясини ўзида тўлиқ мужассам эттиради. Унда Ғаззолий ўзининг тасаввуф ва ислом мафкураси учун умумий бўлган гояларни бевосита эмас, балки бавосита, яъни Ибн Сино рисоласига ўхшаш қуш тили воситасида бадий ифода этишга ҳаракат қилади...

Ғаззолий талқинича, шоҳ ахтариб йўлга чиққан қушлар худо васлига эришмоқ учун тариқат йўлига кирган сўфийларнинг мажозий тимсоли бўлиб, Анқо эса уларнинг энг олий ҳаётий идеали сифатида худонинг символик образидир. Рисоладан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, агар инсон дунёвий фаолиятдан юз ўгириб зоҳидлик ва мистикага қўнғил қўйса, у энг юксак бахтга — худо васлига етишмоғи мумкин. Бунинг учун у аввало тинч, одатий турмушдан воз кечиши, сирлар оламига қадам қўймоғи ва бу йўлда ҳар қандай тўсиққа дуч келса-да, чекинмаслиги лозим. Ана шунда у илоҳий экстазни ўз бошидан кечириб, руҳан худо билан қўшилиб кета олади. Ғаззолий бунга намўна сифатида қушларнинг сафар давомида чидаб бўлмас офатларга дучор бўлиши, кўпчилик катта қисми нобуд бўлишига қарамай, ўз йўллари тарк этмаслиги ва шу тариқа Анқо ҳузурига етиб бориб, у ерда бахт-саодатга эришганликларини айтади.

Асарда қушлар билан Анқо ўртасидаги савол-жавоблар ҳам мавжуд. Уларда Ғаззолий тасаввуфга оид айрим масалаларни Қуръон оятлари асосида изоҳлайди.

Умуман рисолада Қуръондан йигирмага яқин оят

келтирилган бўлиб, уларнинг мазмуни инсонларни худо йўлига чорлашлик, бу йўлда уларни қандай қийинчилик ва тўхталар кутаётганлиги ҳақидадир. Буларнинг барчаси Ғаззолийнинг сўфизмни ислом ақидаларига мослаштириш каби тарихий миссияси унинг ушбу асариди ҳам ўз аксини топган эканлигини яна бир қарра қувватлайди.

Немис олими Хелмут Риттер³⁹, чех шарқшуноси Я. Ривка⁴⁰ Эрон олими Бадиъуззамон Фирузонфар⁴¹ ва бошқаларнинг тадқиқотларида Аттор ўзининг «Мантиқ-ут-тайр» достонини Ғаззолийнинг мазкур рисоласида илҳомланиб ёзганлиги қайд этилади. Дарҳақиқат, ҳар икки асар сюжети, образлар системаси ва бошқа томонлари ўзаро чоғиштириб кўрилса, бу фикрнинг ҳақиқатга мувофиқ келиши маълум бўлади. Демак, ушбу асардаги қушларнинг рамзий саргузаштларидан ҳикоят қилувчи аллегорик сюжет Аттор достони ва унга назара сифатида турк ва ўзбек адабиётлари тарихидан яратилган асарлар, жумладан, Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» достони сюжети учун ҳам илк традицион асос вазифасини ўтайди.

Форс-тожик шоири ва мутафаккири шайх Абу Толи Фаридиддин бин Иброҳим Аттор Нишопурий (тахминан 1141-1229) ўз ижодий фаолияти билан Яқин ва Урта Шарқ халқлари адабиёти тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Социал тенгсизлик, феодал деспотизм, ҳарбий ва сиёсий низолар кучайган билан фарзанди бўлган Аттор асарларида «эзилган табақаларнинг, хусусан, шаҳар аҳолисининг кайфият-мистик шаклда ифода этилади»⁴².

Аттор серқирра ижод соҳиби бўлиб, ундан жуда катта адабий-бадий мерос қолган. Тасаввуф Аттор асарларининг бош мавзудир. Улкан истеъдод эгаси бўлган шоир ўз асарларида сўфизм таълимотининг ваҳдати вуҷуд концепциясини жуда катта поэтик маҳорат билан тарғиб қилади.

Чунончи, Аттор Ғаззолий рисоласидаги мажозий сюжетни ҳар томонлама ривожлантириб, уни янгида талқин этади. Унинг бу мавзунинг ривожлантиришдаги хизмати аввало асар бош персонажлари ҳисобланган қушлар образига бўлган муносабатда сезилиб туради. Аттор Ғаззолийдан фарқли равишда «Рисолат-ут-тайр» умумий тарзда талқин этилган қушлар образини баъзи ўринларда конкретлаштиришга ҳаракат қилади.

Ғаззолий ва Аттор асарлари ўртасидаги ўзига хосликни Анқо ва Симурғ⁴³ образлари мисолида ҳам кўришлари мумкин. Анқо (Симурғ) барча қушлар подшоҳи эканлиги тўғрисидаги қадимий тушунчалар ҳар икки муаллифга уни Худонинг рамзий образи сифатида кўллаш учун асос берган, бу жиҳатдан булар умумий хусусиятга эга. Бироқ Аттор бу образ номини форс-тожик халқлари орасида мавжуд Симурғ номи билан ўзгартиради ва шу орқали унга жуда катта ғоявий-бадий нагрузка юклайди. Достонда ҳикоя қилинишича, етти водийдан (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру фаио водийлари) учиб ўтиш жараёнида Симурғни излаб йўлга чиққан кўп сонли қушларнинг деярли барчаси ҳалок бўлиб, атиги ўттизтаси кўзланган манзилга етиб келади. Ана шу ўттизта қуш (Симурғ) (худо)га айланади, ўзларида Симурғни кўради: Шунингдек, шоирнинг мазкур қарашлари уни илк тасаввуфнинг йирик намоёндаларидан бири бўлган ва «Ана-ҳақ» («Мен—худо») дегани учун дорга осилган Мансур Халлож (858-922) таълимоти билан яқинлаштиради. Шунинг учун ҳам мавлоно Жалолиддин Румий у ҳақда «Шайх Мансур Халлож» нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажааллий қилди»⁴⁴ деганида тамоман ҳақли эди.

Шундай қилиб Аттор, «Мантиқ-ут-тайр» достонини ёзишда Ғаззолийнинг «Рисолат-ут-тайр» асарига суянса-да, ўз ғоявий-фалсафий мазмуни, образлар талқини, композицион тузилиши, бадий-поэтик услуби ва бошқа жиҳатлари билан ундан тамоман фарқ қилувчи асар яратди. Достоннинг юзага келиши Яқин ва Урта Шарқ халқлари адабиётида катта бир воқеа сифатида кутиб олинди ва шоирга ўлмас шухрат келтирди. Асар мажозий тасвир усули орқали сўфиёна-фалсафий масалаларни ифода этишнинг эпик поэзиясидаги классик намуналаридан бири сифатида ўзидан кейинги форс-тожик ва туркий халқлар адабиётининг фалсафий-дидактик йўналиши тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб, Шарқ шеърлятида янги бир анъанани «қуш тили» билан достон ёзиш анъанасини бошлаб берди.

лари билан ўрта асрлар турк адабиёти тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллаб, А. С. Левенд сўзлари билан айтганда, ўз замонасидаги энг ҳаяжонли санъаткор шоирлардан бири сифатида гавдаланади⁴⁵.

Унинг эътиборимизни ўзига жалб этган «Мантиқ ут-тайр» достони Атторнинг шу номли асарига туркий тилда ёзилган биринчи назира бўлиб, китобнинг хотима қисмида муаллиф берган маълумотга қараганда⁴⁶, у шоир вафотидан сал илгари, яъни ҳижрий 717 (1317) йилда ёзиб тугалланган.

Демак, асарда Худхуд ақл, қушлар халқ (инсонлар), Симурғ эса худонинг мажозий образлари вазифасини бажаради.

Достон композициясида қушларнинг Худхуд билан қилган савол-жавоблари алоҳида ўрин эгаллайди. Худхуд жавобларида сўфизм таълимотининг асосий томонлари баён этилиб, уларга турли ҳикоятлар илова қилинган. Гулшаҳрий ваҳдати вужуд фалсафасини изоҳлашда, асосан, устози Аттор йўлидан боради. Бу ҳолат айниқса қиссанинг хотима қисмида яққол намоён бўлади. Унда ҳам Симурғни излаб йўлга чиққан кўплаб қушдан фақат энг чидамли ўттизта қушгина мақсадга эришади.

Аммо шоир Аттор достонидаги мистик ғояларни турк тилида тарғиб қилиш билангина чекланиб қолмайди. У ўз даврининг фарзанди сифатида ўзи яшаб турган жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, ўша давр учун актуал бўлган ижтимоий ва ахлоқий масалаларни ёритишга ҳаракат қилади. Достондаги футувват ҳақида келтирилган кўплаб сатрлар бунга мисол бўла олади.

Мазкур достон ҳақида тадқиқот олиб борган А. С. Левендининг фикрича, асардаги футувват масаласига оид фикрлар машҳур «Қобуснома» таъсири остида вужудга келган⁴⁷. Тўғри, Кайковуснинг панднасихат характеридаги «Қобуснома» асарида ҳам футувватия (жувонмардлик), унинг хусусиятлари ва шароитлари ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд. У ёзган фикрлар қисман Гулшаҳрий тонидаги фикрларга ўхшаб кетади. Аммо бу хил ўхшашликка асосланиб, юқоридагидек хулосага келиш, бизнингча, тўғри бўлмас керак. Ҳар бир асар муайян давр ва ижтимоий-сиёсий шароитнинг маҳсули ўлароқ, ўзида ўша муҳит учун характерли бўлган социал идеалларни акс этти-

ради. Бинобарин, «Мантиқ ут-тайр» достонида футувват ҳақидаги фикрларнинг бунчалик кенг ўрин олиш сабабларини ҳам ўша давр ҳаётидан излаш лозим...

Гулшаҳрий ўз асарида тариқат йўлини футувват орқали қабул қилиш лозим, деган тезисни олға сурадики, бу ҳолат шоирнинг назарий масалаларда Аттор таъсирида бўлса-да, амалиётда ундан жиддий фарқ қилишини ва бу соҳада ўз салафидан бир қадам олға кетганлигини тасдиқлайди.

Достон композицияси анъана бўйича қолиплаш приёми асосида тузилган бўлиб, унда Гулшаҳрий Атторга ўхшаш асосий қисса ичида кўплаб ҳикоя ва масалалар ҳам келтиради. Бироқ улардан айримларигина Аттор достонидан олинган. Шоир оригинал талант эгаси сифатида Аттор асарида мавжуд бўлмаган кўпгина янги ҳикоятлар ҳам яратган. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг яхши билимдони бўлган Гулшаҳрий бу икки манбадан ўринли фойдаланади. Асардаги «Достони Шеру Харгўш» («Шер ва Қуён достони») машҳур «Қалила ва Димна» таъсирида яратилган бўлса, айримлари мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Шайх Саъдий асарлари ва Низомий достонлари таркибидаги ҳикоятлардан илҳомланиб ёзилган⁴⁸. Умуман, асарда чуқур инсоний ғоялар билан суғорилган бадий жиҳатдан етук ҳикоя ва масалалар анчагина бўлиб, улар Гулшаҳрийни турк адабиётидаги моҳир ҳикоятнавис шоирлардан бири сифатида намоён қилади.

Шундай қилиб, Гулшаҳрийнинг Аттор асарига назира тарзида ёзилган «Мантиқ ут-тайр» достонида муаллифининг ўзи яшаб ижод этган давр ижтимоий-сиёсий воқеалари, тасаввуф таълимотига бўлган муносабати ўз аксини топган. Шоир анъанавий қиссага ижодий ёндашган ҳолда уни ўз даври ҳаёти билан боғлаб талқин қилади. Фалсафий масалаларда у гарчанд оригинал йўл тутмаса-да, сўфизмнинг амалий ва ахлоқий томонларини ёритишда ўзига хос йўл тутди.

«ЛИСОН УТ-ТАЙР» ДОСТОНИНИНГ ҒОЯВИЙ-ТЕМАТИК МАЗМУНИ ВА ОБРАЗЛАР СИСТЕМАСИ

Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони улғу мутафаккир шоирнинг бутун ижодий фаолияти давомида илгари сурилган илғор фалсафий қарашларни

умумлаштириб, уларга яқун ясайдиган асар сифатида муаллиф ижодида ўзига хос ўрин тутди. Чунки Навоийнинг бу асарини ёзишдан кўзда тутган бош мақсади Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонига назира ёзиш орқали қуш тили воситасида ўзининг диний тасаввуфий йўналишдаги кўп йиллик ижодий қарашларини маълум системага солиш ва уларга хотима ясашдан иборат эди. Буни муаллифнинг ўз асари ҳақида айтган «Чун «Лисон ут-тайр» илҳони била тараннум тузубмен, қуш тили ишораси била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен»⁴⁹ каби сўзларидан ҳам аниқ билиб олса бўлади.

«Лисон ут-тайр» Навоийнинг машҳур «Хамса»дан кейинги олтинчи достони бўлиб, у шоир вафотидан сал илгари, яъни ҳижрий 904 (1498/99) йилда ёзилган.

1

«Лисон ут-тайр» 3598 байтни ўз ичига оловчи 193 бобдан ташкил топган бўлиб⁵⁰, ҳажм жиҳатдан шоир достонлари орасида энг кичиги ҳисобланса-да, мураккаб композицион тузилишга эга. Достонни композицион структура жиҳатдан умумий муқаддима (X-XIII боблар), асосий қисм (XVI-CLXXI боблар) ва хотима (CLXXII-CXСIII боблар) каби бўлақларга ажратиш мумкин.

Умумий муқаддима ҳам ўз навбатида ҳамд, муножот, Муҳаммад пайғамбар ва унинг чаҳорёрларига бағишланган наътлар каби традицион қисм ва асосий қиссга пролог вазифасини ўтовчи Фаридиддин Аттор ва унинг «Мантиқ ут-тайр» достонига бағишланган қисмларга бўлинади.

Достоннинг асосий қисми ҳикоя ичида ҳикоя усулида ёзилган бўлиб, у қушларнинг Симург томон қилган сафарини тасвирловчи қолипловчи қисса ва ундаги айрим эпизодларга илова тарзида келтирилган қирқдан ортиқ ҳикоя, масал ва латифаларни ўз ичига олади.

Асарнинг хотима қисми тариқатдаги етти босқичга бағишланган муножотлар, шоирнинг ўз асарига бўлган муносабати, асарда қўлланилган таҳаллус масаласи⁵¹, Султон Хусайнга мадҳия ва асар таърихи (ёзилган йили) га оид боблардан иборатдир.

Достон қолипловчи қиссаси ўзига хос композицион

усулига эга бўлиб, у асардаги бош ғоявий-тематик мазмунни ифода этишга хизмат қилади. Ундаги турли қисмларнинг асосий тема ва бош ғояга нисбатан мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштирилиши асар композицион структурасини белгилайди. Қолипловчи қиссанинг ўз сюжети ғоявий мазмунни ва шуларга мувофиқ келувчи композицион қурилиши мавжуд. Шунингдек, ундаги айрим эпизодларга илова тарзида келтирилган ҳикоятларнинг ҳам ўз сюжети, ғоя ва композициялари бор. Шунга биноан улар ўзига хос мустақил асарлар ҳам саналади. Лекин улар асосий қиссанинг бош композицион-тематик йўналиши билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг муҳим таркибий қисмларини ташкил этади. Уларни достондан чиқариб ташлаш мумкин эмас, акс ҳолда асарнинг ғоявий мазмунига жиддий путур етади.

Асар архитектоникасини бу хилда тузиш Навоий учун янгилик эмас эди. Шоир ўзининг «Ҳайрат ул-аброр», «Саъбан сайёр» ва «Садди Искандарий» каби достонларида қолиплаш усулидан унумли фойдаланган. Аммо муаллиф ҳар бир достонда ўша асарнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда бу усулни янги-янги тартибда қўллаб, уни асар ғоясини чуқур ва ҳар тарафлама ёритиш учун хизмат қилдиради. Шоирнинг олтинчи достонида қўлланилган бу усул кўпроқ унинг «Ҳайрат ул-аброр» ва «Садди Искандарий» достонларида композицион приёмларни эсга келтиради. Жумладан, ҳар учала достонда ҳам шоир ҳикоятларни улардан аввалги бобда баён қилинган фикр-мулоҳаза, воқеа ва назарий тезисларга конкрет далил ёки илова сифатида келтирганки, бу жиҳатдан улар бир умумий принципга эга. Маълум бўладики, Навоий «Лисон ут-тайр» композициясини ишлашда қолиплаш приёмига хос бир қатор усуллари муваффақиятли қўллаб, бу соҳада машҳур «Хамса»ни ёзишда тўпланган бой тажрибалардан кеңг фойдаланади. Умуман мазкур достонда шоир достончилигидаги композицион ҳолатларнинг синтезлашув ҳодисаси мавжуд бўлиб, бу нарса «Лисон ут-тайр» асарида Навоий ўзининг турли поэмаларига хос композицион усуллари ўзига хос бир тарзда умумлаштирилганлигидан далолат беради.

Достон традицион муқаддима — ҳамд (худога мадҳия) билан бошланади. Асарни ҳамд билан бошлаш бошқа Шарқ шоирларида бўлгани каби Алишер Навоий эпик шеърининг ҳам анъанавий принципларида бири саналади. Шоир бу бобда оламнинг яратилиши, табиат ва илоҳиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорлик каби фалсафий масалалар ҳақида сўз юритади.

Навоийнинг фикрича, яратувчи коинотдаги барча нарса ва ҳодисаларни ўзаро алоқадор ҳолда, муайян мақсадларни кўзда тутиб вужудга келтирган. Шу жиҳатдан қараганда, табиат сон-саноксиз гармонияларининг бир бутун мажмудан иборат бўлиб, ундаги ана шу нарса, ҳодиса ва ўзгаришларнинг ўзаро уйғунлиги ва мақсадга мувофиқлиги заминидан битта умумий қонуният — у ҳам бўлса гўзаллик қонунияти ётади. Бу Навоийнинг оламини тушунтиришга доир бошқаларникидан ажралиб турувчи ўзига хос алоҳида концепциясидир⁵².

Навоийнинг фикрича, табиат оламининг бундай гўзал қилиб яратилишидан кўзланган асосий мақсад Инсон бўлиб, у ер юзидаги барча мавжудотлар ичида тенги йўқ бир хилқатдир:

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беэваз⁵³.

Умуман, оламнинг бунёд этилишидан асосий мақсад Инсон эканлиги ҳақидаги концепция Навоийнинг деярли барча шеърини ва насрий асарларида, айниқса «Хамса»да бўртиб кўзга ташланади⁵⁴.

Мазкур бобда Навоийнинг табиат ва илоҳиётнинг бир бутунлиги (ваҳдати вужуд) назариясига асосланган концепцияси ҳам ўзининг қисқача поэтик ифодасини топган. Шоирнинг фикрича, оламдаги барча нарса, ҳодиса ва ўзгаришларнинг ижодкори бўлган худо ўзи яратган нарсалардан ташқарида эмас, балки улар билан бирга, бир бутун ҳолда мавжуддир. Шунга кўра илоҳиёт ва табиатни бир-биридан ажратиб қараш мумкин эмас.

Сунъунга юз офарин, эй кирдикор,
Ғайр йўқ сен, сенки дерлар они бор.
Борсен сен, борлиг зебандаси,
Бирлику жабборлиг арзандаси.
Сендадур ҳам бирлику ҳам борлиг,
Ҳайлигу қодирлигу ғаффорлиг.⁵⁵

Достоннинг иккинчи боби «Муножот қозил-ҳожот ҳазратида...» деб номланиб, традицион характерга эга бўлса-да, унда шоирнинг шахсий ҳаётига оид қимматли материаллар ҳам мавжуд. Мазкур бобда шоир ўзининг бир қатор гуноҳларга йўл қўйганини айтиб, бунинг учун худодан узр сўрайди.

Асарнинг III—XII бобларида анъанага кўра Муҳаммад пайгамбар ва дастлабки тўрт халифа мадҳ этилган. Меърож воқеасига оид тўртинчи бобнинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда шоир пайгамбарнинг Буроқ номли афсонавий отда коинот орқали худо даргоҳига кўтарилиш жараёнини оригинал йўсинда тасвир этади. Кейинги боблар пайгамбар чархдорлари: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али кабиларга бағишланган бўлиб, уларнинг Ислом соҳасида қилган асосий хизматлари кўрсатилади. Ҳар бир халифа ҳақида алоҳида наът ва унга илова сифатида биттадан ҳикоят келтирилган.

Навоий достонининг асосий қисмини бошлашдан олдин устози Фаридиддин Аттор мадҳиясига махсус боб ажратади ва унинг ижодий фаолиятига

Ҳар не гардун баҳр ила конида бор,
Онча юз Аттор дўконида бор⁵⁶

дея юксак баҳо беради. Навоий Аттор ижодиёти ўз моҳиятига кўра «ваҳдат сирлари»ни шарҳлашга бағишланган эканини қайд қилиш билан бирга, унинг машҳур асарлари сирасига «Мусибатнома», «Илоҳийнома», «Уштурнома», «Қасида», «Ғазал» ва рубоийлардан тартиб берилган «Девон» ва «Тазкират ул-авлиё» кабиларни санаб ўтади. Аммо шоир фикрича, мазкур асарларнинг барчаси Аттор ижодининг муҳим бир томонини ташкил этиб, қанчалик катта шараф ва мақтовга сазовор бўлса, ёлғиз «Мантиқ ут-тайр» достонининг ўзи шунчалик мақтов ва шарафга лойиқдир. «Лекин Шайх руҳий мадади билан мен ҳам қуш тили воситасида асар ёзишга киришмоқчиман», дер экан Навоий, Аттор достонининг ўз асари юзага келишида муҳим бир туртки бўлиб хизмат қилганини таъкидлайди.

Шундай қилиб, достон муқаддимаси анъанавий характерга эга бўлишига қарамай, улуг мутафаккир шоир қалами остида ўзига хос мазмун ва бадият касб этган. Унда муаллифнинг баъзи муҳим фалсафий қа-

лар (пир ва мурид ўртасидаги муносабатлар, тарикат ва уни адо этиш, тавба ва гуноҳ, ҳақ йўлида поклик, худога густоҳлик қилиш мумкинми, йўқми в. Ҳ.) ҳам кенг ўрин эгаллайди. Биз мазкур ўринлар Навоий ва тасаввуф проблемасини ўрганишда муҳим материални ўташи ва бу қисмлар шу соҳани текширувчи мутахассислар томонидан махсус ўрганилиши лозимлигини назарда тутиб, мавзуга алоқадор тарзда савол-жавоб эпизодининг инсон маънавий такомилли билан боғлиқ томонлари ҳақида баъзи мулоҳазалар билдириш билан чекланамиз.

«Иблиси лаин (шайтон),— дейди бир қуш савол бергунда, —макр-ҳийла билан мени ярамас ишлар сари ундайди, кўнглимга ҳар хил васвасалар солади. Ундан қандай қутулишга ҳеч бир ақлим етмайди». Худҳуд жавоб бериб айтадики, инсоннинг ёмон йўлдан юришига шайтон эмас, нафси сабабчидир. Чунки нафс шундай бир балоки, унинг олдида ҳатто юзта шайтон ҳам ип эша олмайди:

Нафсинг онча кўргузур талбисни,
Ким қилур шарманда юз иблисни.
Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,
Не учун шайтондин эткайсен гила?⁵⁸

Бу ўринда муҳим ахлоқий масала — нафси тия билмаслик масаласига урғу берилган ва инсон томонидан содир бўладиган турли гуноҳларга шайтонни сабаб қилиб кўрсатиш каби хурофий фикрлар ана шу асосда рад этилган.

Яна бир савол мол-дунё, сийму зарга ҳирс қўймоқлик ҳақида:

Деди бир сойилки: — «Эй фаррух жамол,
Кўнглума беҳад муҳаббат солди мол.
Бир нафас гар бўлмаса илкимда сийм,
Ҳажридин жонимга бор ўлмакка бийм»⁵⁹.

Худҳуд ўз жавобида уни бу хислати учун қаттиқ қоралайди ва мол-дунёни бутга қиёслаб, унга бутпараст бўлмоқлик нодонлик ва жоҳилликдан ўзга нарса эмас, деб баҳолайди.

Яна бир савол ҳиммат ҳақида. Савол берган қуш ўзининг заиф, аммо ҳиммати баланд эканлигини билдириб, «сўз бу маънида не айтур маънавий?» дейди. Худҳуд ҳимматни инсон учун муҳим ахлоқий фазилат сифатида таърифлаб, жумладан шундай дейди:

Гавҳар ўлди ҳиммату одам садаф,
Бу садафқа ул гуҳардиндур шараф.
Ҳиммат улса маснаду жоҳ ўлмасун,
Мулку мол ончаки дилхоҳ ўлмасун.
Подшаҳким, бўлса ҳиммат ичра наст,
Келди ҳимматлиғ гадодни зеридаст⁶⁰.

Муҳими шундаки, Навоийнинг Худҳуд тилидан ҳиммат ҳақида айтган бу сўзлари мазмун жиҳатдан шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Садли Искандарий» «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарларида шу хусусда баён қилган фикрларига ҳамоҳанг. Навоий инсонни олий ҳиммат соҳиби бўлишга чорлар экан, ҳатто ҳиммати баланд гадод ҳимматсиз подшодан инсоний жиҳатдан устун туради, деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтади. Бинобарин, Навоий инсонга унинг жамиятда тутган мавқеи ва бойлигига қараб эмас, балки инсоний фазилатларига қараб баҳо бериш лозим деган гоёни илгари сурган.

Навбатдаги савол-жавоб инсоф ҳақида. Бу борадаги Навоийнинг фикрлари Худҳуд жавобида қуйидагича ифода этилган:

Одамийга яхши кўп авсоф эрур,
Лек аларнинг ашрафи инсоф эрур.
Кимгаким инсоф йўқ — инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас⁶¹.

Шоирнинг фикрича, кишининг ўз нуқсонини тан олиши келажақда турли хатоларга йўл қўймаслик гарови ва асл инсоний камолот белгисидир. Навбатдаги яна бир савол-жавоб шу масалага бағишланган:

Ноқис улдурким ўзини комил дегай,
Комил улким нуқсини исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.
Ким ўзини комил кўрар — ноқисдур ул,
Нуқс бермайдур камоли сори йўл⁶².

Агар дostonнинг мунозара ва савол-жавоб эпизодларида асосий эътибор ахлоқий иллатларни фош этиш ва инсоний фазилатларни улуглашга қаратилган бўлса, етти водий тавсифига бағишланган ўринларда бу

масалалар муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий проблемалар билан улашиб кетади.

Умуман, дostonдаги етти водий тавсифи асарнинг ниҳоятда мураккаб ўринларидан биридир. Биринчарагаанда, мазкур тавсиф формал жиҳатдан гўё тасаввуфдаги ҳақиқатга олиб боровчи етти босқичли тариқатнинг мажозий ифодасидек бўлиб кўринади. Аммо масалага жиддийроқ ёндашилса, бу ўринда гап бошқача хусусда эканлиги маълум бўлади. Зероки, Навоий дostonда инсондаги «ёмон ахлоқ»ни бартараф қилиш проблемасини ўртага ташлар экан, бу мураккаб жараёнинг бир неча босқичлар орқали рўй беришини эътироф этади ва бунинг учун ўз даврида кенг тарқалган тасаввуфдаги тариқатни билдирувчи етти водий тавсифидан шартли маънода фойдаланади.

Дostonдаги етти водий тавсифи мунозара ва саводжавоб эпизодларининг мантиқий давоми бўлиб, асар композициясида муҳим ўрин тутати. Чунки Навоий олий даражадаги маънавий покликка эришиш учун инсоннинг фақат ахлоқий иллатлардан қутулиши кифоятмайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, яна қатор иллатлар борки, улар жамиятнинг муҳим социал проблемалари билан узвий боғлангандир. Бу иллатлар чуқур ижтимоий моҳиятга эга ва ўрта асрчилик шароитида кенг томир отган. Бундай иллатлар сифатида Навоий инсоннинг ўз эҳтиёжидан ортиқча нарсаларга ҳаддан ташқари берилиши, турли диндаги кишиларнинг ўзаро муносабати ва умуман инсоннинг жамиятда тутган мавқеи, инсоний ҳақ-ҳуқуқи ва тенглиги масалаларида ўз даврида мавжуд камчилик ва иллатларни қайд этади. Инсон ана шу хил ижтимоий иллатларни бартараф этиб, улардан устун турса, у ҳар жиҳатдан мукаммал камолотга эришган бўлади. Шоирнинг етти водий тавсифидан келиб чиқадиган асосий хулоса ана шундан иборат.

Шу жиҳатдан Талаб водийси васфида келтирилган қуйидаги сатрлар муҳим аҳамиятга моликдир:

Молу мулку ҳар недур соликка банд,
Тўрт такбири фано урмоқ баланд.
Ҳар неким ғайри талабдур ташламоқ,
Ўзини мақсад манзилига бошламоқ.
Қолмаса олам матоъидини жиҳот.
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.
Куфр ила имонга урғайсен илк,

Бу таъмадин очилғой бир эшик.
Чун эшик очилди, не куфру, не дин,
Ичкари киргач қутулдинг барчадин.
Куфру имон роҳравга кеш эмас,
Асл йўлда банд роҳи беш эмас.⁶³

Бу мисраларнинг асл маъзини ўша давр ҳаётида катта ўрин эгаллаган ижтимоий масалаларга муносабат ташкил этади. Дастлабки уч байтда инсон ҳаётда ўз эҳтиёжига керак бўлганидан ортиқча (ғайри талаб) нарсаларга кўнгил қўймаслиги гоёси илгари сурилса, кейинги байтларда эса маънавий камолотга эришмоқчи инсон (солиқ) учун куфр (динсизлик) ёки имон (муайян динга эътиқод) асосий маслак бўла олмайди. деган фикр ифодаланган. Демак, шоир бу ўринда руҳий камолотга ўша даврда мўътабар ҳисобланган эътиқодлар асосида эришиш мумкин эмас, деган гоёсини илгари сурганки, бу гоё замонаси нуқтаи назаридан катта жасорат эди.

Талаб водийсида келтирилган бу фикрлар кейинги водийлар васфида ҳар томонлама асосланган. Бу ҳол Ишқ, Истиғно, хусусан, Маърифат ва Тавҳид водийлари баёнида ёрқин намоён бўлади. Айниқса, шоирнинг маърифат водийси тавсифида илгари сурган фикрлари диққатга сазовордир. Навоий аввал бу босқичнинг мухталиф (зиддиятли) характерга эга эканлигини қайд қилгач, шундай ёзади:

Муида соликка тафовут бўлди фош,
Анга меҳробу мунга бут бўлди фош...
Ҳар киши ўз таврида истаб камол,
Қилди водий тай қилурга иштиғол.⁶⁴

Аммо, деб изоҳлайди шоир, бу йўлда барчанинг мақсади битта, кишилар хоҳ меҳробга бош қўйсин, хоҳ бутга сажда қилсин, уларнинг эътиқоди битта нарсасига йўналтирилган бўлади.—бу билан улар ўзларининг тангрига бўлган муҳаббатини изҳор қиладилар.⁶⁵

Шундай қилиб, Навоий турли динларнинг ўзаро тенглиги ҳақидаги фикрлар билан чекланиб қолмай, балки ундан чуқур гуманистик хулосалар келтириб чиқаради. Бу фикрлар Тавҳид ва Фақру фано водийлари тавсифида ривожлантирилиб, ниҳоясига етказилди. Чунончи, Тавҳид водийсида шоир оламдаги барча нарсалар, жумладан, инсон ҳам яратувчи билан бир

Достоннинг асосий персонажлари ҳисобланган қушлар образини асар ғоявий-тематик мазмунида тутган ўрни ва вазифасига қараб уч гуруҳга ажртиш мумкин.
1. Симург образи. 2. Худхуд образи. 3. Бошқа қушлар образлари.

Симург асарининг бош, етакчи образидир. У конкрет персонаж сифатида дoston сюжетида иштирок этмади, шунга қарамай, асарда тасвир этилган барча воқеа ҳодисалар унинг номи билан чамбарчас боғлангандир. У қушларнинг идеал мақсади, мутлақ гўзаллик ва бахт-саодат тимсоли сифатида дostonдаги марказий фигура ролини ўтайди. Унга хос хусусиятлар Худхуд тилидан тавсиф этилган бўлиб, асосан қуйидагилардан иборат:

Барча олам қушлариға шоҳ ул,
Холингиздан мў-бамў огоҳ ул.
Ул ёқин сизгаву сиз ондин йироқ,
Васл онга ойин, вале сизга фироқ.
Ҳар парида юз туман ранги ажиб,
Лек ҳар рангида юз нақши гариб...
Бирлик ойинида зотидур онинг,
Лек мингдин кўп сифотидур онинг.
Ул сифат офоқ аро шоеъ бўлуб,
Барча онинг зотиға рожеъ бўлуб⁷⁰.

Симургга берилган бу характеристикадан мазкур образининг икки муҳим хусусиятини, яъни у ҳам афсонавий гўзал қуш, ҳам худонинг символик образи эканлигини аниқлаш мумкин. Шоир талқинида Симург (худо) табиатдаги нарса, ҳодиса ва ўзгаришлар билан биргаликда бўлган моҳият сифатида намоён бўлади. Симург (худо) образига бу хил нуқтан назардан ёндашиш, айниқса, Навоийнинг илоҳиёт ва табиатнинг ўзаро муносабатига онд энг муҳим фалсафий қарашлари ўз аксини топган қуйидаги сатрларда ёрқинроқ кўринади:

Ганже эрди, лек махфий зот анга,
Ешурун ҳусн эрди, кави миръот анга.
Уз зухурий чун таманин айлади,
Чиктию аввал тажалли айлади.
Бу тажаллиси аро хуршедвор,

Юз туман, минг соя солди ошкор.
Сояким покиза бўлди жилвагар,
Айлади ул сояға кўпрак назар.
Барча олам қушларининг сурати.
Билгил, онинг сояи пурҳикмати⁷¹.

Демак, Симург образи дostonда статик ҳолатда эмас, балки динамик процессда яратилган. У аввал «яширин ҳусн» (гўзаллик)га эга бўлган моҳият тарзида кўринса, кейинчалик ўз ички эволюцияси туфайли ривожланиб, табиатдаги нарса ва ҳодисаларда тажассум этган куч сифатида намоён бўлади. Бу билан Навоий авваллари фақат худогагина нисбат берилиб келинаётган энг юксак сифат ва фазилатларни табиатга, энг муҳими, инсонга кўчиради. Натижада худони улуглаш шоир учун табиат ва инсонни улуглаш воситасига айланади. Шундай қилиб, бу образ асарда худо, табиат ва инсон бир бутунлигини ўзида мужассам этган бадий-фалсафий категория даражасига кўтарилган. Умуман, Симург Навоий талқинида кўп маъноли образ бўлиб, у қушлар интилган идеал гўзаллик ва маънавий камолот тимсоли ҳам ҳисобланади. Мазкур образга юкланган бу ғоявий-эстетик функциялар дostonда мажозий қисса орқали ҳар томонлама асосланган. Хуллас, Навоий Симург образи воситасида ўзининг илоҳиёт, табиат ва инсон бир бутунлиги ҳақидаги фалсафий қарашларини илгари сурлади.

Асардаги марказий образлардан яна бири Худхуддир. Худхуд донишмандлиги ва хосиятли эканлиги билан бошқа қушлардан ажралиб туради. У қушларни сафарга чорлар экан, ўзининг моҳир тарғиботчи ва уста нотик эканлигини ҳам намоён этади. Дostonда Симург ҳақида айтилган барча фикрлар Худхуд тилидан келтирилган. Шунга биноан Худхуд образига Навоийнинг фалсафий масалаларга онд қарашларини ифода этувчи бадий восита сифатида қараш мумкин. Бу мазкур образининг асардаги энг асосий функцияларидан бирини, анъанавий қиссалардаги Худхуд образидан фарқ қилувчи томонини ташкил этади.

Худхуд образининг дoston ғоявий-тематик мазмунида тутган ўрни фақат шу билангина чегараланиб қолмайди. У шайх ёки пирнинг аллегорик образи сифатида умумтасаввуфий масалалар, хусусан сўфизмнинг энг муҳим назарий ва амалий принциплари унинг ҳаётга, жамиятга, кишилар турмуши ва ахлоқига бўлган муноса-

вати, тариқат йулининг узига хос хусусиятлари, тасаввуф ва дин каби масалалар ҳақида ҳам кенг ва батафсил фикр юритади.

Достондаги бошқа қушлар образини асар сюжетида тутган ўрни ва вазифасига қараб уч гуруҳга ажратиб мумкин: 1. Умумий қушлар образи. 2. Конкрет қушлар образи. 3. Ўттизта қуш образи.

Қушлар образининг бу хил талқин этилиши асардаги етакчи ғоявий-тематик мазмун билан узвий боғлиқ бўлиб, уни чуқур ёритиш учун хизмат қилади. Қушлар ҳар учала аспектда ҳам жамиятдаги турли-туман кишиларнинг мажозий образлари саналади. Мазкур образларга юклатилган бу функция уларнинг қуш сифатидаги табиий-физиономик хусусиятларини инкор қилмайди, балки улар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилади. Яъни асарда қушларнинг ҳар бири ўз табияти, ташқи кўриниши ва бошқа сифатлари билан биргаликда тасвирланган, уларнинг «қушлиги» ҳам тўла сақланиб қолган.

Умумий пландаги қушлар образи асарнинг умумий композицион-тематик йўналиши билан алоқадор бўлиб, бунда шоир уларни юз туман минг қуш сифатида тасвир этади. Қушлар достоннинг айрим ўринларида конкретлаштирилган, сюжет финалида эса улардан атиги ўттизтаси ҳаракат қилиб, қолганлари саҳнадан тушиб кетади.

Қушлар конкрет планда жамиятда тутган ўрни, маънавий дунёси ва турмуш шароитлари билан бир-бирларидан ажралиб турувчи кишиларнинг мажозий образлари вазифасини бажаради. Натижада қушлар образи жамият ва инсон ҳаётининг муҳим томонларини акс эттириш учун хизмат қилган. Қушлар образига бу хилда ёндашиш дастлаб Аттор достонида кузатилади. Бу анъана кейинчалик Гулшаҳрий асарида ҳам давом эттирилган. Навоий эса мазкур традицияни давом эттирибгина қолмай, балки янги-янги хусусиятлар билан бойитиб, ҳар томонлама ривожлантирган. Масалан, қушларнинг Худҳудга уэр айтиш эпизодида Аттор достонида ўн та, Гулшаҳрийда саккизта қуш иштирок этса, Навоийда эса ўн тўртта бўлиб, улардан олтитаси аввалги асарларда учрамайди. Булар: Қумри, Кабутар, Тазарв, Қарчигай, Бургут ва Товуг (Хўроз) кабилардир. Ушбу қушларнинг ҳар бири Худҳудга янги уэр айтиш билан чиқиш қилади. Улар билдирган уэрлар ва Худҳуд жавоблари форс ва турк поэмаларида мавжуд эмас. Демак,

Навоий анъанавини сюжетни оригинал образ ва эпизодлар ҳисобига бойитиб, уни янада тараққий эттирган.

Навоий қушлар образини конкретлаштириш воситасида ўзи яшаган даврдаги турли хил инсон типларининг аллегорик образларини чизиб берган. Шу жиҳатдан достондаги қушлар ва Худҳуд мунозараси алоҳида диққатга сазовордир. Бунда шоир қуш тили орқали кишилар характеридаги айрим салбий иллатлар, чунончи, худбинлик, мақтанчоқлик, танбаллик, мол-дунёга ҳирс кўйиш, шахсиятпарастлик, жоҳиллик ва шу кабиларни танқид остига олади. Мазкур танқид кўпинча жамиятдаги муайян ижтимоий табақа адресига қаратилганки, бу ҳолат достонда конкрет қушлар образи мисолида реал ҳаёт манзаралари ифода этилганлигидан далолат беради. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, Тўти образи Шарқ фольклори ва ёзма адабиётида донишмандлик ва ширин тақаллумлик символи ҳисобланади. Достонда эса у шундай хусусиятларга эга бўлишдан ташқари, «комронлар», — бадавлат кишилар паноҳида ҳузур-ҳаловатда яшайдиган, ўз ширин сўзлари билан уларга завқ бағишлайдиган, ҳаётда ҳеч бир «қаттиглик, ранж захридин аччиғлик» кўрмаган киши сифатида ҳам гавдаланади.

Худҳуд уни худбинликда айблаб, жумладан, шундай дейди:

Айтиб ўз васфингда гуногун хилоф,
Барча ҳашву барча лағву барча лоф.
Худпарастесен—ўзингнинг ошиқи,
Худписандесен—мазаммат лойиқи⁷².

Товус ва Тазарв (Қирғовул) қушлар ичида ўзларининг чиройли ташқи кўриниши билан ажралиб, патлари ранг-баранг нақшларга эга. Улардаги бу табиий гўзаллик кишиларни ўзига мафтун этади. Асарда эса улар ўзидаги ана шу «хусну зеболиғ» билан мақтанувчи кишиларнинг мажозий образидир. Навоий Худҳуд тилидан уларни танқид этар экан, ташқи гўзаллик билан мағрурланиш ҳеч вақт яхши оқибатга олиб бормаслигини уқтиради. Шоирнинг фикрича:

Одам ўлғон зебу зоҳирдин демас,
Кимки ондин фаҳр этар — одам эмас⁷³.

Кабки, дарий (тоғ каклиги) — даҳр элидан эта-силкаб, тоғу тошлар ичида ором топган гўшанишини э-ши. Унинг бундан кўзда тутган бош мақсади беҳисса-хазинага эга бўлиш ва бойиб кетишдир. Шунинг учун тоғдан кон ахтариб юради⁷⁴. Куф (Бойқуш) ҳам худ-у каби ўз ҳаётининг моҳиятини ганж қидириб топиш-деб билади:

Менки, ганж уммедидин девонамен,
Кеча-кундуз сокини вайронамен⁷⁵.

Худхуд уларга мол-дунёга ҳирс қўйиш хавфли, у ни-сонни маънавий тубақликка етаклайди; ганж қўлга ки-ритилган тақдирда ҳам, унинг фойдасидан зарари кўп-роқдир, дейди. Масалан, Куфга шундай дашном беради:

Филмасал билфарз топсанг ҳам бу ганж,
Қил хаёл, эй нотавони гуссасанж.
Қим не бўлғай баҳринг ондин жуз бало,
Ҳар дам ўзга ғамга бўлмоқ мубтало⁷⁶.

Хазина ахтариб топиш ва умуман бойлик йиғишга муккасидан кетиб, бу йўлда ҳар қандай разолатдан ҳам тап тортмаслик ўрта асрлар жамиятида кенг тарқалган ҳодисалардан бири эканлиги эътиборга олинса, шоир-нинг Худхуд орқали айтган юқоридаги фикрлари қанча-лик катта ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги ўз-ўзи-дан маълум бўлади.

Достондаги Қарчиғай образи алоҳида диққатга сазо-вордир. Шоир бу образ тимсолида шоҳлар қўлида хиз-мат қилиб, ўз озодлигини уларга қурбон этган, аммо бундан мамнун бўлиб юрган жоҳил ва шухратпараст кишиларнинг маънавий қашшоқлигини чизиб беради. Бунинг Қарчиғайнинг қўлидаги сўзларидан аниқ билиб олса бўлади:

Зотима шаҳлар қўли оромгоҳ,
Тўйма ҳар кун еткуруб оллимга шоҳ.
Шаҳлар оллинда топиб эътибор,
Шавкатим Симургча билфеса бор⁷⁷.

Навоний яшаган даврда бундай кишилар оз эмас эди. Улар шоҳ ва бошқа феодалларга малайлик қилиб, олдий меҳнаткаш халққа зулм ўтказарди. Навоний Қар-чиғай образи орқали ана шу хил сарой амалдорларини

назарда тутган. Шу жиҳатдан мазкур образ реал та-рихий заминга эга бўлиб, шоирнинг зolim сарой амал-дорларига бўлган салбий муносабатини образли ифо-далайди.

Асардаги бошқа қушлар ҳам ана шу тарзда жамият-даги турли социал тоифаларнинг аллегорик образи си-фатида намоён бўлади. Бунда шоир уларнинг табиий хусусиятларидан кенг фойдаланади. Масалан, Қарчи-ғай образини юқоридагидек талқин этишда маълум асос бор. Чунки қарчиғай ов қуши бўлиб, уни шоҳ ва бошқа овчилар ов қилиш пайтида қўлда кўтариб юриш-ган. Бу ҳолат бошқа қушлар образига бўлган муноса-батда ҳам кузатилади.

Эслатилганидек, қушларнинг барчаси Худхуд томо-нидан кескин танқид этилади. Унинг мулоҳазаларида икки тенденция бўртиб туради: 1. Қушлар характе-ридаги нуқс ва иллатларни танқид этиш. 2. Шу асосда уларни Симург сари сафарга тарғиб қилиш. Шундай қилиб, Худхуд қушлар хулқ-атворидаги айрим салбий хусусиятларни танқид этиш орқали жамиятнинг маъ-навий-ахлоқий қиёфаси нақадар иллатли ва ярамас эканлигини очиб ташлайди. Лекин, шу билан бирга, у баъзан қушларнинг реал ҳаётини иштилоқлари ва соғ-лом фикрларини ҳам асоссиз равишда қоралайди. Ма-салан, у Булбулни Гулга ошиқ бўлмаслик керак, деб ноўрин айбласа, Кабутарга одамларга яқинлашмаслик-ни маслаҳат беради.

Маълумки, қисса бошидаги юз мингларча қушдан асар охирида фақат ўттизта қуш қолади. Улар ҳар хил азоб-уқубатлардан сўнг руҳий жиҳатдан покланиб, сўнг-ги манзилга етишга муваффақ бўладилар. Натижада ажиб бир ҳодиса рўй беради: улар кўз ўнгидан зулмат пардалари кўтарилиб, ўзларини гўзал бир гулшан ич-ра кўрадилар. Аммо бу ерда қай томонга кўз ташла-маслилар, ўзларини—ўттизта қушни кўрадилар. Шу тарзда улар Симургга айланадилар, у билан қўшилиб кетадилар, унинг васлига муяссар бўладилар:

Сидқи ихлос ичра-иккинчи фано,
Ёрни қилди аларға ошно⁷⁸.

Демак, ўттизта қуш образи ёр (Симург ёки идеал гўзаллик) васлига ошно бўлган комил инсонларнинг мажозий образи ҳамдир. Улар бунга, шоир сўзлари би-

дан айтганда, «уз емон ахлоқ»ларини бартараф қилиш орқали эришадилар.

Хулоса қилиб айтганда, қушлар образи асар ғоявий-тематик мазмунида ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, улар орқали шоир ўзининг муҳим фалсафий ва ахлоқий қарашларини илгари суради. Навоий қушлар образига бир неча аспектда: табиий-физиономик, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий аспектларда ёндашади. Бироқ улар алоҳида-алоҳида ифода этилмай, балки бир-биридан келиб чиқади ва ўзаро органик бирлиги ташкил этади. Қушлар образининг асосий бадий-эстетик қиймати ҳам улардаги ана шу бир бутунлик ва кўп қирраликдир.

«Лисон ут-тайр» дostonи ғоявий-тематик жиҳатдан кўп қиррали бўлиб, ўзида ўша давр ижтимоий муҳити ва инсон маънавий камолотига оид кўпгина актуал масалаларни қамраб олади. Бу борада айниқса асар таркибидаги ҳикоятлар алоҳида диққатга сазовордир. Агар қолиппловчи қиссада шоирнинг турли масалаларга оид қарашлари умумий-назарий тарзда ифодаланган бўлса, ҳикоятларда улар конкретлашиб, ўзига хос бадий мазмун ва шакл тусини олади. Шу туфайли дoston ғоявий мазмунини мазкур ҳикоятлар таҳлилсиз тўлиқ ўрганиш мумкин эмас.

ДОСТОН ТАРКИБИДАГИ ҲИКОЯТ ВА МАСАЛЛАР

«Лисон ут-тайр» ҳикоя ичида ҳикоя усулида ёзилган бўлиб, асар композицияси қолиппловчи қиссадан ташқари ўнлаб ҳикоятларни⁷⁸ ҳам ўз ичига олади. Дostonда 65 та ҳикоят мавжуд. Уларнинг жами байт миқдори (1800 байтга яқин) асар умумий ҳажми (3598 байт)нинг тенг ярмини ташкил этади. Мазкур асарлар дostonдаги айрим эпизод, мулоҳаза ёки назарий тезисларга иллюстрация сифатида, уларда илгари сурилган мазмун ва ғояни чуқурроқ очиш учун мисол тариқасида келтирилган. Бинобарин, улар асар композицияси, сюжети ва ғоявий мазмунида ўзининг муайян функциясига эга. Лекин, шу билан бирга, улар мустақил сюжет, композиция ва ғояга эга бўлган асарлар ҳам ҳисобланади. Шу жиҳатдан уларни алоҳида мустақил асарлар сифатида текшириш мақсадга мувофиқдир.

Дostonга кирган ҳикоятларни тематика жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги ҳикоятлар.

2. Дин ва тасаввуф вакиллари, уларнинг баъзи муҳим қарашларига оид ҳикоятлар.

3. Ахлоқий-таълимий ҳикоятлар.

4. Ишқ-муҳаббат мавзuidaги ҳикоятлар.

Аммо барча таснифлар сингари бу классификация ҳам шартлидир. Чунки ҳикоятларнинг айримлари ўзида бошқа гуруҳларга оид хусусиятларни ҳам мужассам этиши табиий бир ҳол ҳисобланади. Масалан, ахлоқий-таълимий ёки севги мавзuidaги ҳикоятларнинг айримларида муҳим ижтимоий ва фалсафий фикрлар илгари сурилган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, маълум изчилликка эга бўлиш учун юқоридаги таснифни қулай деб топдик.

I

Дostonдаги ҳикоятлар ичида ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги ҳикоятлар анчагина ўрин эгаллаб, уларда жамият ҳаётининг муҳим социал-сиёсий масалалари ўз аксини топган. «Шоҳ ва икки дарвеш», «Гаввослар», «Шатранжи кабир», «Шоҳ ва унинг кўзгуси», «Шам ва парвоналар» каби ҳикоя ва масалла шундай асарлар жумласига киради.

«Шоҳ ва икки дарвеш» ҳикоясида ҳукмрон табақаларнинг маънавий дунёси, хусусан, шоҳларнинг золим ва маншатпараст эканлиги ўзига хос бир тарзда ёритилган. Асар мазмуни қуйидагича: Бир шоҳ айшу ишратга ҳаддан ташқари берилиб, ўз умрини масту гофиллик билан ўтказарди. У жуда золим, халқ мулкини талон-тарож қилиш эвазига ўз бойлигини орттирган ва эл-юрт аҳолидан хабар олмас эди. Натижада мамлакатда зулм ва адолатсизлик авжга чиққан эди. Қушлардан бир кун у одатдагидек маст ҳолда турганида, кўчадан ўтиб бораётган икки дарвешга кўзи тушади ва улардан бирига «Ойтким, мен яхшироқ ё ул рафиқ?» — дея савол беради.

Шунда дарвеш шоҳга қуйидагича жавоб қайтаради: «Сен улусга шоҳ бўлсанг ҳам, аслида гумроҳсан, чунки сен нафс қўлида тутқунсан, менинг ўртоғим гадо бўлса-да, нафсни ўзига бўйсундирган».

Улсангиз, худ шоҳ — улдур, сен гадо, —
Ким сен эрдинг маст, ул — аҳли иқтидо⁷⁹.

Дарвеш сўзлари шоҳ кўзини очади ва у ўзининг бемаъни ҳаётидан пушаймон бўлиб, тўғри йўлга киришга қарор қилади.

Достондаги «Шатранжи кабир» ҳикоятида⁸⁰ ўрта аср шароити учун типик бўлган қонли урушларнинг жамият ва халқ манфаатларига ҳилоф эканлиги тасвирланган бўлиб кўрсатилади. Шоир асарда шахмат ўйинидаги томондорликнинг бир-бириши мағлубиятга учратиш учун қилган ҳаракатларига рамзий тус бериб, уни ижтимоий ҳаётда мавжуд муҳим бир ҳолат — яъни «кинагоҳ» шоҳнинг ўзаро жангу жадал олиб боришига қиёс қилади. Ўйин тамом бўлгач, шахмат доналари йиғиштирилиб, харита (халта) ичига солинади, улар бу ерда ўзларининг шахмат тахтасидаги аҳамиятини йўқотиб, моҳият жиҳатдан бир хил қийматга эга бўладилар:

Чун харита ичра боғланди бари,
«Шаҳ» қуйндур, ё «пиёда» юқори⁸¹.

Бас шундай экан, турли шоҳларнинг ўзаро душманлик қилиб, бир-бирига қарши катта қўшин билан ясоётганини ҳам ана шундай мантиқсиз ва зарарлидир. Катта шахмат ҳақидаги ҳикоядан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатдир.

Ғаввослар ҳаётига бағишланган ажойиб ҳикоянинг⁸² муҳим фазилати шундаки, унда денгиз тубидан марварид изловчилар қиладиган машаққатли меҳнат ва бу меҳнатнинг қадрсиз эканлиги реал акс эттирилган. Ғаввослар қанчалик азоб-уқубат чекиб, садаф қидириб топмасинлар, савдогарлар улар олиб чиққан дур-маржонларни арзимаган нархда сотиб оладилар. Шоир ғаввослар меҳнатиغا ачинади, уларнинг топган нарсаларини жуда арзон баҳода сотишларига таассуф билдиради. Гарчи ҳикояда муаллифнинг текинхўр савдогарларга нисбатан муносабати унчалик аниқ бўлмасада, китобхон уларнинг бу хил разиллигига нафрат кўзи билан қарайди.

Асар таркибидаги ҳикоятларнинг бир нечтаси аллегорик-фалсафий характерга эга. Улардан бири «Шоҳ ва унинг кўзгуси» ҳикояси бўлиб, унда қуйидаги воқеа тасвирланган: Гўзал жамолли бир подшо бўлиб, унинг ҳуснига барча шайдо, унинг жамолидан баҳраманд бў-

лган ҳамманинг орзу-армони эди. Бир кун шоҳ халқнинг қа осон бўлсин учун улкан қаср солишни ва унда ойна ўрнатишни буюради. Унинг бундан мақсади ўзига ошиқ бўлганларнинг орзуини амалга оширмақ эди. Қаср битгач, шоҳ тахтга чиқиб ўтиради ва ойнага назар солади. Одамлар эса унинг ойнадаги аксини кўриб, ўз мақсадларига эришадилар. Навоий бу ҳикоядаги мажознинг маъносини қуйидагича изоҳлайди:

Қаср — тан, онда кўнгулни кўзгу бил,
Кўзгуда шаҳ ҳуснини наззора қил.
Бермайн бу кўзгуга аввал жило,
Акс онда солмағай ул подшо⁸³.

Демак, асардаги образларнинг аллегорик-фалсафий функцияси тушунарли: қаср — инсон гавдаси, кўзгу — ундаги кўнгул, шоҳ эса худо образидир. Кўринадик, асарда юқоридаги аллегорик сюжет воситасида инсон худони кўнгул ёрдамида била олади, деган сўфиёна назарий тезис ифодалаб кўрсатилмоқда.

Маълумки, шам ва парвона образлари Шарқ классик адабиётида энг кўп қўлланилган тамсиллий образлардан бири ҳисобланади. Бу образлар иштирок этмаган шоир девонини учратиш қийин, шунингдек, асосий қаҳрамонлари мазкур образлар бўлган бир қатор масал, мунозара ва достонлар мавжуд. Навоий достонидаги «Парвоналар мажмаи шамъи ҳақиқий шарҳида» (ёки соддароқ ном билан айтсак, «Шам ва парвоналар») масалли ҳам шу типдаги асарлар жумласига киради. Шоирнинг бу масалида кўпгина муаллифлар ва шулар қатори ўз ижодиётида ҳам қайта-қайта тилга олиниб келган оддий бир деталь — парвоналарнинг ёниб турган шамга интилиш ҳодисаси асос қилиб олинган. Парвоналар бир кеча тўпланиб, шамнинг нима эканлигини билиб олмоқчи бўладилар. Бунинг учун биринчи парвона шамга яқинлашиб, унинг ичига кириб, у билан бирга қўшилиб ёниб, у ҳақда хабар беради, аммо бошқа парвоналар унинг сўзларидан беҳабар қоладилар. Иккинчи, учинчи... ва бошқа парвоналар ҳам худди шу ҳолга дуч келадилар.

Ушбу асардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, шамнинг нималигини билмоқчи бўлган парвоналар у билан қўшилиб ёниб, ўз муддаосига эришгани каби инсон ҳам фано ўтида куймасдан туриб, ҳақиқатнинг асл моҳиятига эриша олмайди⁸⁴.

асардаги «қурлар ва фил» ҳикояси ҳам символик характерга эга. Унда нақл қилинишича, бир неча қур киши тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга бориб қолади. Улар яна ўз ватанларига қайтадилар. Бир киши улардан «борган жойингизда фил кўрдингизми?» деб сўрайди. Улар «ҳа» деб жавоб берадилар. «Қани, сўзладингиз» дейди у. Қурлар аслида филни кўрмаган эдилар, лекин унинг у ёки бу аъзосини қўл билан пайпаслаб у ҳақда маълум тасаввур, «билик» ҳосил қилган эдилар. Шунга биноан улар ўз тасаввурларидаги «фил»ни у ҳақдаги ўз тушунчаларини бирин-кетин таърифлашни киришадилар:

Қўлларин мас айлаган деди — «Сутун»,
Қорин эткан мас дедидим — «Бесутун»
Ул бириким мас хартум айлади,
Аждаҳо андоми маълум айлади.
Ул бириким тишларин қилди баён,
Дедиким икки сўнгак бўлди аён⁸⁵...

Ушбу ҳикоя дostonдаги «Маърифат водийси васфи» бобига тамсилий далил сифатида келтирилган. Шоир бу ўринда ўзининг Маърифат босқичи ҳақидаги фикрларини, хусусан, бу босқичнинг мухталиф характерга эга эканлиги, унда ҳар хил эътиқодларнинг солиқ учун бир хил моҳият касб этиши ҳақидаги мулоҳазаларини кўрлар бошидан кечган юқоридаги воқеа орқали ифодалайди. Шунинг учун ҳам шоир ҳикоя охирида кўрларнинг фил ҳақидаги сўзларини донишманд ҳинд филбони тилидан шундай шарҳлайди:

Ҳар бири ўз билганидин деди сўз,
Солмогон эрди бири пил узра кўз.
Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Пилга ҳосилдур ул дам маърифат⁸⁶.

Мазкур асар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда (Саноний, Румий) мавжуд материалларга асосланиб ёзилган.

Кўринадики, Навоийнинг юқорида таҳлил этилган ҳикоя ва масаллари мажозий характерга эга бўлиб, шоирнинг сўфиёна — пантеистик фалсафа соҳасидаги баъзи қарашларини образли тарзда ифодалаш учун хизмат қилади. Бу асарлардаги мазкур тасвир услубида

Аттор, Румий ва Жомий каон аллегорик ҳикоятларнинг машҳур усталари таъсири ҳам сезилиб туради.

2

Дostonда ислом дини ва тасаввуфнинг айрим намонидалари ҳаёти ҳамда уларнинг муҳим қарашлари ҳақидаги ҳикоятлар ҳам катта ўрин тутати. Уларнинг баъзилари Одам Ато, Азозил, Азронил, Сулаймон пайғамбар ва шунга ўхшаш диний-афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги традицион ривоятлар бўлса, айримлари ислом дини асосчиси Муҳаммад пайғамбар ва унинг чаҳорёрлари Абубакр, Умар, Усмон ва Али, шунингдек, сўфизмнинг йирик вакиллари бўлган Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Иброҳим Адҳам, Абу Бакр Нишопурий, Абул Аббос Қассоб, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларнинг ярим афсонавий ҳаётига онд айрим лавҳалар, улар томонидан айтилган баъзи фикрларни қайд этишга бағишланган. Бу ҳикоятларга асос бўлган материаллар турли диний адабиётларда, жумладан, Қуръон, ҳадис, тафсирлар ҳамда йирик сўфий шайхлар ижодий биографиясига онд «Тазкиратул-авлиё» (Аттор), «Нафаҳот ул-унс» (Жомий) ва бошқа асарлар таркибида мавжуд. Шунингдек, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам бу соҳада жуда катта материал тўпланган бўлиб, у дostonдаги баъзи ҳикоятларнинг яратилишида манба ролини ўтаган.

Ушбу ҳикоятларнинг аксарият қисми Худҳуд томонидан баён қилинган сўфизмга доир айрим масалаларни изоҳ қилувчи фикр-мулоҳазаларга қўшимча материал вазифасини бажаради. Уларнинг баъзилари билан таънишайлик. Маълумки, ислом дини ва сўфизм таълимотига кўра, тавба гуноҳдан фориғ бўлишнинг энг асосий воситаларидан бири саналади. Бир қушнинг Худҳуд билан қилган савол-жавоби ана шу масалага бағишланиб, унда Худҳуд гуноҳини ювиш учун ихлос билан тавба қилишнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида сўз юритади ва бунга мисол тариқасида «Одам Сафий алайҳиссалом» ҳикоятини келтиради. Унда Одамнинг гарчи жаннатдан қувилган бўлса-да, самимий тавбаси туфайли гуноҳи кечирилиб, пайғамбарлик мартабасига эришгани тўғрисидаги ривоят ўз аксини топган⁸⁷.

Азозил (шайтон) ҳақидаги ривоятда нақл қилинишича, таъгри Одамни вужудга келтирмасдан илгари Азозил барча малонкаларнинг сарвари бўлган экан.

у худо амрига итоат қилиб, бир неча минг ил мова
нида тоат-ибодат бажо келтирган. Одам яратилга
худо барча малонкаларни унга сажда қилишни буюра
ди. Азозил эса гурур ва кибрга берилиб, бу ишни баж
ришни хоҳламаган ва шу туфайли абадий ланатга
учраган эмиш⁸⁸.

Юқоридаги ҳикоятлар Қуръон ва бошқа диний ма
балардан олиниб, афсонавий характерга эга бўлса-да
уларда иккита муҳим хусусият мавжуд. У ҳам бўлса
мазкур асарларда, биринчидан, Навоийнинг инсонга
бўлган буюк ва самимий муҳаббати жўш уриб турган
лиги, иккинчидан, диний ривоятлар ёрдамида баъ
ахлоқий иллатлар, хусусан, кибру ҳаво ва манманлик
берилишнинг танқид этилишидир.

Маълумки, сўфизм таълимотига кўра тариқат йў
лини пир раҳбарлигисиз адо этиш мумкин эмас. Урта
асрларда кимнинг пири йўқ бўлса, унинг пири шайтон
дир, деган ақида кенг тарқалган. Пирнинг асосий иши
солиққа ирфони маърифат ҳосил қилишдир. У мурид
даги барча иллатларни тузатишга ёрдам беради.

Худхуд бир қуш томонидан ўзининг талаввун ми
жозлигини айтиб, бу иллатни қандай бартараф этиш
мумкинлиги ҳақидаги саволига юқоридагидек жавоб
қайтаради ва бунга далил сифатида Шайх Туроб Нах
шабий ва унинг бир муриди ўртасида бўлиб ўтган во
қеани келтиради. Туроб Нахшабийнинг кўп сонли му
ридлари орасида биттаси ташқи гўзалликка, зебу зий
натли, чиройли либослар кийиб юришга ҳаддан таш
қари кўнгил қўйган эди. Ҳолбуки, тариқат йўлига кир
ган кишига бундай қилиш ярашмайди. Шайх муридга
бу номақбул ишдан воз кечишни маслаҳат берса-да,
ундан бирон фойдали натижа чиқмайди. Шундан сўн
у кескин чора кўришга мажбур бўлади: Бир қўй сўй
дириб, унинг ичак-чавогини саватга жойлаштиради ва
мурид бошига қўйиб, бозорда айлантириш ҳақида кўр
сатма беради. Хуллас, йўлдан адашган мурид пир та
бири туфайли ўз хатосини тузатиб, ахлоқидаги ёмон
иллатдан қутилади ва тариқат учун ташқи гўзаллик
ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англаб етади⁸⁹.

— Тариқат йўли оғир ва машаққатли, кучсиз ва қас
салманд киши уни қай парзда ниҳоясига етказа олади?
— деган саволга Худхуд заиф тана инсонни охир-оқибат
да ўлимга олиб боради, шундай бўлгач, ёр (худо) йў
лида жон фидо қилмоқ зарур, — деб жавоб қайтаради ва
ўз фикрига намуна сифатида «Шайх Абу Саид Абу

Хайр ҳикояти»ни сўйлаб беради. Илоҳий ишқ йўлида
умрини ўтказган шайх Абу Саид (у хуросонлик маш
хур шайхлардан бўлиб, 440/1048 йилда вафот этган)
нинг худо йўлида ўлмоқ асосий мақсади эди. Бун
амалга ошириш учун жамиятдан узоқлашиб, дашту тоғ
аро юрар ва бир вайронадаги қудуқнинг чўпига ўзини
оёғидан осиб, шу ҳолатда кўзларидан қатра-қатра қон
томғуича турарди.

Ниҳоят:

Ҳажр аро йиллар бу янглиғ чекти ҳол,
То етишти оғзига жоми висол⁹⁰.

Кўринадики, Шайх Абу Саид Абул Хайр ҳақидаги бу
асар ўта аскетик сўфийлар ҳаётидан олинган типик
бир мавҳадир.

Достон таркибидаги Шайх Нажмиддин Кубро (Хо
размни ҳимоя қилиш пайтида 618/1221 йилда Чингиз
хон аскарлари томонидан ўлдирилган), Абдулҳасан Ха
рақоний (вафоти 425/1033), Иброҳим Адҳам (161/777
йилда вафот этган), Абу Бакр Нишопурий (238—324/
853—935), Баҳоуддин Нақшбанд (вафоти 791/1390), Хо
жа Муҳаммад Порсо (822-1419 йилда вафот этган) ва
бошқа шайхлар ҳақидаги ҳикоятларда ҳам улар ҳаё
тига оид айрим ривоятлар нақл қилинган.

Маълумки, ўрта асрлар мусулмон Шарқида дин ва
тасаввуф мавқеидан шахсий манфаат учун фойдаланиш
ҳодисаси кенг авж олган эди. Дин ва сўфизмни ниқоб
қилиб олиб, халқни алдаш йўли билан кун кечирувчи
лар «риёи хирқапўш» шайхларни ўз асарларида аёв
сиз суратда фош этган Навоий «Лисон ут-тайр» досто
нида ҳам бу мавзуга яна бир карра мурожаат қилади.
«Риёкор қаландар» ҳикоясидан маълум бўлишича, эг
нига дарвешлар тўнини кийиб олган бир ноқис киши
ўзини тасаввуф пешвоси деб эълон қилади. У бозор
ида ўзининг комил киши, ҳар хил кароматлар ва мўъ
жизалар кўрсатишга қодир эканлиги ҳақида лоф уриб,
одамлардан хайру эҳсон сифатида пул ва турли егу
лик маҳсулотлар ола бошлайди. Шу пайт унинг олди
ҳақиқий пир келиб, ундан халтани очишни сўрайди.
Халтадаги нарсаларнинг ҳаром эканлигини айтиб, унга
ёрдан бир ҳовуч тупроқ ва тош олиб беради. Улар шу
заҳотиёқ олтин ва қимметбаҳо нарсаларга айланади.
Ноқис шайёд бундан ҳайратга тушиб турганида, пир

кўздан ғойиб бўлади. Хуллас, у ёмон қилмиши туфайли кенг халқ ўртасида шармандан шармисор бўлади⁹¹.

Навоний бу ҳикоятда айрим шахсларнинг сўфизм оғрийидан шахсий мол-мулк тўплаш воситаси сифатида фойдаланиш каби типик ижтимоий ҳодисани танқид этса, айрим ҳикоятларда эса дин ва сўфизмнинг баъзан ахлоқий моментларига риоя қилишликни тарғиб этиш орқали умуминсоний ахлоқий нормаларни эътироф этади. Чунончи, юқорида кўриб ўтганимиз «Шоҳ ва икки дарвеш» ҳикоясида шоир сўфиёна одоб-ахлоқ нормаларига қатъий амал қилувчи икки дарвеш образини яратиб, уларни маишатпараст подшо образига қарама-қарши қўяди. Шунингдек, «Харақоний ва мурид», «Порси ва Абу Наср» каби ҳикояларида⁹² инсонийликнинг муҳим атрибутларидан ҳисобланган ростгўйлик ва олиёҳимматликни улуғлайди.

3

Достондаги шеърӣ ҳикоя ва масалаларнинг катта қисмини ахлоқий-таълимий ҳикоятлар ташкил этади. Кишилар характеридаги турли салбий хислатларни уларнинг камчилиги ва нуқсонларини асарларида гоҳ ўткир, сатира, гоҳ енгил юмор билан фош этган Навоний мазкур ҳикоятларда ҳам ўзларида ҳар хил ярамас иллатларни мужассамлаштирган шахсларнинг жирканч кирдикорларини зўр маҳорат билан очиб ташлайди. Шу жиҳатдан асардаги ҳасис киши, сохта гавҳарфуруш, ҳинд савдогари, мечкай полвон, Муқбил ва Мудбир, танбал киши, хомхаёл қаландар, беҳунар боғбон ҳақидаги ҳикоятлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларда шоир феодал тузум келтириб чиқарган турли ахлоқий иллатларни кескин танқид остига олар экан, бу иллатларга инсон ва жамият камолотига тўсқинлик қилувчи омиллар сифатида қарайди ва ўз даврининг илғор гуманистик позициясидан туриб, уларни инкор қилган ҳолда олижаноб инсоний фазилатларни тасдиқ этади. Мазкур асарлар ўзларининг реалистик элементларга бойлиги, сатира тифининг беомонлиги, нозик ва шўҳ юмори билан ҳам диққатни жалб этади. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Умрини олтин-қумуш тўплаш билан ўтказган бир ҳасис киши мол-дупёсини ер остига кўмиб, махфий сақлар ва ҳатто, бунга ҳам ишонмай, кўпгина олтинларини тўнининг орасига қўйиб тикиб олган эди. У бир кун

ни қўлини ювмоқчи бўлиб дарёга энгашганида, тўнининг оғирлиги туфайли сувга йиқилиб тушади... ва гарқ бўлади:

Чун оғир эрди дирамдин лангари,
Сув тубин тутти садафдек гавҳари⁹³.

Шоир бу асарда кичик, аммо ниҳоятда оригинал ҳаётий бир воқеа асосида мол-дупё йиғишга ҳирс қўйиш ва ҳасислик каби ижтимоий иллатларни танқид остига олиб, кишиларни инсон шаънига доғ туширадиган бундай номақбул ишлардан воз кечишга даъват қилмоқда.

Навоний яшаган даврда бундай ҳасис ва мулкдор кишилар оз эмас эди. Улар, албатта, ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бойиб кетган эмаслар. Улар ё мазкур киши каби зиқналик йўли билан, ё турли ҳийла-найранг ва риёкорлик воситасида халқни шилиб олиш йўли билан бунга эришганлар. Бу ҳолат юқоридаги ҳикоятга мазмун жиҳатдан бирмунча яқин ва уни тўлдирувчи қуйидаги икки ҳикоятда яққол кўзга ташланади. Улардан биринчиси — ҳинд савдогари ҳақидаги ҳикоятда⁹⁴ тасвирланишича, «ҳирси дирам» кўйига мубтало бўлган савдогарлар бойлик тўплаш учун ҳар қандай разолатдан ҳам тап тортмайди. Чунончи, ҳинд савдогари бойиб кетиш мақсадида йил ўн икки ой турли мамлакатлар бўйлаб сафар қилади. У Макка атрофини печа марталаб сувда айланиб ўтган бўлишига қарамай, фойданинг камайиб қолишидан чўчиб, у ерни зиёрат қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Охир-оқибатда, кунлардан бир кун дарёда бўрон кўтарилиб, у тушган кема ҳалокатга учрайди.

Яна бир тоифа кишилар бўлганки, улар ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиш ўрнига енгил-елпи йўл билан бойиб кетиш пайига тушганлар. Навоний бундай қаллоб кишиларни «бад ахтар» (толен паст) деб атайдиган ва уларни «Сохта гавҳарфуруш» ҳикоятида⁹⁵ сатира қамчиси остига олади. Асарда оддий шиша ва тошларга турли ранг суртиб, уни гавҳар ва марварид деб жуда қиммат нархда сотувчи бир устаси фаранг кишининг қилмиш-қидирмиши тасвирланган. Бир кун у ўз молини бир бой кишига жуда катта пулга сотади. Орадан бирмунча вақт ўтгач, у киши гап нимада эканлигини пайқайди ва олган нарсасини эгасига қайтариб бериб, пулни талаб қилади. Аммо мунофиқ киши пул-

ни аллақачонлар ишлатиб бўлган эди. Натижада бини учун у ўз ҳаёти билан вилолашишга мажбур бўлади.

Маълумки, Муқбил ва Мудбир ҳақидаги ҳикоя мазкур дostonдан ташқари муаллифнинг «Сабъан сайёр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари таркибида ҳам мавжуд. Ҳар учала ҳикоятда ҳам исми жисмига мувофиқ келувчи ана шу икки сайёҳ бошидан ўтган ажойиб ва гаройиб саргузаштлар тасвирланади. Уларда Муқбил (бу сўзнинг луғавий маъноси иқболли, бахтли демакдир) тўғри йўлдан юривчи, камтар, хушфеъл, ростгўй киши, Мудбир (иши орқага кетувчи, бахтсиз) эса ўн номидан ҳам кўришиб турганидек, Муқбилнинг акси сифатида намоён бўлади.

Биринчи ҳикоят («Сабъан сайёр»)да тасвирланишича, Мудбир ўз ёмон хулқи ва ёлгончилиги туфайли ўлимга маҳкум бўлади. Муқбил эса софлиги ва тўғрчилиги эвазига бахтли ҳаётга эришади⁹⁶.

«Лисон ут-тайр» ҳикоятидаги Муқбил ва Мудбир образлари ўз характериға кўра «Сабъан сайёр» dostonida тасвирланган Муқбил ва Мудбирга бирмунча ўхшаб кетади. Бу асарда ҳам Муқбил тўғри йўлдан юривчи, кишиға озор бермайдиган, ақлли киши. Мудбир эса унинг зидди. Аммо у учига чиққан муттаҳам бўлса-да, аввалги Мудбирға ўхшаш ёлгонли суя қилиб ичиб юборадиганлар хилидан эмас, унинг табияти сал бошқачароқ. Муқбил ҳам энди аввалги Муқбил эмас, уларнинг саргузаштлари ҳам илгаридек биргаликда эмас, балки айрим-айрим юз беради, яъни улар феъл-атвори бир-бириға тўғри келмагани сабабли ажралиб кетишадди. Муқбил шаҳардаги фақирлар турадиган маҳалласари йўл олса, Мудбир «байтул-латаф» — бузуқ хотинлар сақланадиган жойни қидириб топади. У ерда кўнмай ичиб, бир киши билан жанжаллашади ва уни ҳанжар уриб ўлдиргани учун шоҳ томонидан қатлга ҳукм қилинади⁹⁷.

Кўришиб турибдики, бу асар аввалги ҳикоят билан баъзи умумий хусусиятларға эға бўлса-да, ўзига хос оригинал мазмунға эға. Ундаги қаҳрамонлар талқини ҳам ўзгача. Агар «Сабъан сайёр»даги Муқбил ва Мудбир ўз бошидан гаройиб сеҳрли-фантастик саргузаштларни кечириб, халқ оғзаки ижодидаги эртак ва doston қаҳрамонларига яқин турса, «Лисон ут-тайр»даги ҳикояда эса улар энди реал ҳаёт одами сифатида ҳаракат қилади. Унда Навоий ўзи яшаган даврдаги кишилар

ҳаётининг кичик бир лавҳасини чизиб бермоқда. Асардаги икки йўловчининг феъллари тўғри келмагани сабабли ажралиб кетиши, улардан бирининг шаҳардаги фақирлар маҳалласига бориши ва обрўли «соҳиб тариқ» (сўфий) киши бўлгани туфайли шоҳ уни кўргани келиши, иккинчисининг эса «байтуллатаф»ға бориши ва кейинги юз берган воқеалар ўша давр ҳаётидан олинган.

Муқбил ва Мудбир ҳақидаги учинчи ҳикоят «Маҳбуб ул-қулуб» асарида келтирилган⁹⁸. Навоий ушбу асарда ўзининг сеvimли адабий приёmlаридан бири бўлган Муқбил ва Мудбир каби контраст образларға яна бир бор мурожаат қилиш орқали чин инсонийлик ва унинг ажралмас қисми саналган адаб ва тавозени улдуғлайди. Ҳикоят камтарға камолу манманға заволадеган халқ ҳикмати тарзида яқунланган.

Хуллас, бош қаҳрамонлари бир хил номланувчи бу уч ҳикоят гарчанд баъзи жиҳатлари билан бир-бириға ўхшаб кетса-да, аммо ўз тасвир объекти, сюжети, гоъвий мотивлари ва бошқа хусусиятларига кўра мутлақо оригинал асарлар ҳисобланади. Мазкур асарлар учун муштарак бўлган хусусиятлардан бири уларда Муқбил инсоний фазилатлар соҳиб сифатида тасвирланса, Мудбир эса ёмон хулқли, ахлоқан бузуқ кишилар тимсоли сифатида талқин этилади. Бош образларнинг бу хил талқини ушбу асарларни моҳият жиҳатдан бир-бириға яқинлаштиради, шу билан бирға, Навоийнинг ҳақиқий, маънавий пок инсон қандай бўлиши ва ахлоқий таназулга дучор бўлган кишилар қандай жирканч қиёфа эғаси эканлиги ҳақидаги қарашларини бадний ифода-лаб кўрсатувчи образлар сифатида бир-бирининг мантқий давоми бўлиб келади. Аммо бу асарлар фабуласи асосини ташкил этувчи воқеа-ҳодисалар ўз характери ва тасвир принциплари нуқтан назаридан ўзаро фарқ қилганлиги сабабли улардаги бош образлар ҳам ҳар хил бўлиб чиққан. Шунга кўра қаҳрамонлар гарчанд бир хил номланиб, бир-бирининг такрори бўлиб кўринсалар-да, аслида улар бир-бирини такрорламайди, балки ўзига хос янги ва оригинал саналади. Шунингдек, биринчи ҳикоятда тасвирланган сеҳрли-фантастик воқеалар асар бош қаҳрамонларининг романтик характерға эға бўлишини таъминлаган бўлса, «Лисон ут-тайр»даги ҳикоятда эса реалистик образ сифатида талқин қилинади. Чунки шоир иккинчи ҳикоятда ўз даври ҳаётига хос реал ҳодисани тасвирлаб, анъанавий қаҳрамонларни «замонавийлаштиради».

Достондаги ҳикоятларнинг айримлари дидактик хусусиятга эга бўлиб, муайян ахлоқий фикр ёки ғояни илгарди суриш учун хизмат қилади. Масалан, «Беҳунар боғбон» ҳикоятида тасвирланишича, ўз ҳунарини яхши эгалламаган бир боғбон ўртоқларининг:

Ким бу беҳосил ишингни тарк тут,
Ўзни бир ҳосиллик иш бирла овут⁹⁹,

тарзидаги панд-насиҳатларига ўжарлик қилиб қулоқ солмайди. Оқибатда ток кесаётганда уни илон чақиб ўлдиради. Бу асарда шоир ана шу хил ўзи эшитган ёки тажрибада кузатган ҳаётий воқеани тасвирлаш орқали ҳунарни яхши эгалламаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, деган хулосани келтириб чиқаради.

«Айиқ» масалида иссон характеридаги салбий хусусиятлардан бири бўлган мақтанчоқлик танқид этилиб, кишиларни бундай ёмон одатдан воз кечишига даъват қилинган. Жуда кўп таёқ ейиш ва қийнаш оқибатида қўлга ўргатилган Айиқ хўжасининг буйруғи билан баъзан турли ўйинлар кўрсатар, баъзан унинг уй ишларига ёрдамлашар эди. Лекин унинг такаббурилиги орта бориб, аста-секин ўзини ҳамма ҳайвонлардан устун тутадиган бўлади. Унинг учун гўё қоплон бошини гажиб ташлаш ҳеч гап эмас, шерин эса бир чўқишдаёқ қочириб юборишга ишончи комил. Шу хилдаги хомхаёлликка берилиб юрган Айиқ оқибатда ҳалокатга учираб, итларга ем бўлади¹⁰⁰.

Достондаги танбал ҳақидаги ҳикоят ўзининг ниҳоятда оригиналлиги ва сатира тифининг ўткирлиги билан ажралиб туради. Навоий бу ҳикоятда ўрта асрларга хос танбал, ишёқмас, ялқов кишининг ўзига хос тақрорланмас образини яратади. Бир танбал киши кун кечиришининг жуда осон йўлини топиб олади: у қорнин тўйгазиш учун ўзини кишилар калтагига тутар, кимки унга шапалоқ урса, тепса ёки мушт туширса, у ўша одамдан бунинг эвазига маълум ҳақ талаб қилар эди:

Ул муқаррар муздин олур эди,
Нафс комини оғзига солур эди¹⁰¹.

Ниҳоят, шу йўл билан кун кўриб юрган танбал кунлардан бирида кучли бир одамнинг муштидан ерга қулайди ва... шу йиқилганча қайтиб ўрнидан турмайди.

* Хуллас, танбал кишининг қисмати шу тариқа фожиа:

ли ўлим билан тугайди. Лекин бу фожиа уқувчида унинг нисбатан ачиниш ёки қайғуриш ҳиссини уйғотмайди, балки нафрат аралаш аччиқ кулги кўзгатади.

«Паҳлавоннинг қисмати» ҳикоятининг мазмунини қуйидагича: Бир полвон бўлиб, у пешингача ўн ботмон, шом вақтида ҳам худди шунча, бу икки оралигда тагини беш ботмон овқат ейди. Бироқ шунча кўп овқат истеъмол қилишига қарамай, ҳеч бир иш билан шугулланмайдди. Шоирнинг ўз сўзлари билан айтганда, у «беҳунарлиг фанида соҳиб ҳунар» киши, яъни текин-хўр бир шахсдир. Кунлардан бир кун уруш бошланиб, одамлар ўз манзилларини ташлаб кетишга мажбур бўлишади. Паҳлавон ҳам уларга ҳамроҳ. Йўл узоқ, озиқ-овқат йўқ. Шоир паҳлавоннинг сафардаги ҳолатини шундай тасвирлайди:

Зўрғар чун топмади бир кун ғизо,
Бошлади ўз ҳолига тутмоқ азо.
Чун иккинчи кунга етти паҳлавон,
Кетмиш эрди жисмидин тобу тавон.
Лек учунчи кун анга бебарглик,
Айлади зоҳир биёбон марглик¹⁰².

Шундай қилиб, зўрғарлик билан ном чиқарган паҳлавон фавқулоддаги сафар азобларига бардош бера олмай, фожиага тарзда ҳалок бўлади. Навоий унинг бу ҳолатини гўдак ва «икки букилган» қарияларнинг сафарда матонат кўрсатиб, манзилга эсон-омон етиб борганликлари билан қиёштиради. Бу эса басавлат ва баднафс паҳлавоннинг аянчли ўлиmidан келиб чиқадиган кулгини янада кучайтиришга олиб келган.

Достондаги ганж ахтарган девонанинг саргузашти баён қилинган ҳикоятнинг¹⁰³ ечими ҳам қаҳрамоннинг ўлими билан тугайди. Автор қаҳрамонга характеристика берар экан, унинг бутун умри вайрона қазииш билан ўтгани, чунки хазина топиш умиди уни шу йўлга бошлагани ҳақида сўз юритади.

Хомхаёл қаламдар тўғрисидаги ҳикоятда бирорта фойдали меҳнат билан шугулланмай, бемаъни фантазияга берилган кишиларнинг тутуруқсизлиги устидан қулинган. Асар мазмунини қуйидагича: Бир қаламдар ўз вақтини банг истеъмол қилиш билан ўтказарди. Бир кун бузуқ бир вайронадан жой қилиб, банг ейди ва ўзини хаёлан гўзал бир жойда, кенг гулистон ўртасида гўё машҳур рассом Моний қўли билан бунёд этилган ҳаша-

эса унинг кўнглини хурсанд қилмоқда. Хуллас, қаландар ўзини бахтиёр сезиб турганида, яъни ноз ва жила қилиб турган маъшуқасининг лабидан тотли бўсалар олаётганида, вайронанинг бир бурчагидан чиқиб кетган чаён унинг лабига ўзининг захарли найзасини санчади. Қаландар қичқириб ўрнидан туради, изтироб изтирор билан талвасага тушади, ҳуши ўзига келган ўз хаёлларининг сароб эканлигини пайқайди. Аммо энди кеч эди, «ажал захри» ўзининг машъум кучини кўрсатади:

Билди ҳарне қилғони эрмиш хато,
Қилмади суде пушаймонлиғ анго¹⁰⁴.

Навоий асарда қаландарнинг бағ еб хомхаёлликка беҳуда фантазияга берилишини фожиа юз беришининг асосий сабаби, деб кўрсатади ва шу нуқтан назарда қаландар образига ёндашади. Шоир гарчи қаландар фожиясини қайд этса-да, лекин унинг бу ҳолатга тушиб қолишида заррача ачиниш билдирмайди, бу ўринда унинг пинҳоний кулгиси танқидий руҳда, бебурд қаландарни масхара қилиш характеридадир. Ҳикоятнинг яна бир муҳим томони шундаки, унда комик ҳолат билан трагик ҳолат мантикий жиҳатдан пинҳонда усталик билан бир-бирига пайванд этилган. Чунончи, асарда таъвир этилган қаландарнинг чордеворга бориб хаёл кўкида парвоз этиши ва хаёлий маъшуқасининг лабидан ширин бўсалар олаётганида чаённинг қаландар лабини чақиб олиши — соф комик ҳолат. Аммо шу билан бирга, унинг бу аҳvoli фожиага ҳамдир. Чунки ўз умрини беҳуда хаёллар билан ўтказиш инсон ҳаётида энг катта маънавий фожиа ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, кишини ҳақиқий фожиага — бевақт ўлимга олиб келиши мумкин. Қаландар образини шу ҳилда талқин этган Навоий ҳикоят охириги фожиа билан тугатади ва бу билан жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик фикрнинг беҳуда ва бемаъни фантазияга берилиш инсон учун чаён захри каби зарарли ва ҳалокатлидир, деган ғояни илгари суради.

Шундай қилиб, Навоий «Лисон ут-тайр» дostonи таркибига кирган бир қатор ҳикоятларида ўрта аср феодал шароитдаги ахлоқий-маънавий бузилишнинг аянчли оқибатларини тасвирлаб, «жамият қозонидаги ифлос қуйқалар» (Теодор Драйзер) бўлиши хасис ва молпа-

растларни, худонин ва очкузларни, тановал ва хомхасилларни, бебурд ва ёлғончиларни, хуллас, турли-туман мудбирларни кескин танқид остига олади. Шоир юксак гуманистик позициядан туриб, инсонларни бундай номақбул йўллардан қайтишга ундайди, уларни қабиҳишлар билан шуғулланмасликка чақиради. Навоий бу ҳилдаги асарларнинг айримларида бош қаҳрамонлар ҳаётини ўлим билан якунлар экан, бу фожиянинг китобхонда маълум даражада кулги ва нафрат уйғотишига алоҳида эътибор беради ва бадий жиҳатдан мукаммал бўлган бир қатор трагикомик образлар яратади. Бундай юксак санъаткорлик билан ёзилган асарлар ўзбек адабиётида Навоийга қадар деярли учрамайди. Бу эса Алишер Навоий бадий даҳосининг нақадар кенг ва ранг-баранг, ижодий потенциали, талантининг қанчалик улкан эканлигидан яна бир қарра далолат беради.

4

Муҳаббат темаси Навоий асарларининг асосий мавзуларидан бири бўлиб, у шоир ғазаллари ва дostonларининг бош лейтмотивини белгилайди. Бу мавзу «Лисон ут-тайр»да ҳам муҳим ўрин эгаллаб, ундаги турли ҳажмли ҳикоятларда янги ранг ва янги оҳанглар ила тараннум этилади. Ушбу ҳикоятлар Навоийнинг ишқ-муҳаббат мавзунда ёзилган асарлари сафини тўлдириш билан бирга, умуман олганда, шоир ижоди ва бадий маҳоратини ўрганишда ҳам муҳим манбалардан бири ролини ўтайди. Шунга кўра, дostonдаги «Мажнун», «Арасту ва унинг шогирди», «Ҳайратда қолган ошиқ», «Мажнун ва Лайли», «Шайх Санъон» каби ҳикоятлар ўзига хос аҳамиятга моликдир.

Маълумки, Мажнун образи¹⁰⁵ кўпчилик Шарқ муаллифларида бўлгани каби Навоий ижодиётининг ҳам дostonий қаҳрамонларидан бири саналади. Унинг гениал «Хамса»си таркибига кирган учинчи — «Лайли ва Мажнун» дostonида¹⁰⁶ бу образ ҳар томонлама мукаммал даражада ишланган. Мазкур асар ўзининг қатор ғоявий-бадий хусусиятлари, айниқса психологик тазҳилга ва реалистик элементларга бойлиги билан шу мавзуда ёзилган асарлар силсиласида алоҳида ажралиб туради. Навоий «Лисон ут-тайр»да Мажнун ҳақида иккита ҳикоят ёзиб, уларда Шарқ халқлари оғзаки ижодида мавжуд Мажнун тўғрисидаги афсоналарни қайтадан ишлайди. Бу ҳикоятларга асос бўлган воқеалар шоир-

«Мажнун ва Мажнун» достониди уз аксини топмаган. Мазкур ҳикоятлар достондаги икки ўринда, яъни «Қушларга фано навмидлигида Худҳуднинг иршодинди қувват ҳосил бўлғони» ҳамда «Ишқ тарийқи адосиди муножот» каби бобларга иллюстрация сифатида келтирилган. Умуман, Мажнун ҳақидаги ривоятларни ёки бу муносабат билан келтириш кўпчилик Шарқ муаллифлари ижодида хос хусусият ҳисобланади.

Мажнун ҳақидаги биринчи ҳикоятда қуйидаги воқеа нақл этилади: Лайли номини доимо тилда такрорлаётган Мажнунни даштда бир киши учратиб қолади ва унга шундай савол беради:

Сўрдн: — «Ким бирла сурарсен бу мақол?»

Деди: — «Лайли бирла, эй фархунда фол».

Деди: — «Ондин то сангадур хели йўл?»

Деди: — «Эй ғофил, эрур жонимда ул.

Улки онинг зикридур жонимда қут,

Йўл йироқ бўлғондин ўлғойму уну»¹⁰⁷.

Иккинчи ҳикоят ҳам мазмунан шунга яқин. Унда биров Мажнундан «Отинг недур?» дея сўраганида, унинг «Лайли!» деб жавоб қайтаргани қайд этилган¹⁰⁸. Мазкур ҳикоятларда оташини муҳаббат эгаси бўлган Мажнун улугланиб, ҳар қандай қийинчилик ва тўсқинликка қарамай, севгига содиқ бўлиб қолишлик ғояси илгар сурлади.

Лекин Навоийнинг буюклиги ҳам шундаки, у фақат ишқ-муҳаббатга берилиб, ташқи муҳитни, жамиятни унутиб қўювчи баъзи бир «ошиқи шайдо»ларни ёқламайди. Унинг фикрича, муҳаббат жамиятга бирор фойда келтириши, унинг олға қараб боришига ёрдам берувчи асосий омиллардан бири бўлиши керак. Шу жиҳатдан шоирнинг «Арасту ва унинг шогирди» ҳикояти алоҳида аҳамият касб этади. Арасту (Аристотель) ўзининг кўп сонли шогирдлари орасида биттасига жуда катта меҳр қўйган эди. Келажакда уни Исқандар (Александр Македонский)нинг энг яқин маслаҳатчиларидан бирига айлантиришни орзу қиларди. Зеҳни кучли бўлган шогирд тез орада Афлотун (Платон)лар қаторидаги бир файласуф бўлиб етишди. Аммо... кунлардан бир кун шогирд бир маҳбубага кўнгил қўяди ва ўзининг ҳикмат бобидаги машғулотларини тарк этади. У ўз дилдорига эришмоқ учун анча машаққат чекади ва ниҳоят ниятига етади. Йигит қалби қиз ишқига шунчалик ром бўладики,

у ҳатто эртадан кечгача уйдан чиқмай, аяш-ишрат билан машғул бўлади. Устоздан сабоқ олиш эса унинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Арасту шогирдининг бу ишидан чуқур изтироб чекади, уни тўғри йўлга қайтариш учун кўп насиҳатлар қилади, аммо буларнинг бари бефойда бўлиб чиқади. Натижада ҳийла ишлатишга мажбур бўлади. У бир кун яширин тарзда йигит маъшуқаси овқатига дори қўшиб қўяди. Гўзал қиз бундан қаттиқ касалликка чалинади. Йигит даво излаб ҳар тарафга югуради, лекин топа олмайди. Охири, ноиложликдан устозига мурожаат қилади. Маслаҳат истаб келган шогирдга Арасту «Сен Исқандар хизматида бор, мен эса ёрингни даволашнинг иложини қиларман», дейди. Йигит кўнади. Арасту қизга бошқа хил дори бериб, ичишни буюради. Қиз уни ичгач, аввалги дори ва у вужудга келтирган турли балғамларни қайтариб ташлайди. Арасту ўз хизматкорларига у қайт қилган нарсаларни бир идишда сақлаш ҳақида кўрсатма беради. Қиз ўлим хавфидан халос бўлган бўлса-да, бироқ огир дард унга ўз асоратини қолдирган эди. У жуда сўлғин ва рангпар бир ҳолатда. Йигит кеч-қурун хизматини ўтаб, уйга қайтиб келади:

Киргач, истар эрди шўхи дилкаши,

Қўрдиким ётмишгириҳи нохуши.

Тонимой деди: — «Менинг ёрим қани?

Сарв бўйлук лола рухсорим қани?»¹⁰⁹

Шу пайт хонага кирган Арасту хизматкорларига қиз қайт қилган идишини олиб келишни буюради ва шогирдига уни кўрсатиб, сен ошиқу девона бўлган нарса мана шулар эди, керак бўлса ол, дея киноя қилади. Йигит гап нимада эканлигини фаҳмлаб, устози олдида хижолатда қолади. Ҳикоя Арастунинг қуйидаги сўзлари билан тугайди:

Деди: — «Эй фарзанд, кўрдум эҳтиёж,

Йўқ анга, билким—санга қилдим илож.

Сен доғи ошиқсену маҳбубинг ул.

Зору шайдо айлаган матлубинг ул.

Бўйла ошиқликдин, эй олуда зот,

Пок ишқ аҳли қошинидадур уёт!»¹¹⁰

Шубҳасиз, достондаги ишқ-муҳаббат мавзусига бағишланган асарлар ичида энг яхшиси шайх Санъон ҳа-

лар қатори мазкур асарни ҳам «ҳикоят» деб атаса-да, лекин бу асар ўз ғоявий-тематик мазмуни, ҳажми, композицион тузилиши, айниқса, шайх Санъон образини ҳар томонлама баркамол яратилиши билан бошқа ҳикоятлардан фарқ қилади. Шу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уни бемалол қисса деб аташ мумкин.

Маълумки, оташин севги соҳиби бўлмиш шайх Санъон ҳақидаги афсоналар Шарқ халқлари орасида анча қадимдан маълум ва машҳур. У ҳақидаги турли афсоналар ҳар хил халқ китоблари ва мажмуалар таркибига ўрин олган¹¹¹. Аммо бу ажойиб афсонани биринчи бўлиб назмга солиш шарафи Фаридиддин Атторга тегишлидир. Навоий достонида эса бу қисса Аттор асарида қарийб юз байт ортиқ, яъни беш юз ўн тўрт байтда иборат бўлиб, ўзининг кўпгина хусусиятлари билан ундан ажралиб туради ва оригинал асар ҳисобланади¹¹².

Асарнинг бош қаҳрамони — шайх Санъон¹¹³. У Каъбада — ислом динининг қоқ марказида шайхул-машойи (шайхлар шайхи, бошлиғи) лавозимида ишлайди.

У тушида кўрган Рум шаҳрига бориб, у ердаги гузал христиан қизини севиб қолади. Шайх муҳаббатини ошкор этганда, қиз буни қабул этиш учун тўрт шар ва икки журмона (жарима) бажариш лозимлигини айтади. Шайх ҳеч бир иккиланмай у айтган шартларни бажаради: бутпарастлар маросимида ҳушидан кетгунча май ичади; мусулмон динидан воз кечиб, христианлигини қабул этади; Қуръонни ўтга ташлайди; дарवेशлик ҳирқаси, салласи ва тасбеҳини христиан кийимларига алмаштиради ва белига зуннор боғлайди. Сўнг жарима сифатида кечалари оташгоҳга ўт ёқади, кундузи эса чўчка галасини боқади. Шундай қилиб, шайх Санъон ишқ йўлида динидан ҳам, имонидан ҳам воз кечади.

Шоир қисса бош қаҳрамони шайх Санъон характери, айниқса унинг қалб диалектикасини чуқур психологизмлар орқали динамик равишда оча боради. Шу тариқа у кўрсатган буюк жасорат мантикий жиҳатдан ҳар тарафлама асосланган ва ҳаётий кучга эга. Бу борада айниқса у билан муридлар ўртасида бўлиб ўтган диалог характерлидир¹¹⁴.

Гарчи қисса охирида шайх Санъон бир содиқ муриди ёрдами туфайли ўз динига қайтган ва Каъбага келиб, у ерда ўзининг аввалги манқеини эгаллаган бўлса ҳам, умуман, бу образ китобхон кўз ўнгига ўз оташин муҳаббати йўлида ҳеч қандай ғов-тўсиқлардан

қайтмайдиган мард ва танти ошиқ тимсоли сифатида бир умрга сақланиб қолади.

Мазкур асарнинг яна бир муҳим томони бор: Шоир қисса охирида лирик чекиниш ясаб, ўзининг шайх Санъон ишқидан қолишмайдиган шахсий муҳаббати ҳақида маълумот беради ва бу ҳақда махсус бир дoston ёзмакчи эканлигини қайд қилади¹¹⁵.

Ҳар ҳолда Навоий ўз севгиси тарихи ҳақида бир дoston ёзишни ният қилиб, баъзи сабабларга кўра уни амалга ошира олмаган бўлса-да, лекин биз, шоир бу ишни ўзининг лирикасида, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Шайх Санъон» ва бошқа асарларида маълум даражада бажарган эди, дея оламиз. Зотан, Навоий ўз қалбидаги энг нозик ҳисларини, шахсий муҳаббати қолдирган ёрқин таассуротларни, ҳижрон дарди ва айрилиқ аламларини ушбу асарларга кўчиргани шубҳасиздир.

Дostonдаги муҳаббат мавзусига бағишланган айрим ҳикоятлар халқ эртакларига хос фабуласи, ишқий эҳтирослар, севишганлар қалбида рўй берган ҳаяжон ва ўзгаришларни бутун нозиклиги билан тасвир этилгани билан ҳам диққатни жалб этади. Бу ҳол хусусан, «Ҳайратда қолган ошиқ» ҳикоясида¹¹⁶ яққол кўзга ташланади. Бу ҳикоя кўпчилик Шарқ эртакларида бўлганидек, романтик ва ярим фантастик воқеалар, сирли экзотика ва парадоксларга бой, шу билан бирга, содда услубда ёзилган қизиқарли ва ҳаяжонли бир асардир.

Шундай қилиб, дoston таркибига кирган севги темасида ёзилган ҳикоятларда инсондаги ишқ-муҳаббатнинг бениҳоя қудрати, жамиятдаги ўрни ва роли, ҳижрон алами ва висол лаззати, ёрнинг нозу истиғносию ошиқнинг чеккан мисасиз азобидан тортиб, маъшуқанинг пинаҳоний изтиробларигача зўр маҳорат билан тасвирланган. Муҳим ижтимоий масалалар хусусида баҳс этувчи бу асарлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг тарбиявий-эстетик қийматини йўқотган эмас.

Хулоса қилиб айтганда, «Лисон-ут-тайр» дostonидаги ҳикоятлар ўзларининг мавзу ранг-баранглиги, юксак ғоявий мазмуни ва бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради. Бу асарларда шоир яшаб ижод этган жамият ҳаётининг турли томонлари, хусусан, ижтимоий муҳит ва инсон маънавий дунёсига оид кўпгина актуал проблемалар ўз аксини топган. Уларнинг кўпчилиги қис-

ми ўз гоёвий ва бадий хусусиятлари билан Алишер Навоий ҳикоянавислик фаолиятидаги энг юқори босқични ташкил этади. Бу асарлар ўзбек адабиётидаги кичик эпик жанрлар тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди.

«ЛИСОН УТ-ТАЙР» ПОЭТИКАСИГА ДОИР

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонининг майдонига келиши ўзбек классик адабиётини чуқур фалсафий, мазмунли, гоёвий-бадий юксак, жанр ва поэтик услуб жиҳатдан тамоман янги асар билан бойитди. Асар тоқмаъноси билан Навоий бадий даҳосининг оригинал қирраларини ўзида намоёниш эттиради. Биз бу ўринда достоннинг бадий хусусиятлари ҳақида сўз юритиб шоирнинг асар композициясини тузиш, сюжет ва образ яратишдаги маҳорати, достонда қўлланилган айрича традицион тасвирий воситалар, асарнинг формал-поэтик хусусиятлари ва бадий тили ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирамиз.

1

Муайян сўз санъаткорининг бадий маҳорати ҳақида сўз юритганда, аввало, унинг асар композициясини тузишдаги ўзига хослиги ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Чунки у ёки бу муаллифнинг бу соҳадаги ўзига хослиги унинг бадий маҳоратининг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Маълумки, Алишер Навоий бадий асар композициясини ишлашда жаҳон адабиёти миқёсида тенги йўқ сўз санъаткорларидан бири саналади. Хусусан, «Хамса» достонлари ва шоирнинг лирик мероси гоёвий-тематик жиҳатдан эмас, композицион жиҳатдан ҳам улкан воқеа бўлган эди¹¹⁷. Бу фикрини шоирнинг «Лисон ут-тайр» достонига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Навоийнинг мазкур достон композициясини ишлашдаги маҳорати қуйидаги сифатларда яққол намоён бўлади:

Аввало, достон композицияси асарда илгари сурилган гоёвий мазмунни ўзига хос бадий шаклда ифода этади. Шу жиҳатдан қушларнинг рамзий саргузаштларини тасвирловчи мажозий қисса ва унинг таркибида келтирилган турли-туман ҳикоятлар шоирнинг бош гоёвий ниятини мақсадга мувофиқ тарзда бадий ифодалаш учун бўйсундирилган. Асардаги барча қисм ва эпизодлар ана шунга мос тарзда жойлаштирилган.

Иккинчидан, достон композицион жиҳатдан Аттор достонидан ҳам кескин фарқланиб, Навоий унда «Мантиқ ут-тайр»да мавжуд, аммо ўз гоёвий мақсадига мувофиқ келмовчи қатор эпизодларни ташлаб ўтган, ўрин алмаштирган, бошқача талқин қилган ёки янги эпизод ва образлар киритган. Натижада композициядаги парокандалик ва мақсадга мувофиқсизлик бартараф этилган, яхлит ва мантиқ қондаларига тўла жавоб берадиган ўзига хос композицион силсила яратилган.

Учинчидан, «Лисон ут-тайр» достони гоёвий-тематик жиҳатдан кўп қиррали ва ранг-баранг бўлгани сабабли шоир асарда турли-туман композицион воситалардан усталик билан фойдаланади (воқеанинг эпик тасвири, қисса ичида ҳикоя келтириш, савол-жавоб, мунозара приёملари, лирик ва фалсафий-дидактик чекинишлар қўллаш в.х.).

Бу ўринда достон композициясини ишлашдаги шоир маҳоратининг муҳим қирраларидан бири сифатида асарда қуш тили ва умуман қушлар билан боғлиқ турли тушунча ва ҳолатлардан Навоийнинг моҳирлик билан фойдаланганлигини алоҳида қайд қилиб ўтишга тўғри келади. Навоий достоннинг барча қисмларида қуш тили ва қушлар билан боғлиқ тушунчалардан кенг ва унумли фойдаланган. Масалан, достон «жон қуши» ибораси билан бошланади:

Жон қуши чун мантиқи роз айлағай,
Тенгри ҳамди бирла оғоз айлағай¹¹⁸.

Анъанавий ҳамднинг бу ибора билан бошланиши достонга алоҳида латофат бағишлаш билан бирга, унинг қуш тили воситасида ёзилган асар эканлигини ҳам билдириб турибди. Шунингдек, Навоий анъанавий метрорж (сарлавҳаси ва мазмуни)¹¹⁹ ҳамда асосий қиссага пролог вазифасини ўтовчи Аттор ва унинг «Мантиқ ут-тайр» достони ҳақидаги бобда ҳам қушлар билан боғлиқ тушунчаларни ишлатади. Шоир қолибловчи қиссани бошлангандан олдин яна қуш тили воситасида қуйидаги сатрларни битади:

Ўйла қушлар нутқини изҳор этай,
Булбулу тўти киби гуфтор этай¹²⁰.

Достоннинг хотима қисмида ҳам қуш тилидан кенг фойдаланилган. Чунончи, Навоий ўзининг Атторга му-

носабати ҳақида қуруқ тавсиф ва таърифга берилмасдан, Қақнус қуши ҳақида ажойиб ривоят келтиради ва устозига бўлган юксак ҳурматини ана шу тарзда образли ифодалайди.

Ҳатто, айтиш мумкинки, достоннинг одатда анъанавий мақтовлардан иборат бўлувчи ҳукмдорга мадҳий қисмида ҳам шоир оригинал йўл тутиб,

Бас қилиб ҳамду дуосин ибтидо,
Айлайин қушлар тили бирла адо¹²²,

деган сўзлар билан ҳукмдор (Султон Хусайн) мақтовини қуш тили воситасида келтиради ва шу ерда бу услуб воситасида чуқур халқчил фикрларни баён қилади:

Адли бўстонида юз хайли туюр,
Кўрмасинлар зулм тошидин футур¹²³.

Достон таркибидаги лирик чекинишлар характер, мазмун ва моҳият жиҳатдан хилма-хил. Жумладан, етти водийга бағишланган муножотларни ўзига хос фалсафий чекинишлар тарзида баҳолаш мумкин. Бошқа туркумдаги лирик чекинишлар эса муаллифнинг асар қаҳрамонларига бўлган муносабатини ифода этади. Мисол учун, Мажнун ҳақидаги ҳикояда Навоий оташини муҳаббат соҳиби бўлган Қайс образини яратар экан, шундай лирик чекиниш қилади:

Ишқ ўти сўзига маҳрум эт мени,
Ваҳдати ишқ ичра маъшук эт мени...
Ишқ аро Фонийни нобуд айлагил,
Сўнгра ишқнинг бирла мавжуд айлагил¹²⁴.

Бу ўринда фалсафий мулоҳазалардан ташқари муаллифнинг ҳикоя қаҳрамони Қайсга бўлган ҳайрихоҳлиги ҳам очиқ сезилиб турибди. Бу хил чекинишлар «Асмавий ва мурид», «Шайх Абу Саид Абул Хайр», «Намруд ва Халил» каби ҳикоятлар сўнгида ҳам мавжуд. Улар мазкур асарларнинг мазмунини тўғри тушуниш ва шоирнинг асар қаҳрамонларига муносабатини аниқлашда ёрдам беради.

Достон композициясининг ўзига хос яна муҳим хусусиятааридан бири унда «қиссадан қисса» приёмининг бўрлиги билан белгиланади. Бу композицион приём Шарқ адабиётида жуда кўп қўлланилган. Унинг классик

намуналарини «Қалила ва Димна» масалларида, «Тўтинома» ҳикоятларида, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларида учратиш мумкин. Бу приёмдан Алишер Навоий ўз асарларида ўринли фойдаланган. Бу ҳолат айниқса «Лисон ут-тайр» ҳикоятлари сўнгида ёрқин сезилади. Масалан, «Хасис кишининг ўлими» ҳикоясида ўз ҳаётини олтин-кумуш йиғишга бағишлаган эчкига одам образи чизилиб, унинг ҳаёти фожиага ўлим билан тугайди. Муаллиф юз берган ҳодисадан шундай хулоса чиқаради:

Сийимдин етти бу офат жонига,
Тушти яғмо маҳзани пинҳонига.
Сийим йиғмоққа натижа бўлди бу,
Сен онинг савдосидин илқингни ю (в)¹²⁵.

Бу дидактик хулоса қанчалик ибратли бўлса, бадий жиҳатдан ҳам шунчалик кўркемдир. Хусусан, охириги мисрадаги «илқингни юв» ибораси байтга ўзига хос гўзаллик бағишлаб, хулосанинг халқчил чиқишини таъминлаган. Бу хилдаги «қиссадан қисса» чиқаришининг ажойиб намуналари достондаги «Риёкор қаландар», «Масхарабоз ҳинди», «Сохта ошиқ», «Ганж ахтарган девона» каби ҳикоятлар таркибида ҳам мавжуд.

Навоийнинг бадий асарда конфликт ҳосил қилиш маҳорати, айтиш мумкинки, бу асарда ўзига хос тарзда намоён бўлган. Достон қолибловчи қиссаси сюжетида конфликт турли-туман кўринишларда зухур этади. Достон кескин драматик эпизод — қушларнинг ўрин талашмоқ воқеаси билан бошланиб кетади. Асар конфликтини ҳам ана шу эпизод билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Бу конфликт қушларнинг йўлдан бош тортишлари тарзида ривожланиб, кейинчалик улар билан йўл машаққатлари ўртасидаги мардонавор кураш шаклида давом этади. Бу асар конфликтининг зоҳирий кўринишидир. Аслида эса у достон гоявий мазмуни билан узвий боғлиқ ҳолда инсондаги ижобий ва салбий хусусиятларнинг ўзаро кураши маъносини билдиради. Бинобарин, достонда конфликт икки формада (ташқи ва ички) намоён бўлган ва чуқур ижтимоий моҳиятга эга. Бу мазкур асарнинг мажозий хусусияти билан изоҳланади.

Конфликтнинг драматизм асосига қурилганлиги асардаги барча эпизод ва образларнинг драматик планда акс эттирилганлигидан далолат беради. Шунинг ҳам қайд қилиш мумкинки, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони-

ларнинг ўзига хос такрорланмас намуналарини берган. Бу шоирнинг шу хилдаги образ яратиш соҳасида кўрсатган бадий маҳорати ҳақида етарли далил бўлиши хизмат қила олади.

Тўртинчидан, мазкур асарда ўзбек адабиёти миқёсида тамоман янгилик бўлган трагикомик образларнинг гўзал намуналари учрайди. Навоийнинг кичик ҳикоялар доирасида моҳирлик билан чица олган бу образлари шоирнинг образ яратиш борасидаги алоҳида муваффақияти бўлибгина қолмай, унинг ўз ижодидаги образ яратиш принципларини янги хусусиятлар билан бойитиб, чуқурлаштириб ва такомиллаштириб борганлигини ҳам кўрсатади.

Юқоридаги мулоҳазалар фонида Навоийнинг образ яратиш маҳоратига оид айрим қайдлар билдирамиз. Аввало, Навоий дostonда турли-туман образларнинг намуналарини бериш билан бирга, уларни маълум даражада индивидуаллаштиришга ҳам ҳаракат қилган. Бу уларни бир-биридан ажратиш муҳим воситадир. Бу хусусият асосан қаҳрамонларнинг ҳаёт тарзлари, ташқи қиёфалари, қилган ишлари ва қилмиш қидирмишлари тасвирида очилади. Баъзи ҳолларда уларнинг нутқларини ҳам маълум даражада индивидуаллаштиришга эришилган. Масалан, қушларнинг нутқлари уларнинг ҳар бирида мавжуд хусусиятларга мос ҳолда берилган. Агар Қумри узида ожизлик, заифликдан шикоят оҳанги устун турса, Қарчиғай, Бургут узрларида мағрурлик, гердаиш оҳанглари мавжуд ва ҳ.

Масалан, «Хасис кишининг ўлими» ҳикоясида шоир қаҳрамоннинг зикналигини ўзига хос йўсинда очиб берган. У шу даражада ўтакетган хасиски, йиққан олтин-кумушларини еру кўкка ишонимайди. Унинг олтин-кумушларини киядиган тўни орасига қўшиб тиккани шундан далолат беради. Ана шу биргина деталь—«тўн» деталининг ўзиёқ хасис кишини характерлаш учун кифоя. Муҳими шундаки, ҳикоя қаҳрамони хасислик кўрсатишда қанчалик «юксакликка» эришган бўлса, маънавий жиҳатдан шунчалик тубандир. Негаки, у олтин-кумуш тикилган тўнни ўз «танига қувват, жонига сиххат» деб билади:

Ким булардандур манга тан қуввати,
Уйлаким тан қуввати, жон сиххати.¹²⁹

Қўринадики, Навоий хасис кишини характерловчи «тўн» детални бежиз келтирмаган. Балки шу оригинал

деталь воситасида ҳикоя қаҳрамонининг ички дунёсини ўзига хос тарзда бадий очиб берган. Бу хил приём, яъни образни индивидуаллаштириш, унинг маънавий қиёфасини бўрттириб кўрсатиш учун деталдан ўринли фойдаланиш «Лисон ут-тайр» таркибида кўплаб учрайди.

Албатта, бу хил индивидуаллаштириш фактининг мавжудлиги Навоий бадий маҳоратини кўрсатиш турса-да, шоир ижодида у билан боғлиқ реалистик санъатга хос типиклаштириш қонуниятининг акс этганлигини билдирмайди.

Бадий асарда портрет чизиш образнинг маънавий қиёфасини ёрқин кўрсатувчи муҳим усулдир. «Лисон ут-тайр»да бу соҳада ажойиб муваффақиятлар қўлга киритилган. Хусусан, дostonда қушларнинг ўзига хос «портрет»лари (агар шундай дейиш жоиз бўлса) моҳирлик билан чизилган. Навоий қушлар ва Худҳуд мунозараси эпизодида ҳар бир қушнинг ўзига сўз бериб, уларнинг ўз тилидан ташқи қиёфалари, шакли-шамойли ва турмуш тарзи ҳақидаги характерли томонларни тавсифлашга олган. Мисол учун, шоир Қарчиғай қушини тавсифлар экан, аввал унинг чапгал ва мишқори (тумшуги)ни, кейин ов қуши эканлиги ва шоҳлар қўлларида кўтариб юришини — яъни ўша қушга хос муҳим белгиларни унинг ўз тилидан таърифлаб беради ёки Бургут узида унинг тоғларда яшашлиги, савлати йирик, қаҳри ёмонлиги ва шу каби унга хос хусусиятлар ифодаланган.

Савлатим муфритдуру қаҳрим ёмон,
Тоғ мулки нҳра менмен қаҳрамон.
Неча каклик тўғмадур ҳар кун манга,
Бўлмаса бу уйқу келмас тун манга...¹³⁰

Дostonдаги бошқа қушлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Қизиги шундаки, асарда ҳар бир қуш ўз исми ва жисмига мос равишда гапиради. Натижада китобхон кўз ўнгида ҳар хил тус, қиёфа ва характердаги қушлар бирин-кетин намоён бўлади. Бу шоирнинг қушлар образини яратишдаги ўзига хос алоҳида маҳоратидир.

Дostonда ташқи кўриниши билан амалий фаолияти бир хил бўлмаган қаҳрамонларнинг портретлари ҳам бўқ эмас. Жумладан, ҳийлакорлик билан кун кечирувчи сохта қаландарнинг қиёфаси қуйидагича берилган:

Зарқ учун эгинида далқи Хизрваш,
Лек ёшил барг бирла нафси хуш!¹³¹

Бу мунофиқ киши ўзининг айёрлигини қаландарлар кийиб юрадиган яшил либос орқали яширмоқчи бўлади. Ҳолбуки, қаландарлик ҳирқасини кийган киши ўзини ҳар хил ҳаром ишлардан четга тортиши керак. Ҳикоят қаҳрамони эса бунинг акси. Унинг қилган разилона ишлари ташқи либосига зиддир.

Навоний қаҳрамоннинг портретини ҳаракатда, турмуш вазиятлар фониди, унинг психологик кайфиятига мос ҳолда чизиб беради. Мисол учун «Шайх Санъон» қиссасида шоир шайхнинг ташқи қиёфасига батафсил характеристика бермай, балки унинг портретини айрим штрихлар орқали йўл-йўлакай бериб боради. Бу ҳол христиан қизининг унга айтган кинояли сўзларида («чун санъатқону юзга етти ёш, ҳам қари демак бўлур, ҳам сен ёш», «оқ соқолингдин уётинг йўқмудур»), уз динидан воз кечиб, бошқа эътиқодни қабул қилаётган пайтларида (тўн, салла, тасбеҳ ва ридосини христианлик кийимларига алмаштириши в. б.) айниқса ёрқин сезилади.

Навоний инсон психологиясини чуқур билган, унинг мураккаб ички дунёсини барча зиддиятлари билан ифода этишга интилган санъаткордир. Бу айниқса шоирнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» достонларида бўртиб кўзга ташланади. Мазкур аъёнага Навоний «Лисон ут-тайр»ни ёзиш жараёнида ҳам содиқ қолган. Достон қолипловчи қиссасидаги айрим эпизодлар ва асар таркибидаги баъзи ҳикоятлар, хусусан, «Шайх Санъон» қиссаси ўзининг психологик тасвирга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Мисол учун, охириги воқеага келиб, умидлари сароб бўлиб чиққан ўттизта қушнинг руҳий ҳолати қуйидаги таъсирли сатрларда ёрқин чизилган:

Дедилар: — «Меҳнатларимиздин дариг,
Тортқон шиддатларимиздин дариг!..
Ҳайф бунча сайъ ила умидимиз,
Орзуи давлати жовидимиз,
Бор эканму биз киби маҳзун гуруҳ,
Орзую саъйдин мағбун гуруҳ»¹³².

Ушбу тасвир кутган мақсади амалга ошмаган ўттизта қушнинг қалб нидосидир. Гарчи Аттор ва Гулшаррий достонларида ҳам ўттизта қуш образи мавжуд бўлса-да, уларда мазкур воқеадан келиб чиқадиган бундай

психологик ҳолатни тасвирлаш кўзга ташланмайди. Навоний достонида эса у сюжет эволюцияси билан ўзвий боғлиқ бўлиб, воқеаларнинг умумий ривожидан келиб чиқувчи мантиқий заруратдир.

Достонда қаҳрамонларнинг маънавий бойлиги ёхуд қашшоқлиги, хулқ-атвори, ўйлари ва ички кечинмалари психологик жиҳатдан чуқур асослашга ҳаракат қилинади. Мисалан, Мажнун ал-ҳақ ҳақидаги ҳикоятда шоир қаҳрамон характеридаги чапанилик, тезқонлик хусусиятларини очиш учун аввал шунга мос психологик ситуация яратди, кейин Мажнун ал-ҳақнинг руҳий кечинмалари ва унинг худога қилган густохлигини акс эттиради. Шу туфайли асардаги ҳар бир эпизод қаҳрамон ҳаракати ва характери психологик жиҳатдан мантиқий асослашга хизмат қилади. Шунга биноан, биринчи қарашда оддий латифага ўхшаб кетувчи мазкур асар ўзида чуқур психологик тасвирнинг мавжудлиги билан ўзбек классик ҳикоячилигининг ноёб дурдоналаридан бирига айланган.

Агар Мажнун ал-ҳақ ҳақидаги ҳикоятда психологик тасвир юмористик планда акс эттирилган бўлса, «Шайх Санъон» ва «Ҳайратда қолган ошиқ» ҳикоятларида у романтик функцияларда актив қўлланилади. Мисол учун, «Шайх Санъон» қиссасида Шайх кўрсатган буюк жасорат, ишқ туфайли унинг бошига тушган мислсиз азоб-уқубатлар қаҳрамон руҳий дунёси призмаси орқали акс эттирилганки, бу ҳолат мазкур асарнинг бадий жиҳатдан ниҳоятда жозибали чиқишига олиб келган. Қиссада психологик тасвирининг ажойиб намуналарини Шайх ва унинг муридлари ўртасида бўлиб ўтган кескин диалогларда, Шайхнинг христиан қизи билан учрашган пайтлари, унинг ўзга динга қираётган ҳолатдаги кайфиятлари тасвирида учратамиз. Қиссадаги психологик тасвир бош қаҳрамоннинг ўта романтик саргузаштларини маълум даражада ҳаётини бир тарзда кўрсатиб-гина қолмай, асарга юксак инсоний нафос ҳам бахш этади.

Кўринадики, Навоний «Лисон ут-тайр» достонида образ яратиш борасида ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритган. Достондаги образлар ўзларининг ўзбек эпик шеърини учун янгилик ва қатор оригинал фазилатларга эга эканликлари билангина эмас, санъаткор шоир қалами остида жонли, ҳаққоний ва эса қоларли, даражада тасвирланганликлари билан ҳам муҳим аҳамият касб этадилар.

«Лисон ут-тайр» достонининг гоёвий юксак, бадий жиҳатдан пишиқ ва эмоционал чиқишида анъанавий тасвирий воситаларнинг роли жуда катта. Муҳими шундаки, Навоий Шарқ поэтикасида амалда бўлган бадий тасвирий воситаларни мазмун талабига бўйсундиради бинобарин, асарда қўлланилган тасвирий восита ва приёملар шаклбозлик учун эмас, балки шоирнинг гоёвий позицияси ва мақсадини аниқ ва ёрқин, бадий жиҳатдан гўзал ифодалаш учун хизмат қилади. Навоийнинг анъанавий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳорати ҳақида иш олиб борган мутахассислардан Мақсуд Шайзода, А. Рустамов ва Е. Исҳоқовлар тўғри қайд қилганларидек, шоир турли бадий воситаларни қўллашда уларни мазмунни чуқур очишга сафарбар қилиб, кўпгина янгиликлар кашф этади, улардан янги функцияларни ифода этишда актив фойдаланади¹³³.

Маълумки, бадий-тасвирий воситалар «фикрни равои ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, бадий санъатлар (приёмлар, воситалар)нинг турлари ҳамда хусусиятлари каби муҳим масалаларни ўз ичига олувчи»¹³⁴ илми бадеънинг муҳим томонини ташкил этади. Навоий ўз асарларида мазмунни образли ва таъсирли ифодалайдиган, фикрни бўрттириб, уни равшанлаштирадиган, оҳангдорлик ва мусиқийликни таъминлайдиган маънавий, лафзий ва ҳарфий санъатларнинг турли-туман шаклларида (улар классик поэтикада юздан ортиқ саналади) моҳирлик билан фойдаланган. Бу ўринда уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил фикр юритишнинг имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда (зотан, бунинг ҳожати ҳам йўқ), шоирнинг баъзи санъатларини қўллашдаги маҳорати хусусида «Лисон ут-тайр» материаллари мисолида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, достонда мажоз санъатидан кенг истифода этилган. Достон қолипловчи қиссасининг мажозий характерда бўлгани ва ундаги асосий персонажларнинг қушлар эканлиги шундан далолат беради. Навоий бу санъатни турли мақсадларда қўллаган. Гоҳ достонда соф фалсафий тушунчаларни ифодаловчи мажозий образлар учраса, гоҳо мажоз қушлар образи мисолида жамиятдаги ҳар хил кишиларнинг аллегорик образини ифодалаш вазифасида ишлатилади. (Достондаги конкрет қушлар образи бунга мисол. Бу ҳақда ишнинг иккинчи бобида тўхталдик.)

Интоқ санъатига кўра табиатдаги жонли ва жонсиз предметларга нутқ берилади, улар инсонлар каби гапира ва фикр юрита оладилар. Навоий ҳам бу санъатни қўллаб, қушларга тил ато этган, натижада улар худди одамлардек ўзаро сўзлаша оладилар, бир-бирлари билан баҳс ва мунозарага киришадилар, савол-жавоб қиладилар. Қайд этилганидек, Навоий қушларга нутқ беришда уларнинг ҳар бирига хос белги ва сифатларни ҳисобга олган. Шу туфайли бир қушнинг нутқи иккинчисиникига ўхшамайди. Шундай қилиб, мажоз, ташхис ва интоқ санъатлари асосида, уларнинг узвий бирлигида шоир борлиқ ва инсон ҳақидаги муҳим фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини образли ифода этади.

Ташбеҳ (ўхшатиш) санъати талабига кўра икки ёки ундан ортиқ нарсаси, ҳодиса ва хусусият ўртасида мавжуд алоқа ёки умумийлик ўзаро қиёсланиш асосида белгиланади, ва шу тарзда тасвир объектининг айрим хусусияти чуқур очиб берилади. Ташбеҳ орқали муаллиф тасвир объекти ёки предметнинг муҳим хусусиятларини образли бўёқларда кўрсатиши, унга бўлган симпатияси ёхуд антипатиясини ифодалаш мумкин. Масалан, «Лисон ут-тайр»нинг хотима қисмида келтирилган Қақнус ҳақидаги ривоятда Навоий устози Фариддин Атторни ота Қақнусга, ўзини эса унинг ўғли — Қақнус-баччага қиёс қилади. Ўхшатишлар силсиласи (ташбеҳи мусалсал) давом этиб, шоир ўта камтарлик билан Атторни шоҳ, ўзини эса унинг бандаси — қулига нисбат беради:

Шайх гўё келди аввалги тайр,
Ким наво ичра қилиб умрида сайр...
Мен демонким ул отодур, мен ўгул,
Ул шаҳи олий сифат, мен—банда, қул¹³⁵.

Бу ажойиб ўхшатишлар Аттор ва Навоий ўртасидаги ижодий муносабат ва Навоийнинг ўз устозига бўлган чуқур ҳурматининг образли ифодасидир.

Достонда муайян ҳолатни янада бўрттириб, тасвирлаш билан боғлиқ ташбеҳлар ҳам учрайди. Чунончи, «Шайх Санъон» қиссасида христиан қизига кўзи тушган Шайх ҳушини тарк этиб, ерга йиқилаётган пайтда ҳассага суянади. Шоир бу ўринда Шайх гавдасини уйга, унинг ҳассасини эса уй устунига қиёс қилади. Натижада гўзал образли тасвир юзара келган:

Бўлмиш эрди жисми туфроққа нигун,
Бир дам ул уйга асо бўлди сутун¹³⁶.

Достон таркибида тазод санъатиининг оригинал муналарини учратиш мумкин. Бу санъатнинг асосий ўзаро эид тушуинчалар ва сўзларни қаршилантини ташкил этади. Навоний мазкур санъатни турли мақсадларда қўллаган. Масалан, Товус қушининг ҳаддан ташқари гўзал ташқи кўринишга эга эканлигини унинг тилидан айтилган қуйидаги сўзларда тазод санъати орили ниҳоятда содда ва тушунарли ифодалаб берган:

Боғ аро мендин хазонда бўстон,
Бешада мендин қиш ичра гулистон¹³⁷.

Бу ўринда хазон—бўстон, қиш—гулистон каби қарама-қарши маъноли сўзлар воситасида оригинал тазод юзага чиққан.

Баъзан фикрни образли ривожлантириш мақсадида шоир бошдан оёқ тазод қўлланган байтлар ҳам битта. Масалан, Истиғно водийсининг тавсифи қуйидаги тазодли байтларда берилган:

Етти дарё онда бир қатра матар,
Етти кўк хашхош чоғлиқ мухтасар.
Етти дўзах онда бир учқун киби,
Секкиз учмоғ онда бир шудрун киби.
Мўрларга тўъма онда барча шер,
Пашшаси пил овламоққа бас далер.
Етти кишвар узра шоҳи қаҳрамон
Бир гадо онда ҳамону ул ҳамон¹³⁸...

Бу хил тазодлар муболага (бўрттириш) ва литота (кичрайтириш) санъатлари билан уйғунликда келиб, муайян фалсафий мазмунни ифода этмоқда.

Достонда шоир ижодида кўп қўлланиладиган аниқ анавий тазодлар билан бирга, янги тазодлар ҳам учрайди. Масалан, шоир бир ўринда капалакни парвонага қарама-қарши қўйиб (контекстуал тазод), қуйидагича ҳаётини ҳикмат яратган:

Дема раънолар иши фарзоналик,
Кўпалак ҳадди эмас парвоналик¹³⁹.

Асарда яхши-ёмон, васл-ҳажр, афтол-зол, хуршид-зарра, жон олиш-жон бериш, ўлик-тирик, хор-гул, ўт-дуд, зиён-суд, афлок-хошок, қўйи-юқори, сарву гул-хор, хас, ошқора-хафо (яширин) каби тазодли сўзлар, Нам

руд-Халил, Бухтунпаср-Нўширавон каби талмеҳли тазодлар шунингдек буд (борлик)-набуд (йўқлик), боқий-фоний, илоҳ-бут, менлик-сенлик, бирлик-иккилик, куфр-дин, вужуд-адам ва бошқа тазодли фалсафий тушуинчалар кенг қўлланилган.

Достон таркибида оддий муболагадан тортиб иғроқ (ўта муболоға) ва ғулу (ақлга сиғмайдиган, имкониятдан ташқари муболага) гача учратиш мумкин. Мана характерли бир мисол. «Паҳлавоннинг қисмати» ҳикоятининг қаҳрамони эрталаб ўн ботмон, кечқурун ҳам худди шунча, бу икки оралиғда яна беш ботмон, жами йигирма беш ботмон овқат ейди¹⁴⁰. Ақлга сиғмайдиган муболагада тасвир! Ҳикоятда бу муболага бежиз келтирилмаган. Паҳлавон шунча кўп овқат ейишига қарамай, бирон фойдали иш билан шуғулланмайди. Шунингдек, у фавқуллоҳда рўй берган сафар азобларига бардош бера олмай, йўлда шармандаларча ҳалок бўлади. Бинобарин, паҳлавонга берилган муболагали характеристика унинг фаолиятига эид келадик, бу образнинг кулгили чиқишига олиб келган ёки «Ҳайратда қолган ошиқ» ҳикоятида шоир шоҳ қизининг канизаклари ҳар юмушга қобил, қўлдан келмайдиган ишларни ҳам бажарувчи тадбиркор қизлар эканлигини қуйидаги ўта муболагали сатрлар воситасида тавсифлайди:

Чорагарликда муқаррар ҳар бири,
Соҳиру шўху фусунгар ҳар бири.
Макру афсуи ғоятига етгучи,
Пашша бирла пилин жуфт этгучи.
Уйлаким пашша ўзини кўрмай кичик,
Пил ўзини топмай улугроқ жуссалик¹⁴¹.

Алишер Навоний улкан сўз сеҳргари сифатида байтлардаги айнан бир сўзни янги-янги маъноларда қўллайди. Бу классик поэтикада тажнис деб номланган. Тажнис санъатининг асосий талаби шаклдош сўз ва ибораларни ҳар хил маъноларда ишлата билишдир. Масалан, Навоний «Шайх Санъон» асарида «бир ой» иборасини икки маънода ишлатган:

Ҳар нафас бир ойдин ортиб меҳнати,
Бу эди бир ойга теғру ҳолати¹⁴².

Аввалги мисрадаги «бир ой» ибораси маҳбубага нисбатан қўлланилган бўлса, иккинчи мисрада эса йилнинг маълум бир муддати — ой (30 кун) маъносида келган. Достонда кул, гарқ, ёш, бут, қуш, кўз ва бошқа сўзлар

воситаида тажнис ҳосил қилинган чиройли байтлар тажнисли қофиялар ҳам учраб туради.

Қуйидаги байтда бир сўзи унинг ҳар хил грамматик формалари билан турли вариантда такрорлаш воситаида (иштиқоқ санъати) ажойиб сўз ўйини юзага келган:

Гоҳ бёҳол эрди, гоҳ ўз ҳолида,
Лол ўлуб асҳоб анинг аҳволида¹⁴³.

Мазкур такрор Шайх Санъон ҳолатини психологик тасвирлашда қўл келган бўлса, унинг маҳбубаси томонидан айтилган қуйидаги сўзларда бошдан-оёқ такрор қўлланилиб, поэтик киноя маъноси ҳосил қилинган:

Не ҳаё фаҳм ўлди сендин, не адаб,
Сен ажаб, деган сўзунг сендин ажаб¹⁴⁴.

Булардан ташқари дostonда классик шеърятда деярлик қўлланилган тарсеъ, талмеҳ, лутф, ҳусни таълил, ружу, нийҳом, ирсоли масал, тамсил, истиора, таносиб ва бошқа поэтик санъатлар асосида яратилган байтлар ҳам учраб туради.

Алишер Навоий йирик сўз устаси сифатида бир неча санъатни ўзида мужассамлаштирган байтлар ҳам ижод қилган. Қуйидаги мисолга диққат қилайлик:

Ҳар бирига зот эди оти киби,
Ул сифатким от эди зоти киби¹⁴⁵.

«Муқбил ва Мудбир» ҳикоясидан олинган ушбу байт биринчи қарашда жуда оддий, содда бўлиб кўринади. Аммо ана шу «оддий» байтда бир неча санъат моҳирона қўлланган. Улар ирсоли масал (исми жисмига мос қабилдаги халқ иборасининг «зот эди оти киби» поэтик варианты), ташбеҳ (Муқбил ва Мудбир исмлари жисмларига монанд), мутаносиб (ҳар иккисининг оти зотига муносиб), тазод (бу сифатлар бир-бирига тескари), тарди акс (мисралардаги сўзлар ўзаро ўрин алмашиб қофияланган) ва ниҳоят зулқофиятайн (қўш қофия яратилган) каби санъатлардир. Бир байтда шунча санъатни моҳирлик билан қўллаш Навоий бадий маҳоратининг ўзига хос томонларидан биридир. Бинобарин, Алишер Навоий бир байтнинг ўзида оламжаҳон маъноларни гўзал бадий шаклда ифодалай олган мислсиз нуқтадон шоир ҳамдир.

«Лисон ут-тайр» арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган. Унинг рукнлар парадигмаси қуйидагидек:

Чун «Лисон ут-тайр» оғоз айладим,
Турфа қушлар бирла парвоз айладим¹⁴⁶.

—V—II—V—II—V—

Фоилотун фоилотун фоилун

Бу вазн асосан Шарқ классик дostonчилигининг фалсафий-дидактик йўналиши соҳасида қўлланилган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг аруз ҳақидаги рисолаида Аттор «Мантиқ ут-тайр»и ва бошқа қатор дostonлари, Румийнинг «Маснавийи маънавий», Жомийнинг «Соломон ва Абсол» дostonлари мазкур вазнда ёзилганлигини қайд қилади¹⁴⁷. Албатта, бу вазннинг фалсафий-дидактик дostonчилик соҳасида қўлланилишининг ўзига хос сабаблари бор. Чунки у муаллифга фикрни раво ва содда, ҳаммабон тарзда ифодалаш учун қулай имкониятлар яратиб беради. Зотан, фалсафий-дидактик дoston ёзишдан кузатилган мақсад ҳам халққа фалсафий, маърифий ва ахлоқий-таълимий фикрларни тартиб ва ташвиқ этишдир.

«Лисон ут-тайр» ўрта аср Шарқ дostonчилигида, жумладан, ўзбек классик эпик шеърятда асосий ўрин тутган маснавий (иккилик) усулида қофияланган. Шоир классик қофия назарияси талабларига кўра дostonда асосан монорифма ва равийли қофиялардан фойдаланади. Асарнинг қофияланиш тартибида сакталик ва нуқсонлар сезилмайди. Қофиялар байтлардаги мазмунни чуқур ифодалашга хизмат қилувчи энг характерли оҳангдон сўзлардан таркиб топган. Улар мисра, байт ва байтлар орасидаги хушоҳанглик ва мусиқийликни таъминлаш, фикрни бир жойга жамлаш, шеър метрикаси ва ритмини юзага келтиришда актив роль ўйнайди.

Аввало шунини қайд қилиш керакки, Навоий қофия ишлатишда мазмунни очишга хизмат қилувчи, унинг образли ва ҳаяжонли ифодаланишини таъминловчи сўзларни танилайди. Асарда қофия бўлиб келган сўзларнинг аксарият кўп қисми жонли халқ тилидан олинган, китобхонга тушунарлидир. Шоир қофияда сўзнинг ҳар хил грамматик турлари (феъл, от, сифат, равиш в. б.) ва формаларини мазмун ҳис-ҳаяжон талабига биноан усталик билан ишлата олади. Дostonда қатор оригинал ва ҳамма учун

осон фаҳмланадиган қофиялар (қўлдасанг-йўлдасанг, раънолиғи-зеболиғи, унутмоғлиғлари-тутмоғлиғлари, шадалил, овуч-елпувуч, яқин-чин, қойтингиз-ойтингиз ва б.) санъаткорона қўлланилган.

Алишер Навоий ўзбек классик адабиётида қофия радиф қўллаш санъатининг энг йирик усталаридан бири сифатида шуҳрат қозонган. Бунини шонининг ўзи фахрий тарзида ёзган қуйидаги байтида ҳам махсус таъкидланган эди:

Эй, Навоий, қилғали табъ аҳли жинси шеър назм,
Назмнинг ўлди барчага қофия, балким радиф¹⁴⁸.

Афсуски, Навоийнинг қофия қўллаш маҳорати айрим мақола ва мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда¹⁴⁹, махсус тадқиқ этилмаган. Шеърнинг турли жинси (жанр)ларида қофия қўллашнинг ранг-баранг товланишлари, юксак санъаткорлик билан намоён қила олган шонли маснавий (достон) жанри доирасида ҳам ўзгача маҳорат кўрсатади. Бунини «Лисон ут-тайр»дан баъзи мисоллар келтириш орқали маълум даражада кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Умуман, қофия қўллаш усулининг маснавий системаси қатъий бир қонуниятга асослангани сабабли ижодкорнинг бу соҳадаги имкониятини маълум даражада жамловчи туради. Аммо йирик сўз усталари учун бу «чеклаш» тўсқинлик қила олмайди. Жумладан, Навоий маъқур достонда қофиянинг тўла, оч, ярим қофия каби асосий хиллари, шунингдек, қўш қофия, тажнисли қофия, тарсели қофия, ҳожибли қофия, радифли қофия ва бошқа мураккаб шаклларида кенг ва ўринли фойдаланганлиги фикримизга далил бўла олади. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Қуйидаги байтда қўш қофия юзага чиққан:

Кимсага бу заъф мустаҳсан эмас,
Аҳли ишқ ул заъфни аҳсан демас¹⁵⁰.

Классик поэтикада байтнинг ҳар иккала мисраси ўзаро оҳангдошлик ва қофиядошлик асосида тузилишини тарсез деб атаганлар. Қуйидаги байтда бу санъат тўла воқеъ бўлган:

Гоҳ матлубум ҳаробот аҳлидур,
Гоҳ марғубум муножот аҳлидур¹⁵¹.

Қофиядош сўзлар баъзан мисраларнинг бошида ва

охирда келиши ҳам мумкин. Бу музораъ санъати деб юритилган:

Оламедур ишқ, лекин бас васеъ,
Торамедур ишқ, лек асру рафеъ¹⁵².

Тарқи маснавий байтлар таркибида ички қофия ярашган қийин санъат ҳисобланса-да, баъзи ҳолларда, Навоий бу хил қофияларни намунасини бера олган:

Ул эди дегон ўзи, бергон ўзи,
Базл аро сочқон ўзи, тергон ўзи¹⁵³.

Бу байтда ички қофиянинг кам қўлланиладиган мураккаб тури—чор баҳра зуҳур этган. «Ўзи» сўзининг радиф сифатида тўрт марта такрорланиши байтга алоҳида оҳангдорлик бахш этиб турибди.

Достонда ижодкордан алоҳида маҳорат талаб қиландиган тажнисли қофиялар бир неча, ўринда учрайди. Мисол:

Чун санга тўқсонун юзга етти ёш,
Ҳам қари демак бўлур, ҳам сени ёш¹⁵⁴.

Биринчи мисрадаги «ёш» сўзи инсоннинг неча йил умр кўрганлигига алоқадор бўлса, иккинчи мисрада у, киши ҳаётининг дастлабки даври—ёшлик маъноси билдиради. (Шайх Санъон қиссасида христини қизи оғзидан айтилган бу сўзлардаги тажнисли қофия кўзларида муҳаббат учқунини порлаган Шайхга нисбатан нозик киноя маъносини ифодалашда қўл келган.)

Баъзан тажнисли қофия радиф билан бирга келган:

Ҳам ўзи, ҳам ул ўтунлар кул бўлуб,
Юз туман жузв ул куярдин кул бўлуб¹⁵⁵.

Бу байтда биринчи мисрадаги «кул» сўзи кул (пел), иккинчи мисрада эса кул (бутун) маъноларида қўлланилган. Достонда «кўзи», «қуш» каби сўзлар воқеъасида ҳам тажнисли қофиялар яратилган.

Булардан ташқари, асарда маълум даражада қофия билан боғлиқ мураккаб поэтик санъатлар ҳисобланган тасдир (биринчи мисра бошидаги сўзнинг иккинчи мисра охирида қофия бўлиб келиши), мусаллас қофия (ҳар мисрада учтадан қофия иштирок этиши), зънот (қофиядош сўзларнинг бир хил оҳанг ва бир хил равийлар асосига тузилиши), тасбеъ (биринчи мисрада қофия бўлиб келган сўзнинг иккинчи мисра бошида такрорланиши), тарди акс (биринчи мисрадаги сўзларнинг иккинчи

«Жон ҳовучлаб, бош олиб кетмоқ». Бу ибора меҳка полвон ҳақидаги ҳикоятда халқ бошига оғир кулфат тушган пайтда кишилар ўз юртларини ташлаб кетганликларини образли ифодалашга қўл келган:

Халқ ўзга мулк азми эттилар,
Жон овучлаб, бош олибон кетдилар¹⁷³.

«Эрта кунни кеч қилма». «Йўлингдан қолма», «вақтинни олма» маъноларини билдирувчи мазкур ибора Шайхга исбатан христиан қизи томонидан ажиб журъат ва ситамкорлик билан баён қилинган.

Гар ҳариф эрмассен ушбу ишга-ҳеч,
Йўлга азм эт, эрта кунни қилма кеч¹⁷⁴.

Қуйидаги байтда эса иккита ибора ниҳоятда моҳирлик билан бир жойда ишлатилган:

Боғлаб анинг васлига етмакка бел,
Саъйлар айлаб ораға солди эл¹⁷⁵.

Булардан ташқари, дostonда ақли-ҳушини тарк қилмоқ, бошга солмоқ, зеру забар бўлмоқ, жон тарк этмоқ, бошига иш тушмоқ, ўтгани унутмоқ, яхши-ёмон бўлмоқ, эгри йўл тутмоқ, ҳаёлини бошдан чиқармоқ, сиёсат тиги сурмоқ, кўзига олам қоронғи кўринмоқ, аҳволи масал бўлмоқ, бўйин узмоқ, ҳавас тухми экмоқ, ўз ҳолига аза тутмоқ, бахти йўл бошламоқ, кўкка элтиб, ерга урмоқ, ҳазилини чин билмоқ, юзи қаро бўлмоқ, ҳайратдан бармоқ тишламоқ, кўнгилга келтирмоқ, қонидан кечмоқ ва шу каби кўплаб фразеологик бирикмалар истифода этилган. Диққатга сазовор жойи шундаки, юқорида қайд этилган ибораларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам халқ жонли сўзлашувинда кенг қўлланилади.

Мазкур иборалар асар бадий-поэтик тилининг тасвирийлиги, образлилиги ва таъсирчанлигини ошириш каби муҳим вазифаларни адо этишда шоирга яқиндан ёрдам берган. Шунингдек, улар Навойнинг халқ ибораларига доимо маҳсул диққат қилганлиги ва улардан усталик билан фойдалана олганлигидан ҳам далолат беради. Бизнингча, асарнинг тили лингвистик нуқтаи назардан чуқур ва ҳар томонлама текширилиши лозим. Мазкур дoston XV аср ўзбек адабий тилининг ноёб тарихий ёдгорликларидан бири сифатида шу соҳани ўргатувчи мутахасссларга қизиқарли илмий материаллар бериши шубҳасиздир.

«Лисон ут-тайр»нинг бадий-поэтик хусусиятлари ҳа-

қида юқорида билдирилган мулоҳазалар Алишер Навоий томонидан илгари сурилган бадий асарда мазмуннинг бирламчилиги, мазмун ва шаклнинг узвий алоқадорлиги ҳамда юксак ижтимоий мазмун гўзал бадий шаклда ифодаланиши лозимлиги ҳақидаги илгор адабий-эстетик қарашларга¹⁷⁶ шоир умрининг охирига қадар содиқ қолгани ва бу талабни ўз ижодида тўла тadbиқ қилган ҳолда улкан муваффақиятларни қўлга киритганлигини ҳар томонлама тасдиқлаб ва исботлаб турипти.

ХУЛОСА

Алишер Навоий жаҳон адабиёти тарихида асарлари чуқур донишмандлик ва ижтимоий-фалсафий мазмун билан сугорилган буюк сўз санъаткорларидан бири саналади. Мутафаккир шоирнинг ҳаёт ва Исон ҳақидаги қарашлари асосан бадий ижодиётида мураккаб аллегориялар, символаар, муайян назарий тушунчаларни ифодаловчи образ—истилоҳлар воситасида юксак даражадаги шоирона тил билан ифода этилган. Бу соҳада айниқса унинг «Лисон ут-тайр» дostonи ўзига хос алоҳида ўрни эгаллайди. Навоий бу дostonни ёзишда Яқин ва Урта Шарқ халқлари адабиёти тарихида кенг қўлланиб келинган қуш тили билан асар ёзиш анъанасига мурожаат қилади ва бу борада катта маҳорат кўрсатиб, шу типдаги асарларнинг гоявий-бадий юксак намуналаридан бирини яратади.

Мажозий усул орқали, хусусан, қуш тили воситасида бадий асар ёзиш Шарқ халқлари адабиётида қадимий ва мураккаб тарихга эга бўлиб, бу хилдаги асарларнинг дастлабки намуналарини халқ оғзаки ижодида учратини мумкин.

Урта осиелик энциклопедист олим Абу Али ибн Сино қаламига мансуб «Рисолат ут-тайр» асари ёзма адабиётда қуш тили воситасида ёзилган фалсафий асарларнинг илк намунаси ҳисобланади. Мазкур асарнинг майдонга келиши Шарқ халқлари бадий тафаккур тараққиётида чуқур из қолдириб, уларда янги бир анъанани—қуш тили орқали фалсафий асар ёзиш анъанасини бошлаб берди.

Бу усулдан фойдаланиб ёзилган асарларни тadbқиқ этиш уларда асар яратилган даврларнинг актуал фалсафий ва ижтимоий-сиёсий масалалари ҳамда бу соҳадаги ўзаро идеологик курашлар ўзига хос бадий шаклда ифода этилганлигини кўрсатади. Жумладан, Ибн Сино

рисоласида муаллифнинг ислом ақидаларига зид келувчи руҳ ва модданинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги қарашлари мажозий тарзда ўртага ташланган ва ўша давр нуқтаи назаридан ижобий ҳал этилган. Муҳаммад Ғаззолийнинг «Рисолат ут-тайр» асари эса ўз ғоявий мазмунига кўра Ибн Сино рисоласига раддия сифатида майдонга келиб, унда муаллифнинг сўфизмни ислом мафкураси билан мослаштириш каби тарихий миссиясн ўзининг бадний инъикосини топган.

Бу типдаги асарларни сюжет эволюцияси нуқтаи назаридан ўрганиш, биринчидан, анъанавий сюжетди, умумийликдан конкретликка қараб ривожланганлигини кўрсатса, иккинчидан, сюжетнинг образлар системаси ғоявий-мазмуи талабига мос ҳолда янгиланиб ва такомиллашиб борганлигини тасдиқ этади. Қушларнинг рамзий саргузаштларини тасвирловчи мажозий қисса турли дунёқарашдаги муаллифлар учун уларнинг ижтимоий-фалсафий масалаларга оид қарашларини ифода этувчи ўзига хос бадний восита бўлганлиги туфайли сюжет ва образлар талқини ҳам ана шунга мувофиқ тарзда ўзгарган ва ривожлантирилган. Ибн Сино, Ғаззолий, Аттор, Гулшаҳрий ва Навоий асарларидаги сюжет образларнинг ўзига хослиги ҳам мазкур ҳолат билан изоҳланади.

Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони генезис жиҳатдан юқоридаги асарлар билан бевосита (Аттор «Мантиқ ут-тайр»и) ва билвосита (Аттор достони орқали Гулшаҳрий, Ғаззолий ва Ибн Сино асарлари) алоқага киришади¹⁷⁷.

Мазкур асар шоирнинг гениал «Хамса»си каби ўзбек классик адабиёти ривожланишининг ўзига хос талабларига мос равишда ўзбек тилидаги адабиёт равнақи учун кураш эҳтиёжлари заминидан майдонга келди. Навоий бу достонни ёзиш билан ўзбек тилида ҳам, форс-тожик адабиётида бўлгани каби, мажозий услубда чуқур фалсафий мазмунли бадний асар ёзиш мумкинлигини биринчи марта амалий жиҳатдан исботлади ва ўзбек адабий тилининг бу соҳадаги имкониятларини намоён этди.

«Лисон ут-тайр» достони жанр хусусиятларига кўра фақат Навоий ижодида эмас, ўзбек классик адабиёти тарихида ҳам тамоман янги воқеа бўлди. Бу асарга қадар ўзбек адабиётида фалсафий-дидактик (Ҳайдар Хоразмий «Маҳзан ул-асрор»и, Навоий «Ҳайрат ул-аброр»и), ишқий-романтик (Дурбек «Юсуф ва Зулайхо»си, Лутфий «Гул ва Наврўз»и, Навоий «Фарҳод ва Ширин»и), ишқий-психологик (Навоий «Лайли ва Мажнун»и), ишқий-саргузашт (Навоий «Сабъан сайёр»и) ва қиҳрамонлик (Навоий «Садди Искандарий»и) каби жанрларда достонлар ёзилган эди. «Лисон ут-тайр» эса ўзбек достончилигининг янги жанри — аллегорик-фалсафий достон жанрининг ғоявий-бадний жиҳатдан илк етув намунаси ҳисобланади. Шу сабабли мазкур асар ўзбек эпик поэзиясининг жанр ранг-баранглигини таъминлаш ва бойитишда мислсиз ҳисса бўлиб қўшилади.

Достон Уйғониш даврининг энг илғор гуманистик идеаллари руҳи билан сугорилган. Инсон улугворлигини тасдиқлаш, унинг куч-қудрати, ақл-заковати, ҳақ-хуқуқи, эрки ва тенглигини мадҳ этиш асардаги гуманистик фалсафий концепциянинг асосий нафосини ташкил этади. Оламдаги барча нарсалар Инсон туфайли яратилганлиги, шу сабабли Инсон улардан воз кечмаслиги зарурлиги, у ўз ҳаётига оид барча муаммоларни ташқаридан ҳеч қандай нажот кутмай ўзи ҳал этиши лозимлиги ва маънавий камолотга интилишини кўрсатиш асарнинг бош ғоявий йўналишини белгилайди.

Алишер Навоий томонидан жасорат билан илгари сурилган ушбу ғоялар реал ижтимоий-тарихий заминга эга бўлиб, XV аср Ўрта Осиё Уйғониш даври билан ўзвий боғлиқ ҳолда жамият ва инсон тафаккуридаги маънавий ўзгаришларни бадний шаклда ўзида мужассам эттиради. Бинобарин, Навоий анъанавий қиссага реал ҳаёт талаблари асосида ёндашиб, уни ўз дунёқарашига мос ҳолда талқин этган, ундан ўзининг илғор ғояларини ифода этиш учун ўзига хос бадний восита «либоси мавзун» сифатида фойдаланган. Бу эса шоир томонидан анъанавий сюжетнинг фалсафий моҳияти юксак бадний маҳорат билан бутунлай ўзгартирилиб, янгича, навоиёна талқин этилганлиги, унга чуқур замонавийлик ва ижтимоий руҳ бахш этилганлигини тасдиқ этади.

Навоий мазкур мавзунинг ғоявий-тематик диапазони ва образлар системасини кенгайтириб, унинг доирасига ўз замонасининг актуал масалаларини олиб кирди, даврнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини бадний тавдлантирувчи образларнинг бутун бир галереясини яратди. Бу борада айниқса қолидловчи қиссага иллюстрация сифатида келтирилган ҳикоялар алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг кўпчилик катта қисмида тасвирланган воқелик бевосита шоир яшаган жамият ҳаётидан олинган бўлиб, ижтимоий муҳит ва инсон маънавий дунёсига оид муҳим проблемаларни қамраб олган.

Достон таркибидаги ҳикоятлар ўзларининг бадний

мазмунини ихчам тасвирлаш манераси, сатира тигининг босмонлиги, нозик юмори, реалистик элементларга боғлиги ҳамда ўзбек адабиёти тарихида янги ҳодиса ҳисобланган бир қатор трагикомик образлар мавжудлиги билан ҳам диққатни жалб этади. Бу хусусиятлари билан улар шоирнинг ҳикоянавислик фаолиятидаги янги сифат ўзгаришларини ўзида мужассам эттириб, бу соҳадаги Навоий ижодининг энг юқори чўққисини ташкил этади. Улар ўзбек классик адабиётида реализмнинг шаклланиши ва қарор топишида жуда катта роль ўйнайди.

«Лисон ут-тайр» шоирнинг бошқа асарлари каби ўзбек адабиётининг кейинги даврлардаги тараққиётига самарали таъсир кўрсатди¹⁷⁸. Бу таъсир асарнинг илғор ғоявий мазмуни, унда умумбашарий ғояларнинг ҳайратомуз бадий маҳорат билан ифода этилганлиги каби омиллар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Айниқса, дostonдаги қуш тили орқали даврнинг муҳим ижтимоий-фалсафий проблемаларини ёритиш, жамият ва инсон ахлоқидаги турли иллатларни тарғиб этиш анъаналари, шунингдек, ахлоқий-таълимий характердаги гўзал сатирик ва юмористик ҳикоятлар яратиш тажрибаси қатор муаллифлар томонидан ижобий қабул этилди ва ҳар томонлама ривожлантирилди. Ўзбек адабиётининг XVII—XIX асрларда яшаб ижод этган Салоҳий («Булбул ва Гул»), Нишотий («Қушлар мунозараси»), («Хусн ва Дил»), Гулханий («Зарбулмасал»), Умидий («Қушлар мунозараси») шунингдек, Махмур, Муқимий, Завқий ва бошқа истеъдодли вакиллари мазкур асар ва ундаги ҳикоятлардан таъсирланган ҳолда бадий ижоднинг янги-дан-янги намуналарини яратдилар. Бу асарларда Навоий дostonидаги барҳаёт анъаналар янги давр талабларига мос равишда давом эттирилди.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг эпик поэзиядаги сўнгги йирик асари ҳисобланган «Лисон ут-тайр» дostonи ўзининг илғор ғоявий мазмуни, жанрий, хусусиятлари, образлар системаси, бадий баркамоллиги ва бошқа жиҳатлари билан фақат шоир ижодида эмас, балки ўзбек адабиёти тарихида ҳам жуда катта воқеа бўлди. У жаҳон классик адабиётида аллегорик-фалсафий дoston жанрида ёзилган ўлмас асарлар қаторида бадий кашфиётнинг порлоқ тимсоли бўлиб қолди.

НАВОИЙ САМАРҚАНДА

Видеосценарий

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

- АЛИШЕР НАВОИЙ — 25-28 ёшларда
 ПАҲЛАВОН МУҲАММАД —
 ШАЙХ АҲМАД СУҲАЙЛИЙ — } Навоийнинг дўстлари
 МИРЗОБЕК —
 САФИД ҲАСАН АРДАШЕР —
 ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ АБДУЛЛАЙСИЙ — } Навоийнинг устодлари
 АБУСАИД МИРЗО — Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг олий ҳукм-
 дори, 50-55 ёшларда
 СУЛТОН АҲМАД МИРЗО — Унинг ўғли, Мовароуннаҳр ҳукмдори,
 16-18 ёшларда
 АҲМАД ХОЖИБЕК — Самарқанд ҳокими, 40-45 ёшларда
 АМИР БАРЛОСИЙ — Чигатой амирларидан, 50 ёшларда
 ДИЛШОДБЕК —
 КОМРОНБЕК — } Амир Барлосий фарзандлари
 ҚИЗ —
 ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадраса-
 сining талабаси, 22-28 ёшларда
 РИЕЗИЙ —
 МИР ҚАРШИЙ — } Самарқандлик шоирлар
 ҲАКИМИЙ —
 ГАВҲАРИЙ —
 ЖАВҲАРИЙ — }
 ХУМОРИЙ — } Хиротлик шоирлар
 ВИДОҒИЙ — }
 ЮСУФ — Паҳлавон Муҳаммаднинг таниши, 40-45 ёшларда
 ЖОСУСЛАР БОШЛИҒИ — 50 ёшларда
 ЖОСУС — 24-25 ёшларда
 ПАРВОНАЧИ — 40 ёшларда

Оммавий саҳналарда вазирлар, амирлар, сарбозлар, мулозимлар, энага, деҳқонлар, чол ва кампирлар, гадолар, савдогарлар, хона-
 далар, созандалар ва бошқалар яштиради.

БИРИНЧИ ПАРДА

СУРГУН

1-КЎРИНИШ

КИМГА ТҒИ, КИМГА АЗА

Хирот. Боғи Сафид манзаралари. АЛИШЕР НАВОИЙ ўз дўсти
 ПАҲЛАВОН МУҲАММАД билан Хуросону Мовароуннаҳрнинг
 олий ҳукмдори Султон АБУСАИД МИРЗО назарасининг хатна
 тўйига боришмоқда. Уларнинг орқасидан бир жосу қадамба-қа-
 дам келмоқда.

ПАҲЛАВОН — Шаҳаншоҳи замон Султон Абусаид
 Мирзо кўз кўруб, қулоқ энутмагон тўй бермоқда эркан.
 Бугун бошланмушдур. Ҳазрати улуғ ҳоқон Шохруҳ Мир-
 зо ҳам қилмагон бемисл дабдаба, зеб-зийнат ва шоҳона
 зиёфатнинг шохиди бўлурсиз. Боковулларнинг айтишин-
 ча, Мирзо бир ҳафта эртадин оқшомгача, шомдин тонг-
 тага тўй бермоқчи эрмиш. Ҳар кун 500 тадин қўй, 100 та-
 дин той сўймоқни буюрғон эрмиш. Мармар ҳовузларда
 лиммо-лим қилинғон шинилару суту қаймоқларни айт-
 майсизми. Аммо мусаллас ичмоқни маън қилмушдур.
 Жаминду Доролар ҳам бунчалик базм қилмагон эркан.

НАВОИЙ — Ҳар кун 500 тадин қўй, 100 тадин той?
 Бунчалик зиёфат кимга керак? Аларни ким тановул қи-
 ладур?

ПАҲЛАВОН — Мовароуннаҳру Хуросон музофот-
 лариндаги казо-казолар таклиф қилинмушдур. Юздин
 ортиқ жарчилар ҳар кун Хирот аҳолисини тўйга чор-
 ларлар. Хонадалар, созандалар, шоирлар, закий аския-
 бозлар, қўйингки, жаъми зурафо аҳли ўз санъатларин
 намойиш қилгайлар. Ҳар кун пешинда беш даврада ку-
 раш ҳам бўлгай. Елкаси ер кўрмаган паҳлавонлар пой-
 гага кирмоқчи аргумоқлардек ўзларин совутиб, навбат
 кутмоқдалар.

НАВОИЙ — Сиз ҳам кураш тушасизми, Паҳлавон?

ПАҲЛАВОН — Иншооллоҳ, тўйнинг сўнгги кунла-
 рияда тушгаймиз. Мовароуннаҳрнинг Бойсун ва Хузор

вилоятларининг курашининг етмиш икки ҳадисин ўзлаштирган полвонлар келган эрмиш. Аларни енгмоқ осон эрмасга ўхшайдур.

НАВОИЙ — Сиз нафақат Хиротнинг, балким шу вақтгача Хуросону форс ўлкаларининг курагин ерга тегмаган машҳур Паҳлавонисиз. Оллоҳ бу гал ҳам омадингизни бергай.

ПАҲЛАВОН — Сиздек қадрдон дўстлар омад тилар экан, илоҳо айтганингиз келиб, ишончингиз юзин ерга қаратмасликка саъй қилурмен... Шу пайт уларнинг рўпарасидан Паҳлавон Муҳаммаднинг таниши Юсуф ақчиқиб келади. У жулдур кийимлар кийган, жуда хаффа аяничи бир аҳволда. Паҳлавон Муҳаммад ва Навоий Юсуфга салом берадилар.

— Ҳа, Юсуф ака, Сизга не бўлди, нечук бу қадар тува ва ғариб кўринурсиз?

ЮСУФ — Фақир бозор-ўчарда мешкоблик қилиб куна кўришининг воқифдурсиз. Бола-чақаларим рўзгори немишлардан буён шул ҳалол меҳнат орқасинда бир нафас ўтуб туруб эрди. Шўримизга шўрва тўкулуб, оғир мусибат ичра қолдик.

ПАҲЛАВОН — Не ҳол юз берди?

ЮСУФ — Утган ҳафта бозорда аҳли тижоратга сулашиб юруб эрдим. Мирзо амирларининг бири, афтидан самарқандлик Чигатой бекларининг кўринадур, тўйга келган бўлса керак, ўз ёнига чорлади. «Лаббай, бек» деб, сув узатган эрдим, қамчисни ила уруб юбориб, «Мешини бу ёққа чўз» деди. Мен, шул биргина мешимдин бўлак дастмойам йўқдур, ўн тўртта боламга раҳмингиз келсин, жўжабирдай жонман деб ёлвордим, тангри таоло номини ўртага қўйиб худонинг зорини қилдим, тош-метиндек кўнглига зарра ҳам қор қилмади. Навкарларига буюриб, мешимни зўрлик билан тортиб олди. Бозор ҳокимига арз қилиб эрдим, бу бек билан ҳазиллашиб бўлмайдур, орага кирсак касрингга қолурмен, деб қўрқди.

ПАҲЛАВОН — Мешингиз не учун керак бўлибдур ушунинсоф бекка?

ЮСУФ — Йўлда навкарларининг бирининг отига етсоладурган тўрваси йўқолиб қолибдур. Шул сабаб мешимни тўрва ўрнида ишлатмоққа тортиб олдилар.

НАВОИЙ — Амиру ҳоким, доругаю навкарларда инсофу адолат қолмаиш. Диёнатдин юз ўгуриб, разолат йўлига кирмишлар. Билъакс бир аёлманд фақирга ҳам шунчалик зулм қилурларму?!

ЮСУФ — Ҳозирда аҳволим шул даражага етибдур.

ки, оч-ялашғоч қолган болаларни боқмоққа кўча-кўйларда тиланчилик қилмоқдин ўзга иложим йўқдур. Баъзи кунлар бир бурда қоқ нонга ҳам зор қолурмиз. Охир бул кўргуликка чидай олмай, саховат ила ёрдам кўрсатар, деган умидда Абусанд Мирзо ҳузурига арз қилмоққа аҳд этдим. Болаларим бошини силаб, гадолигдин халос қилар деб, Мирзо ясовуллари «Эй гадо, султон тўй билан бандлар, хира пашнадек кўп ўралашма, бўлмаса зиндонга солурмиз» деб қўтир итдек қувиб ҳайдашди. Энди не қилурмен? Дод, золимларнинг дастидин, деб кимга айтурмен?! Болаларим очлиқдин шишиб ўлгайлар...

НАВОИЙ (Бу сўзлардан таъсирланиб, бадиҳа тарзда қўлидаги байтни айтади) — Гадоеки, нон аз дари шоҳ жуст, Бибояд зи-оби худаш даст шуст. Шоҳ эшигининг нон излаган гадо ўз суви билан қўлини ювиб, қўлтигига урмоғи даркор.

Дароғатлар панасида турган жосус қағозга нималардир ёза бошлайди.

Ясовуллар Сизни шоҳ даргоҳида қўймаган эканлар, буни подшоҳнинг ўзи буюргондур. Шариат ва дин таянчи, улус ва юрт ҳомийси бўлмиш шоҳ адолат кўрсатиб, Юсуф акадек фуқароларнинг ҳолидин хабар олиш ўрнига, қирқ қулоқли дош қозонларда ош дамлатиб, ҳашаматли тўйлар қилодур. Бул ёқда бул кишидек хўрланганлар эса бола-чақаси бирла очдин ўламан дейди. Кимга тўй-кимга аза!...

ПАҲЛАВОН — Осмон йироқ, ер қаттиқ, давлату амал, тожу тахт шул золимлар илкиндадур. Аларнинг кутургон беклари олдий фуқаронинг сўнгги бурда нонигача тортиб олмоқдин тап тортмайдур... Юсуф ака, Сиз хаффа бўлмангу ва билъакс золимларга ялинмангиз (пул узатиб), ана буни олинг ва янги меш тиктиринг. Шоҳ рўзгорингиз ўнғариб кетса...

НАВОИЙ — Мана бу тангаларни ҳам олинг (бор пулининг ҳаммасини узатади). Болаларга чоштгоҳлик ва шом учун бозор қилиб борурсиз. Аларга усти-бош ҳам олинг. (Юсуф уларга қуллуқ қилиб, пулни олиб кетади.)

ПАҲЛАВОН — Алишер, нечук охирги тангангизга қалар бериб юбордингиз? Ўзингиз не қилурсиз?

НАВОИЙ — 14 жон очлиқдан чирқиллагандин, бир киши тангрига қаноат қилгани маъқул эмасму, Паҳлавон?

ПАҲЛАВОН — Маъқулликка маъқулку-я, ўзингиз бирон хизматда ишламайсиз, мадраса вақфларининг

нонликда эрса, замонамизнинг Рустамӣ достонидурлар. Шеър ҳам айтурлар, ёқимли мусиқалар ҳам ижод қилурлар. Яна бошқа турфа хислатлари ҳам борки, айтиб адо қилиб бўлмайду. Тангрининг қудрати ила бир инсон зотида бунчалик кўп ҳунарларнинг мужассам бўлишига тахаййур қилурмен.

Бу орада Паҳлавон Муҳаммад бошқа бир қогозга шеър ёзиб, жосуснинг салласи ичига секинлик билан жойлаштиради.

3-КЎРИНИШ

АБУСАИД МИРЗО ҲУЗУРИДА

Султон Абусаид Мирзо саройи. Вазирлар, амирлар, ясовуллар, навкарлар ва бошқалар.

АБУСАИД МИРЗО (тахтидан туша туриб) — Қани, вазири аъзам, айтинг-чи фармон қай тариқа адо этилмоқда?

ВАЗИРИ АЪЗАМ — Фармони ҳумоюн чиққандан сўнг мана бир ҳафта ўтибдур, натижа кутилгандин ҳам зиёддир. Ҳар куни хазинага юз минг туман баҳосинда дуру жавоҳирлар келиб қўшилмоқда.

АБУСАИД МИРЗО — Яхши, яхши... Мен буюк бобом Амир Темур Кўрагон илки била жаҳоннинг тўртдин уч қисмидин Самарқандга келтирилгон ва ул ҳоқон ҳазратларининг вафотлариндин сўнг номақбул шаҳзодалар томонидан елга соғурилгон хазинани қайтатдин тўлдирмоқчимен.

БИР ВАЗИР — Савоб иш қилғайсиз, хон ҳазратлари.

АБУСАИД МИРЗО — Эссиз... бобомнинг хизматлари. Ул зоти олий Ироқу Шероз, Ҳиндистону Мовароуннаҳр, Дашту қипчоқу Хоразм, Олтин Урдаю Форс, Хуросону Озарбайжон ва бошқа ўлкаларини забт этиб, тангри мадади ва пирлар кўмаги бирла Самарқандни жаҳоннинг пойтахтига айлантирдилар. Бул шаҳарда ул киши томонидин тўпланган хазинадаги ёлғиз олтинларнинг ўзи ердин қуёшга қадар етгай эрди. Яна шунча дуру гавҳарлар, лаълу забаржадлар, ақиқу марваридлар, саноғига етиб бўлмайду... Аммо бетавфиқ шаҳзодаларинчунун Халил Султон ани кайфу сафога соғурди. Беддин Улуғбек Тарағай эрса қолгон хазинани ҳеч кимга

қерак эрмас илму фан, мадрасаю расадхоналар қурмоқ йўлинда харжлаб адо қилди. Қолгон-қутгонларни яна бошқалар бошига етди. Мен Самарқанд тахтин олгонимда хазина қуп-қуруқ эрди.

ВАЗИРИ АЪЗАМ — Аммо, тез кунда хазинани тўлдурмоқ тадорукни кўрдингиз, соҳибқирон.

АБУСАИД — Хазинасиз давлат — давлатми? Олтунсиз бир иш қилиб бўладиму? Мен голиб қиличим кучи бирла ул бадбахт шаҳзодалар ношаръий хомталаш қилгон улуг бобом ҳоқимиятин ўз қўлимда тикладим. Хазинани тўлдирай, сўнгра тангри мадади бирла, ишшоолдоҳ бобом йўлидин бориб, барча рубъи маскунини забт этурмен.

БИР ВАЗИР — Бул қутлуғ ишда соҳибқирон бобонгиз Амир Темурнинг руҳи мададкор бўлсун.

АБУСАИД (*ёнидаги қилични сўғуриб*) — Бул қилич бобомдин менга меросдур. Унда ул зотнинг «Жаҳон икки подшоҳга торлиқ қиладур» деган табаррук сўзлари битилган. (*Қилични ўтиб қинга солади.*) Томиримда бобом қони кўпирадур ва тинчлик бермайду. Ул зотга муносиб ўғлон бўлмоқ шул вақтга қадар ҳеч бир шаҳзода илқидин келмайду.

БИР ВАЗИР (*таъзим билан*) — Сиздин бўлак ҳеч бир шаҳзода Кўрагон тахтига лойиқ эмасдур, улуг ҳоқоним!

АБУСАИД — Дарвоқеъ, ул баттол Хусайн Байқарон қўлга туширдингизми, вазири?

ВАЗИР — Ул сиртлондек чаққон эрқандур, хон ҳазратлари, даст бермайду.

2-ВАЗИР — Тулкидек айёр эрқандур, думини тутқазмайду, шоҳим...

3-ВАЗИР — Қашқирдек саёқ эрқандур, гоҳ Хуросон, гоҳ Хоразм, гоҳ Алоқ, гоҳ Балх сарҳадларинда санқиб юрадур, хон ҳазратлари! Яшиндек ялт этиб пайдо бўлади-ю...

АБУСАИД — Қуёндек қўрқоқлик қилиб қочиб қоладур, денг.

ВАЗИРИ АЪЗАМ — Топдингиз, аъло ҳазрат. Учта тadbиркор амиримиз лак-лак лашкар бирла анинг ортиндин тушган, аммо юзма-юз чиқишдин қўрқиб, қуён бўлмоқда.

ЖОСУСЛАР БОШЛИҒИ — Шоҳим, жосусларимиз Хусайн Бойқаронинг шул кунларда Астробод шаҳринишғол қилганлиги ҳақинда хабар келтирмишлар.

АБУСАИД — Эҳ, бул шаҳзода дард устига чиққан

ЖОСУС — Елгон гапираётир, Паҳлавон, Мана акс шеърни Алишер айтди, мен ўз қўлим ила ёзибдим (салласидан қоғозни олиб, Абусаид мирзога ўзтади).

АБУСАИД МИРЗО (Қоғоздаги шеърни ўқийди) —

Е раб, ул шаҳду шакар ёлабдурур,
Е магар шаҳду шакар ёлабдурур,
Жонима пайваста новак отқали
Ғамза ўқин қошига ёлабдурур?

(Ғазабланиб жосусга)

Бу нимаси? Ишқ изҳор қилурмисен менга, ишқли?

ПАҲЛАВОН — Бу кечаги Алишер ўқигон шеърдур, шаҳаншоҳ.

Навий енгил тортади. Вазирлар ҳайрон, жосуслар бошлиғи ўнғайсизланади.

АБУСАИД МИРЗО — Бир ўлумдин қолдинг, Ғиёсиддин ўғли! Аммо чин далил ила қўлумга тушсанг, аямасмен! Бахтинг бор экан, кет, сенга рухсат!

(Жосус ва аёнларга). Бу не майшавозчилик?! Топгон хушхабарингиз шўлми?!

ЖОСУСЛАР БОШЛИҒИ — Ғафлатда қолмишмен, иш кўрган тadbиркор (жосусни кўрсатиб) жосуслардин бўлгондин сўзлариға ишонган эрдим. Вақт зиклигиндин тафтиш қилишга фурсат бўлмади...

ЖОСУС (салласини кўрсатиб) — Кеча ўз қўлим ила ёзиб, мана бул ерга қўйгон эрдим, кимдир алмаштирибдур... Текшириб кўриш хотирамга келмабдур, гуноҳкормен. Бир қошиқ қонимдин ўтинг, шоҳим (у чўккалаб бошини қуйи эгади).

АБУСАИД МИРЗО — Еллаб олмадингми, галварс?

ЖОСУС — Чоғир ичгандин, хотирамда қолмагай деб ўйлаб, ёзиб олгон эрдим, давлатпаноҳ.

АБУСАИД МИРЗО — Ҳали чоғир ҳам ичдингми? Чоғир, шароб киби ҳаром ичкуликларни фуқарога истеъмол қилишни манъ этадургон фармонимдин беҳабармусен?

ЖОСУС — Алар ичингонда, мен ичмасам, бўлмас эрди...

АБУСАИД МИРЗО — (Мирғазабга) — Топшириқни уddaлай олмағони учун 20 дарра, чоғир ичиб гуноҳга

ботғони учун тагин 20 дарра, жаъми 40 дарра урулсин. Агар тирик қолса, кўзи пишади ва ишини билиб бажарадургон бўлади! Барчангизга рухсат. Вазири аъзам ва парвоначи, сиз қолингиз.

Навбарлар жосуснинг қўлтиғидан ушлаб олиб кетишади. Нариги ҳовадан дарра ва вой-дод товушлари эшитилади. Мулозимлар, амирлар саройдан чиқиб кетишади.

ВАЗИРИ АЪЗАМ — Одил жазога тақдим қилдингиз, шаҳаншоҳ, фикримча, Алишер орқасиядин пихини ёрғон жосусларимиздин қўймоқ керакдур. Чунки, бул шоир-йигитнинг дорус-салтанатда бўлмоғи хавфли кўринадур!.. Ўз акс ишлари ила халқни бизга қарши қилиб қўйиши мумкин.

АБУСАИД МИРЗО — Мен ҳам шул фикрдамен, бунинг устига у давлатимизнинг яширин сирларин пойтахтдин туриб Хусайн Бойқарога етказиши ҳам мумкин. Инчунун, тағойилари Хусайн Бойқаро қўшинида хизмат қилурлар. Авлод-аждоди, қариндош-уруғлари ила давлатимизга қарши бўлгон бул йигитни зудлик ила дорус-салтанатдин узоқлаштургон маъқул... Парвоначи!

ПАРВОНАЧИ — Қулогим сизда, шоҳим!

АБУСАИД МИРЗО — Алишерни Хиротдин Самарқанди ихрож этмак учун фармони олий ҳозирлагил! Эртага имзо чекурмен. (Вазирга) — Сиз эрса, вазири аъзам, Мовароуннаҳр ҳукмдори ўғлим Султон Аҳмад Мирзога ва Самарқанд валийси Амир Аҳмад Ҳожибек номларига менинг номимдан бир мактуб ёзинг. Улар бул йигитдин кўз-қулоқ бўлиб, босгон қадамин текшириб юрмоқ учун тadbиркор жосуслардин қўйсунлар. Агар салтанатимизга қарши жиноят ила қўлга тушгудек бўлса, ҳибс этинг, менинг хузуримга юборсинлар. Унда мен адолат омбури бирла акс сўзлар айтувчи бурро тилларин узуб олурмен. Онадин тугилганига пушаймонлар бўлур!

4-КЎРИНИШ

ФАРМОНИ ҲУМОЮП

Навийнинг мадрасадаги ҳужраси. У китоб мутоалаа қилиб ўтирибди. Ҳужра эшиги очилиб, Паҳлавон Муҳаммад кириб келади.

НАВОИЙ — Келинг, Паҳлавон, келинг, қани тўрга чиқингиз.

ПАХЛАВОН — Ҳолиғиздин хабар олай деб йўлакай бир кирувдим.

НАВОИЙ — Сиздек ажойиб бир дўстим бор эканиндин толеғимдин миннатдормен. Кеча бир балойи қазодан сақлаб қолдингиз. Агар сиз бўлмаганингизда, Султон Абусайд Мирзо устод Саид Ардашериникида ўқуғон шеърим учун ё зиндонга соларди, ё ... шоҳ амрига қарши чиққанлар қаторида халққа ибрат бўлсун деб дорга осарди.

ПАХЛАВОН — Ҳа, бу подшо билан ҳазиллашиб бўлмайду. Бошқа Мирзоларга ўхшайду, ҳусусан, ҳазрати ҳоқон Шохруҳ Мирзо, Улуғбек Мирзо, Искандар Мирзоларнинг бутунлай аксидур. Ғазабнок арслон ёхуд Ахраман девга ўхшайду. Қўнғилида раҳм-шафқатдин асар ҳам йўқ. Евузликда ва одамхўрликда Заххокдин ҳам ўтгай. Бўлмаса, ҳеч кимга вафо қилмағон тожу тахтин деб Улуғбек Мирзонинг бегуноҳ набираларин, Шохруҳмирзодек улуғ ҳоқоннинг суюкли хотини Ғаҳаршодбегим ва бошқа яна бир қанча қариндошларин қатл этмоғон бўлур эди. Ахир алар ҳам амир Темур Қўрағон ҳазратларининг пушти камаридин бўлгон ўз туғишганлари-ку!

НАВОИЙ — Ҳа, бул замонага тушуниб бўлмайду! Тожу тахт, иззу жоҳ, молу дунё, симу зар учун ўгул ўз отасин ўлдирмоқдин тоймайду. Қариндош қариндошига қилич кўтарур, вафо-садоқат, қарам киби сифатлар аларга тамом бегонадур. Тўғри сўзини айтиб бўлмайду. Ҳамма ёқни палидлар, инсон қиёфасиндаги тўғрилар, хушомадгўйлар, сотқунлар босиб кетди. Айғоқчилар, шоҳу амирлар сўнгак ташлармикан, деган умидда оч қолгон итдек дуч келган одамнинг этагиндин тишларлар. Вафо ўрнини шифоқ, саҳо ўрнини бахиллик эгаллади. Ажиб бир мамлакат. Ваҳшатободга ўхшайду. Масжидлардин шафоат кўтарилмиш, хонақолардин файзури ўчмиш. Мустахиблар тутиб келтирилган ўғрининг қўлини кесиш ўрнига уни тутган кишини илғидин жудо қилурлар. Ҳокимлар ерга йиқилгон ожизу бечораларин турғизмоқ ўрнига, ўлганининг устига тепгон қабилдаши тутурлар. Иш шул ерга бордики, навкарлар ўлаукдин ҳам кафан тамъ қилгайлар. О, Хуросон, не кунларга қолдинг?!

ПАХЛАВОН — Секинроқ. Алишер, девор ортинда тагин янги сичқонлардин бири қудоғини динг қилиб тургон бўлмасун?

НАВОИЙ — Хуросонни қоплаган бу зулматни кўруб,

қандай олмасмен, дўстим! Ҳақиқат борму ўзи бу дунёда? Қачонгача улус қон ютаду? Бу алғов-далғовларга қачон чек қўйиладур? Фақирларнинг қорни қачон нонга тўйдир? Улуғбек Мирзодек адолатли шоҳларни бизга насиб қилармикан? Шеърларимиз қадрига етадиган бир зот топилаурмикан?

ПАХЛАВОН — Ҳақиқат етти қават ернинг тагига кўмилгандур. Алишер! Азалдин абад бойлик ва мансаб ҳукмронлик қилгандур. Аввал ҳам шундай эрди, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак. Улуғбек Мирзодек султонлар минг йилда ҳам бир келмайду... Фикримча... Абусайд ортинғиздин кучли жосуслар қўяжакдир! Шул бонс ҳаётингизни асрамоғингиз лозимдур.

НАВОИЙ — Ростин айтғонда, кечаги хангомада жосусни роса тузладингиз, жосус бўлиб туғилғонига ҳам пушаймон едирдингиз! Тагин шундай даҳшатли султон ҳузуринда фақирни ҳимоя қилиб, ёлғонни ҳам сув қилиб ичдингиз... Эсласам кулгум келур...

ПАХЛАВОН — Шайх Саъдий айтганларидек, таҳликали онларда зарар етказувчи рост сўздин, жонни қутқарувчи ёлғон аълодур. Дўстлик ҳурмати, ул сўзлар тилимга қандай келиб қолганлигини ҳам билмаймен. Аммо бул сафар қўлга тушсангиз, султон сизин аяб ўтирмайдур.

НАВОИЙ — Рост айтурсиз, дўстим! Султондин яхшилик кутиб бўлмас. Анинг жосуслари кун бермайду. Гонга ўхшайдулар, шу сабаб бир баҳона ила Ҳиротдин ўзга юртларга жўнаб кетсаммикан? Аммо таҳсил ора йўлда қолиб кетур деб қўрқамен.

ПАХЛАВОН — Таҳсилни бошқа шаҳарларда ҳам давом этурса бўлур. Инчунун Машҳади дорул-муқаддасда, ул ер сизга қадрдондур, бир неча бориб эдингиз.

НАВОИЙ — Машҳад... Ажиб шаҳар, аммо ҳавоси миждозимга рост келмайду, ул ерда кўп марта бўлганимга ўзингиз ҳам гувоҳсиз. Балки Самарқандга кетсаммикан? Самарқанд қадимулайёмдин илму маърифат маркази сифатинда доврў қозонгандур.

ПАХЛАВОН — Бу фикрингизни қувватлармен, Алишер! Самарқандни баҳаво ва салқин, фирдавсмонанд бир ўлка деб таъриф қилурлар. Ҳиротда ҳар қадамда жон ҳовучлаб юргондин, ул шаҳарга бориб тинчгина таҳсилни давом этурсангиз, айни муддао бўлур. Чунки, Абу Саид Мирзо тирик экан, Сизга кун бермайду. Андин қанча олисда бўлсангиз шунча яхши бўлгай.

НАВОИЙ — Майли, Самарқанддек маърифат маъ-
канида таҳсил олмоқ ҳар кимга ҳам насиб қилмайдур.
Бирон ҳафтадин сўнгра йўлга чиқиб, карвонга қўши-
лурмен. Аммо падари бузруквор ўрнида маслаҳат бер-
гувчи устод Сайид Ҳасан Ардашер бул сафаримдин
беҳабар қоладиргон бўлдилар.

ПАҲЛАВОН — Устод бир ёққа кетдиларму?

НАВОИЙ — Ҳа, ул кишининг акалари Машҳадда қа-
зо қилибдур, бугун тонгда хабар келди, йўлга ўзим ку-
затиб қўйдим. Энди бир-икки ой Машҳадда бўлуб, фо-
тиҳа олурлар.

Шу пайт ҳушра эшиги тақдлаб, хон чопари кириб келади.

ЧОПАР — Алишернинг ҳужраси шулми?

НАВОИЙ — Адашмадингиз, не хизмат?

ЧОПАР — Сизнинг номингизга хон ҳазратлариндин
фармони олий бор (*фармонни узатиб қайтади*).

НАВОИЙ (*фармонни йқийди*) — «Мовароуннаҳру
Хуросон Султони Абусайд Кўрагон сўзимиз, бу фармони
олийдин маълум бўлсинким, Алишер Ғиёсиддин Кичкина
ўглининг давлат ва сиёсат манфаатлари йўлида дорус-
салтанат балдайн Ҳиротда турмоғи маъқул кўрилмай-
дур. Ва ул икки кун муҳлат ичинда йўл тадорукун кўриб,
Самарқандга азимат қилиши лозим. Акс ҳолда, фармони
Ҳумоюнни бажармагон киши сифатинда ҳибсга оли-
нур».

ПАҲЛАВОН — Айтмабмидим, бул шоҳдин яхшилик
чиқмас деб. Зўравонликка ўтибдур.

НАВОИЙ (*қулимсираб*) — Бул фармон ғойибдин
келгондек бўлди. Оллоҳ таолонинг ўзи бизни Самар-
қандга бошқарур. Не тақдирга тағйир бериб бўлмас.

ПАҲЛАВОН — Самарқандда Мовароуннаҳр ҳукм-
дорлигин Абусайд Мирзо ўз ўғли Султон Аҳмад Мирзо
қўлига топшургондур. Аммо Султон Аҳмад Мирзо ёш
бўлгониндин амир Аҳмад Ҳожибек мамлакатни идора
қилдур. Самарқандлик мусоҳибларнинг айтишларича, Аҳ-
мад Ҳожибек жаноблари анча раиятпарвар киши эрмиш.
Таъин назмга ҳам мойил эркан. Шояд юлдузингиз тўғ-
ри келса ажаб эрмас...

НАВОИЙ — Икки кун муҳлат... Бунчалик тез... Еру
биродарлар ила хайрлашмоққа ҳам етмайдур... Самар-
қандга қай йўсинда кетурмен? Фақир бир толибул-илм-
да улов не қилсун?

ПАҲЛАВОН — Бу ёғига худо подшо, Алишер, таш-
веш чекманг, мен ўз отимни бериб, йўлага қузатурмен.

НАВОИЙ — Не, отингиз йўқ эрди-ку? Сотиб олдин-
гизму?

ПАҲЛАВОН — Бу янгиликни сизга айтмоқ ёдимдин
кўтарилибдур. Абусайд Мирзо неварасининг тўйи хоти-
рингиздаму? Бормоғон эрдингиз ва сизга қўшилиб мен
ҳам ўзимни четга олгон эрдим. Аммо тўйнинг охири
кунида боришга тўғри келди. Ҳиротлик полвон дўст-
ларим уйимга келиб, бормасангиз бўлмайдн, деб туриб
олишди.

НАВОИЙ — Демак, курашга ҳам тушибсиз-да.

ПАҲЛАВОН — Ҳа, кураш тушмоқдин ўзга илож йўқ
эрди. Балхлик бир полвон Мовароуннаҳру Хуросондаги
жаъми забардаст полвонларни забун қилибдур. Орига
чидай олмагон ҳиротлик полвонлар, Паҳлавон, ёлғуз
сиз қолдингиз, асл полвон бўлсангиз, курашга чиқингиз,
бизнинг ўчимизни олиб берингиз, деб туриб олишди.
Полвонлик гурури бормаслигимга монеълик қилди. Чап-
даст полвон эркан, аммо учинчи қафасда чил солмоққа
янгилишди, елкамдан ошириб ерга урдим, қайтиб тура
олмади. Зотига қорабайир от ва қўчқор беришди.

НАВОИЙ — О, янги ғалабангиз муборак бўлсун,
дўстим! Омад ҳамisha ёрингиз бўлғай.

ПАҲЛАВОН — Муҳлатингиз озлигини шошилмоқ
зарур, Алишер! Йўлга ҳозирланмоқ керак, Самарқандга
бориш ва бирор мадрасада жойлашгунча қадар тирик-
чилик учун пул ҳозирламоқ даркор. Пул бонс қўчқор-
ларни шу бугун пулларман, эҳтиёжингизга ишлатур-
сиз.

НАВОИЙ — Ахир улар сизнинг баъйингиз-ку, Паҳ-
лавон?

ПАҲЛАВОН — Дўстлар орасида сизники-бизники
деган сўз бўлмайдур. Олмасангиз хафа бўлурмен. Мен
давлат маҳкамасинда тайин маош эвазияда ишлаб тур-
гон бир киши бўлсам, сиз эса толибул-илмсиз, бунинг
устига сафарга чиқмоқдасиз. Мусофирликни ўзи бўл-
майдур. Хусусан, Самарқанддек бегона бир шаҳарда,
таниш-билиш бўлмагон бир жойда пулга кўп эҳтиёж
сезиладур. Агар дўстим деб ҳисобласангиз, бизга но-
зукмижозлик қилмағайсиз. Қани, туринг, сафар анжом-
ларни ҳозирламоққа киришайлик...

ХУЗОР ҲАММА ЕРДА БИР ХИЛ ҚИЧҚИРАДИ

Хузор шахри, Карвонсарой. Маҳаллий кишилар. 4-5 савдогар
ўзаро суҳбатлашмоқда. Қош қораймоқда.

КАРВОНСАРОЙ ЭҒАСИ — Меҳмонлар не хизмат
буюрурлар? Бош устига...

БИР САВДОГАР — Бир косадин шўрва қуйиб кел-
сангиз, дуо қилиб ичар эдик.

Карвонсарой эгаси хўп деганча охиона томон жўнайди.

ИККИНЧИ САВДОГАР — Бул Хузор вилояти ҳам
хўб ажойиб жойда. Карвонларнинг жаъми шул ердин
ўтар.

МАҲАЛЛИЙ БИР КИШИ — Шаҳримиз чорраҳадек
бир жойдур. Карвонлар шул ердин Самарқанд ёхуд Бу-
хоро томонларга йўл олғайлар. Ҳазрати Амир Темури
ҳам ўз қўшинларини Ҳиндистонга шул жойдин олиб ўт-
ганлар.

ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ — Улуғбек Мирзо ҳам бул ер-
да бир неча бор бўлиб, кутлуг қадамлари билан мунав-
вар қилгонлар.

БИР САВДОГАР — Халқи чорвадорлик ила шўғул-
ланар эркан. Айниқса, қўй бозори беҳад катта, қўйни
доналаб эрмас, сурувлаб харид қилур эрканлар. Ҳисор-
дин, Шаҳрисабздин, Қаршидин, ва Олис туркман овул-
лариндин ҳам бу ерга қўй ҳайдаб келар эркинлар.

ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ — Чорвадорлар-ку, қўй ҳайдаб
келишади, аммо ўртадаги даллоллар фойда қилурлар.
Қўй сотқондин ҳам, қўй олгондин ҳам пул ундириб
олурлар. Аларининг ичннда Очилбува деган бир далло-
лимиз борки, фирибгарликда шайтонга ҳам дарс берур.
Қиммат молни арзон, арзон молни қиммат қилиш унинг
учун хамирдин қил сутургондек осондур.

КАРВОНСАРОЙ ЭҒАСИ — Ул кишининг макр иш-
ларин қилмоқ деч кимнинг ҳам қўлидан келмайдур. Ўт-
ган бозор бир ҳангоманинг гувоҳи бўлдим.

НАВОИЙ — Не ҳангома эркан, эшитайлик.

КАРВОНСАРОЙ ЭҒАСИ — Ул киши кампирга ўи-
тача қўй-эчкини бозорга олиб бориб сотмоқни буюриб-
дур. Харидор келган эркан, ўз оғзидин шул сўзларини
эшитиб, ёқамни ушладим. Харидорга: — Бул кампирнинг
чолн ўлуб тул қолгондур, савобга борамаи десангиз,

айтган нарҳига рози бўлаверинг. — деса бўладими? Ана
кўрдингизми, пул учун ўзини ўлдига чиқарди... Худодан
ҳам кўрқмайдур. Нотаниш харидор эса, соқоли селкил-
лаган бу чол рост гапиряпти деб ўйлаб, қўйларни у айт-
ган юқори нарҳда сотиб олди. Ана ҳайгома — мана ҳан-
гома. Умрим бино бўлуб, бунақасини кўрмаганман.

ДЕҲҚОН ЙИГИТ — Шаҳримиз қозиси ҳам фириб-
гарликда ул кишининг қолишмайдур. Савоблик бир бой,
ўзи олтмишдин ошиб, етмишларга яқинлашган, қўшни-
си камбағал бир боғбоннинг 9 яшар қизин оёқ уқалат-
моққа олгон эркан. Бир кун ул нобакор оёқ уқалата
туриб, қизининг номусин булғабди. Буни билган боғбон
«од» деб қози маҳкамасига келди. Бой машмашанинг
олдини олиб, қозининг оғзини мойлаган эркандур, қо-
зи шарнат юзасининг бойни жазолаш ўрнига, боғбонга,
фалонча, қизининг қалпоқ ила урса йиқилурми? — деб
сўрабди. Боғбон, табиийки, йўқ, деб жавоб берибди.
«Йиқилмаса, нечук арз қилурсан, эшитмаганмисен, қиз-
ин қалпоқ билан ур, йиқилмаса эрга бер» деган нақл-
ни, дебди. Бу ҳам етмагандек, қизининг ўзи эрсираган,
гунажин кўзини сўзмаса, буқача илини узмайди, айб
ўзингда, вақтида эрга бермагансен, деб дўқ ҳам қи-
либди. Пулдин чўзсанг, қизининг бойга никоҳлаб қўюр-
мен, деб, бор-йўгин шилиб олибди бояқшининг. Ана
адолату ана диёнат. Қозининг ўзи шундай бўлгондин
сўнг, бошқадин нима умид, нима хайр?!

НАВОИЙ — Бу хил ҳангомаларини йўлда ҳам эшит-
дик. Айримларининг гувоҳи ҳам бўлдик. Амудин ўтиб,
Термизга қўнгонимизда (ул ерда уч кун бўлдик), Термиз
сайидлари қабрини зиёрат қилиб юргонда, Ҳаким Тер-
мизий мақбарасинда, худо ва сайидлар номин ўртага
қуйиб қасам ичаётган бир деҳқон йигитга беҳос дуч
келдим. У қўлида Қуръон, Ҳаким Термизий сағанаси ол-
динда тиззалаганча, шаҳар доруғаси ва бир навкарни
ўлдирмоққа оинт ичаётган экан. Ўрнидин тургандин сўнг,
эй йигит, нечун бир эрмас икки киши жонига қасд қил-
динг, деб сўрадим. У менга шаръий хотинини бир нав-
кар зўрлик билан олиб қочганин, шаҳар доруғаси эса
навкар ёнин олиб, ҳақорат қилганин айтиб берди. Хо-
тин ўз-ўзини ўлдирибди. Қасд олмоқ ниятинда навкар
билан доруғани сўймоқчи эркан. Мен, бу йўлдан қайт,
сени ҳам тутиб ўлдурурлар, дедим. У, ортуқ яшамоққа
тоқатум йўқдур, деди. Мен, бўлар иш бўпти, Термиз
доруғаси арзининг тингламагон эркан, Самарқандга
бориб, шикоят қил, зolimларнинг жазосин бергайлар,

деб маслаҳат бердим. Кўнгандай бўлди, ерга уруғ сой.
қондин сўнг борурмен, деди.

БИР САВДОГАР — Навкарлар ҳаддан бешмоқда-
лар. Улар карвонни манзилга тинч етказмоқ, йўлтўсар-
лардин ҳимоя қилмоқ ўрнига ўзлари ўғрилиқ қилурлар.
Учрағон қишлоқни босиб, дуч келган ҳовлини ташлаб
кетурлар.

ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ — Шаҳримиздаги миршаблар
ҳам алардин қолишмас, ўғриларни тутиб ўрнига, алар-
га шериклик қилурлар. Беклар эса кайфу сафодин ўз-
гани билмайдур. Хўроз уруштириш, қўчқор чўқиштириш,
қиморвозлик, майхўрлик аларга ота касбдек бир гап.
Камбағалларнинг сулув қизларига чанг солурлар, бач-
чавозлик қилурлар.

ДЕҲҚОН ПИГИТ — Ҳокимлар даҳа бошлиқларин
амалга тайинламоқ учун пора олурлар ёхуд айтгонни
бермасанг, мансабдан бўшатурмиз, деб амалдорлардин
ҳам пул олурлар. Амалдорлар эса, мансабни сотиб ол-
гонман деб, халқни талон-тарож қилишни уччига чи-
қарадур. Бир ҳисса пулини халқдин ўн барабар қилиб
оладур. Ҳеч кимса суриштирмас. Жарақ-жарақ пул,
қўш-қўш хотин, данғиллама ҳовли, хизматқору чўри-
лар... Қўлин совуқ сувга урмасдин подшолардек яшай-
дурлар.

ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ — Қай кунларга қолдик. Юрт
хукмдорларида диёнат қолмамин. Қиёматда тағри ол-
дида жавоб беришни ўйламагайлар... Кимнинг симу-
зари бўлса, анинг пичоғи мой устида. Олтини бор — ол-
тита хотини бор... Тағни бошқанинг хасмига ҳам кўз
олайтирадур. Бировнинг мингта қўйи бор, ўзи ўлгудек
бой, аммо камбағал қўшинисининг бор-йўғи битта эч-
кисига эгалик қилишни ўзига айб деб билмайдур. Би-
ровлар айшу ишратда, кайфу сафо қиладур, аммо кўп
сонли етим-есирлар, бева-бечоралар худди шул пайтда
бир бурда нонга зор бўлиб, қон йиғлагонин эсига ол-
мас. Ахир, Қуръонда мискинларга раҳм қилинг, деб
айтлмағонми? Шарият номидин иш тутувчи қозилар
экса, кўзбўямачилик, ҳийла, найранг, порахўрлик бил-
ла ўз нафсини тўйдирмоқдин бошқани ўйламайдур. Охир
замон яқин қолиб, қиёмат-қойим бўлса ажаб эрмас.

НАВОИИ — Кажрафтор замона деб шунини айтурлар.
Мен ёлғуз Хуросонда зулм, фисқу фужур алангаси авж
олгон деб қаттиқ янглишибмен, Мовароуннаҳр ўлкаси
ҳам андин қолишмас эркан.

ОҚ СОҚОЛЛИ ЧОЛ — Хўроз ҳамма ерда бир хил
қичқиради, деб бежиз айтмағонлар, ўғлим.

САВДОГАР — Сухбатимиз роса қизиб, дам олмоқ-
ни унутиб қўйдик, азизлар. Эрта тонгда йўлга чиқур-
миз. Навбатдаги қароргоҳ — Шаҳрисабз. Ул ерда уч-
тўрт кун бўлиб, Самарқандга борурмиз. Сафар олди-
ни бир ухлаб олсак, яхши бўларди.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

НАВОИЙ САМАРҚАНДДА

1-КҲРИНИШ

КИТОБ САВДОСИ

Самарқанд бозори манзаралари. Саххофлик дўқони. Навоий бозор
ералаб юриб, дўқон олдида тўхтади. Қўлёзма, китобларни кўздан
кечира туриб, бир байъга диққат қиладди.

НАВОИИ — Ажойиб бир китоб эркин, онда устоз
шоирларнинг гавҳармисол байтлари жамъ қилинмиш-
дур...

МИР ҚАРШИИ — Рост айтурсиз, мулло йигит, бул
байъда Амир Хусрав Деҳлавий, Салмон Соважий, Хожа
Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий каби маликул-калом-
ларнинг дурратул-тожга менгзайдургон латиф газалла-
ри битилмишдур.

НАВОИИ — Китобиянгизининг баҳоси неча пул турур,
мавлоно?

МИР ҚАРШИИ — Самарқанднинг хушнафас хат-
тотлариндин Муҳаммад Суғдий илки бида кўчирилган
бу дақиқ нусханинг баҳоси йўқдир. Аммо ул ҳазрат
пулга эҳтиёжманд бўлганлари туфайли, 50 тангадан кам
бўлмасун деб тайинлаб эрдилар.

НАВОИИ (чўнтагидан пул чиқаради ва санаб ту-
риб) — Ўттуз тангага рози бўлурмисиз?

МИР ҚАРШИИ — Китоб соҳиби элликдан кам бўл-
масун деганлар.

Шу пайт амир Барлосий Шаҳрисабзий уларга яқинлашиб,
сухбатини кузатади.

НАВОИИ — Бизда бори ўттуз тангадур. Сиз шул
ақчани олсангиз қолгонин сўнгги ҳафтада келтурурмен.

МИР ҚАРШИЙ — Сиз шеърга мухлис йигит кўри- нурсиз. Лекин китоб соҳибни пулни нақд олмоқчи эрдилар, шул сабабдир...

НАВОЙИ — Менинг сўзларимга ишонмасангиз, йи- гирма танга бадалига ушбу узукни қолдирурмен. Шарт шулки, они йўқотмагaysиз, ул онамдин қолгон ёдгор- ликдур. *(Бармоғидин узукни олиб узатади)*

МИР ҚАРШИЙ *(Узукни ола туриб)* — Хўп, мулло йигит, сиз, айтгандек бўлсун, қолгон 20 тангани мен ўз ҳисобимдин берурмен, узукни пулни олиб келганда қайтариб олурсиз *(у йигит танга ва узукни олиб, китобни Навоийга узатади)*.

АМИР БАРЛОСИЙ — Салом, Алишер!

НАВОЙИ — Китоб харид қилмоқдамен.

АМИР БАРЛОСИЙ *(Саххофга)* — Бул йигит зулли- сонайн шоир Алишер Навоий бўлурлар. Ул кишининг дилкаш ва ширин абёти Мовароуннахру Хуросонда ба- гоят машҳур. *(Навоийга)* — Бул киши Мир Қарший, Хатоний таҳаллуси била шеър айтурлар.

МИР ҚАРШИЙ — Э.. кечирурсиз, Алишер, танима- гонни сийламас, дерлар. Довруғингизни фақир ҳам кўп эшитганмен. Гойибона мухлисларингиздан бири деб бил- гaysиз. Узр, узр... Олинг *(Узукни қайтаради)*... Пул топганингизда ҳисоблашурмиз...

НАВОЙИ *(узукни олмайди)* — Йўқ, йўқ, бул узук сизда турсун. Акс ҳолда сиз мени қарздор қилиб кўюр- сиз.

АМИР БАРЛОСИЙ *(саххофга)* — Мана 20 танга. *(Навоийга)* Узукни қайтиб олинг.

НАВОЙИ — Илтифотингиз учун ташаккур. Ва лекин бул иш билан сиз мени қарздор қилурсиз. Аммо мен шул вақтганча кимсадин қарз бўлгон банда эрмасман. *(Мир Қаршийга)* Келгуси ҳафта ичинда, иншооллоҳ, пулингиз- ни келтуриб, узукни қайтиб олурман. *(кетади)*

2-КЎРИНИШ

ТАВОРУД

Навоийнинг Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасидаги ҳужраси Ичкарида Навоий Юсуф Андижоний билан суҳбатлашмоқда. Ҳужра эшиги очилиб, Суҳайлий кириб келади, у Навоий билан қадрдон дўстлардек кучоқлашиб кўришади.

НАВОЙИ — Хуш келибсиз, Шайх Аҳмад Суҳайлий, нечук шамоллар учурди?

СУҲАЙЛИЙ — Давлат хизматлари ила Ҳиротдин Самарқандга бормоқчи Султон Абусанд Мирзо буюриб эрди. Мирзодин ўғуллари Султон Аҳмад номига мак- туб олиб келмишмен.

НАВОЙИ — Ҳиротлик дўсту ёронлар соғ-омон бор- милар? Хусусан, падари бузруквор ўрнида мураббий- лик қилгучи Сайид Ҳасан Ардашер ва дўсти аржуманди- низ Паҳлавон Муҳаммад соғ-омонмилар?

СУҲАЙЛИЙ — Сайид Ҳасан Ардашер жаноблари яқинда Машҳад сафаридин Ҳиротга келмишлар. Паҳ- лавон Муҳаммад эрса Абусанд Мирзо саройинда муло- зимликни давом эттирур. Икковлари ҳам сизга кўпдан- кўп дуойи салом йўллаб, мана бу ақчаларни таҳсил учун зарурият ўрнинда ишлатурсиз, дея фақирдин бериб юбормишлар. *(Пул узатади)*.

НАВОЙИ — Ул жаноблар инсонийлик ва дўстлик юзасиндин фақирга ёрдам қўлин чўзмишлар. Ажзу ниё- зимизни аларга еткургайсиз. Ўрни келганда аларнинг бу ёрдамларини бирга ўн қилиб қайтармоқ ниятим бор. *(Пул солинган қопчиқни олади)*.

СУҲАЙЛИЙ — Ўзунгиздан ҳол-аҳвол сўрасак, аҳво- ли руҳиянгиз нечук? Мусофирлик гурбати дилингизга озор бермайдурму?

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Мусофир бўлмагулча му- сулмон бўлмас, деб айтмишлар улуғлар. Алишер ила бир навъ турмуш кечурумиз. Топгон-тутгонимизни ўр- тада баҳам кўрурумиз.

НАВОЙИ — Самарқандни фирдавсмонанд тасаввур қилгондин ҳам ортиқ бир шаҳар эркин. Эли ҳам меҳ- мондўст ва одабийликда мусалламдур. Шул жиҳатдан фақир бу шаҳарни ўз она шаҳримдек муқаддас ва та- баррук бир замин ҳисоблармен. Тўғри, аввалги вақт- ларда кимсасизликдан нотаниш шаҳарда баъзи мушкул- лотлар рўй берди. Баъзан тўқ, баъзан оч, қий жойга боришини билмай, мусофирликда сарсон саргавдон кезган онларим ҳам кўп бўлди. Гурбат аро ҳолим ёмон- дан-ёмон бўлса-да, мадраса ва хонақоҳлар остонасини ўзумга маскан қилиб, табиёт ва илоҳиёт соҳаларинда- ги таҳсилни қанда қилмадим. Шу кунларда толеъ ёр бўлиб, Самарқанднинг аъламул-уламоси Хожа Фазлул- лоҳ Абуллайсий тарбиятларинда бу ҳужрада сокинмен, ҳамхонам мулло Юсуф — андижонликдур.

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Мавлоно Абуллайсий бар- ча шогирдлар орасинда ёлғиз Алишерга ортуқ меҳр кўюб бул кишини «Фарзанд» деб мурожат қиладурлар.

СУХАЙЛИИ — Бул кўҳна жаҳон мавлоно Абуллайсий, мавлоно Сайид Ҳасан Ардашер киби зоти шарифлар нуриндан мунаввар бўлмағонда тубсиз бир зиндонга ўхшағон бўлурмиди?

НАВОИИ — Рост айтурсиз... Ҳиротда тагин не янгиликлар бор?

СУХАЙЛИИ — Ҳиротда зулм ва фисқу фужур аввалгидин юз чандон ортукроқ авж олмушдир. Абусанд Мирзо янги-янги номақбул солиқ ва фармонлар ила фуқаро жонига зулм ўткарур. Улуснинг тортган оҳу фиғони етти кўкдин ҳам ўтубдур. Илм даргоҳларинда аввалги файздин асар ҳам қолмаиш. Олиму фозиллар ва сўз майдонининг Баҳромдек чавондозлари хор-зордиққа маҳкум этилган. Шохруҳ Мирзо ва Абулқосим Бобур замонларинда балқиган маърифат ва нафосат қуёши бугун қаро тўфроққа бош қўймушдир. Ва билъақс Сизнинг Ҳиротдан Самарқандга келмоғингиз ҳар жиҳатдан мақбул иш бўлмишдур. Ҳиротлик барча дўсту ёронлар ҳам шул фикрдадур.

НАВОИИ — Ҳиротдин Самарқандга йўл олғонимда устоз Саид Ҳасан Ардашер Машҳадга кетиб эрдилар. Ул киши бул сафар важҳларидин билмасдин ташвиш чекмасинлар деган ўй ила ҳасби ҳол усулинда бир мактуб бериб эрдим. Аммо нишончли бир одам бўлмағонидин, бул мактубни қандай еткурсам эркин деб билиш иложин топишда ожиз эрдим. Шул мактубни сиздин бериб юборсам ва Ҳиротга қайтишда ул зотнинг ўз қўлларига топширсангиз. *(Токчадаги китоблар орасидан бир тўда қогозлар солинган мактубни олади ва Сухайлийга узатади).*

СУХАЙЛИИ — Бош устига, Алишер не хизматингиз бўлса, жон-дилдан тайёр бизлар *(мактубни очиб ўқий бошлайди).*

Сано ҳаққаким, қошифи ҳол эрур
Хирад мушкilotига ҳаллол эрур...
Бировга неча гурбат изҳор этиб,
Чу бир ерда кўптурғузуб, хор этиб,
Сафарин тамуғдин нишон айлабон
Тамуғ ранжин андин аён айлабон...
Мангаким видодинга хурсандмен,
Жанобингга шогирду фарзандмен,
Ғаме етти чархи жафо пешадин.
Ҳам ул анжуми хориж андишадин
Қи бўлмоқ ватан ичра душвор эди.
Қўнғилга жало дафъи озор эди.

Сафар тушти оллимга беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр?
Яна бир буқим зоҳир ўлмиш манго,
Қи чиқмиш Хуросон элидин вафо.
Дема мулкким вахшатобод зишт,
Тамуғ билгуруб ғойиб ўлғоч биҳишт.
Не эл, не киши балки шайтону дев
Келиб барчага даъб бедаду дев.
Манга бу эл ичра не бир ҳамдаме,
Қи бир дам иковлон дейишсак ғаме.
Не шохки, топса ишим ихтилол
Мадихига кўргузгамен иштиғол
Не бир аҳли давлатдин онча умид.
Қи андин наво топса бир ноумид.
Сен эрдинғки, ҳар ишда ёрим эдинг,
Не ғамким етар, ғамгусорим эдинг.

НАВОИИ — Бул байтлар бобини вафония, зохири саҳоандеша вафову саҳр кони устод Сайид Ҳасанга биддур.

СУХАЙЛИИ — *(Ўқишни давом этади).*

Сени ҳам синеҳри муҳолиф мазоқ
Ўқуш рев ила солди мендин йироқ
Бировгаки юз қўйса мунча бало,
Не бўлғай онинг чораси жуз жало?
Заруратки, ясаб сафар баргини
Тушуб йўлга қилғай ватан таркини...

Хуросону Ҳиротда Абусанд зулмининг ҳаддин ошқонин, улуснинг сабр косаси лиммо-лим тўлғонин рўй-рост битибсиз, Алишер. Шул жиҳатдин бул маснавий ҳақинда бир сўз дейишдин лолмен. Онда сиз Самарқандга келиш сабабларин рўй-рост ёзибдурсиз. Қадим-ул-айёмдин шу кунга қадар ўтган шуаро ўз замонаси ҳақинда Сизчалик очик ва равшан ёзмабдур. Бул мактуб Абусанд қўлига тушса, Сизни ҳибсга олмоқни буюрар ва бул ҳаққоний сўзларингиздин бошингизга бало орттирмасангиз деб кўрқурмен.

НАВОИИ — Эҳтиёт шарт тадорукни кўруб, бил маснавий ҳар кимдин сир тутулур эрди. Ўйларменким, уни Сиз ҳам, устод Саид Ҳасан ҳам сир тутғайлар. Акс ҳолда...

СУХАЙЛИИ — Акс ҳолда Абдусанд хуфъялари Сиз ҳақинда бул мактубдин қимматлироқ совға топа олмаслар.

НАВОИЙ — Сизга ва устодга ўзимга ишонгандек ишонурмен.

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Султон Аҳмад Мирзо ҳам Алишер орқасиндан жосус қўймишдур.

НАВОИЙ — Бул ҳақда Самарқанд волииси Аҳмад Ҳожибек фақирни огоҳлантирмиш. Шул сабабдин, жосуслардин сақланмоқ мақсадинда бегона давраларда сиёсат ҳақида ортук сўз айтурдин ўзимни тийурмен.

СУҲАЙЛИЙ — Аҳмад Ҳожибекни фуқаропарвар ва маърифатпарвар амирлардин деб эшитурмен, шул гап рост эркин-да?!

НАВОИЙ — Ҳа, ул амир фақирга кўп илтифот кўргузар.

СУҲАЙЛИЙ — Султон Аҳмад Мирзонинг ҳам ўз отасидек зolim ва жоҳил эрмаслиги ростми?

НАВОИЙ — Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлмиш бул Мирзони унчалик синамадим. Аммо салтанат ишларин Султон Аҳмад Мирзо номиндин Аҳмад Ҳожибек олиб борур. Айтишларича, Султон Аҳмад Мирзо таъин шеър айтишга мойил эрмиш. Фақир ҳозиргача ондин ёмонлик кўрмамишмен, қолгонини таъгри таоло билур.

СУҲАЙЛИЙ — Замона зайли ила Султон Аҳмад Мирзо отига бир қасида битмишмен. Абдусанд Мирзо мактубин топширмоқ чоғинда шул қасидани шоҳга тақдим этмоқчи эрдим.

НАВОИЙ — Замон шоҳларинга қасида битмак азалидин қолгон бир одатдур. Аҳли шуаро шеърнинг бул жинсини мол-дунё орттирмоқ мақсадинда истифода қилурлар. Шул жиҳатдин кўп ёлгон сўзларни рост қилиб битурлар. Хусусан, Бухтуннасердек зolim шоҳларни Ануширвонни одил деб мадҳ этурлар. Жухуд Қорундек хасисларни араб элининг сахийлик ва карамда ном чиқарган Хотами Тойга нисбат берурлар. Айрим қасидалардаги зolim ва фосиқ шоҳларга ташбеҳ берилмиш Фаридуни замона, Рустами дoston, Афлотуни Соний каби ёлгон сифатларни жиним суймайдур.

СУҲАЙЛИЙ — Фақирнинг қасидаси бу сифатлардин холидур. Қасидада фақир Султон Аҳмад Мирзони ва маърифат ишларин ривожлантирмоқ ва шул асосда дунёда яхши ном қолдирмоққа чорлаббиз.

НАВОИЙ — Мақсадингиз олижаноб эркандур, қутлаймен. Бул яхши сифатлар Самарқанд шуародарининг сарвари туркигуй маълумо Саккокийнинг Улугбек Мирзога бағишланган қасидаларинда шоеъдурурки, шул важдин фақирнинг ул зотга ҳурмати бениҳоятдур. Аммо

фақир фақир Улугбексифат шоҳларни ҳаётда учратмағонлиги учун замон шоҳлари ҳақинда қасида айтишдин ўзимни тийурмен. Инчунунким Абдусанд Мирзо номига қасида битмоқ дўзахни жаннат демоқ ила баробардур! Хўн, қани, қасидангиздин баҳраман қилинг. *(Суҳайлий қасидасини беради.)*

НАВОИЙ *(Ичида ўқий бошлайди. Пауза)*. — Яхши *(Пауза. Дуруст...)* Қасидангиз мойси сўз гавҳарлари ила безалмишдур. Ва лекин ул ҳали ниҳоясига етказилмабдур.

СУҲАЙЛИЙ — Шул фикр фақирнинг ҳам кўнглидин кетган эрди...

НАВОИЙ — Қасиданинг насибу сабабу мадҳ қисмлари мақсадга мувофиқ эрса-да, хулоса қисминда васф этилмиш. Султон Аҳмад Мирзонинг исмига зийнатлангон байтлардин сўнг яна бир янги байт орттириш лозимки, аввалги байтлардаги фикрлар бир-бирлари ила занжирдек боғлансин.

СУҲАЙЛИЙ — Фақир ҳам шул ҳақда неча бор урундим, аммо кутилгон натижа муяссар бўлмайдур.

НАВОИЙ — Ундай бўлса, мен ҳам ўйлаб кўрайин, сиз ҳам фикр этингиз... *(Хонтахта устидан ҳар иккала-си ҳам қогоз-қалам олиб, хаёлга чўмишади ва бир байтдан ёзиб бир-бирларига узатишади. Навоий Суҳайлий ёзган байтни ўқийди.)*

Баҳори боғи жавони, ниҳоли гулшани адл,
Гули риёзи карам, саври жўйбори виқор.

(Завқланганидан қарсак чалиб юборади ва Суҳайлий кўлини қисади.) Қутлаймен, дўстим. Таворуд, яъни бир хиллилик содир бўлмишдур.

СУҲАЙЛИЙ — *(ҳаяжонланиб, Навоий ёзган байтни ўқийди.)*

Баҳори боғи жавони, ниҳоли гулшани адл,
Гули риёзи карам, саври жўйбори виқор.

Яъни ул йигит боғининг баҳори, адолат чаманининг ниҳойидур. Сахийлик гулзорининг гули, виқор анҳорининг сарвидур. *(ҳайратланиб)* Во ажабо, ажиб бир таворуд, айнан бир хиллик-ку! Байтларимиздаги бир сўз ҳам айрича тушмабдур.

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ *(Ҳайрат билан)* — Дилб бирнинг тили ҳам бир деб шунини айтурлар...

лаво, кўнглунгизга сабр тилармен, *(Ўрнидан туради, барча кўзгалишади)*

АЪЛОИИ ШОШИИ — Йўқлаб келгонларингиз учун чин дилдан миннатдормен. Синган оёғим бутгандек енгил тортдим. Ташаккур, ташаккур. Тағин ташриф буюриб, суҳбати анжуманлардин дариг тутмағайсиз деган умиддамен, Хожа.

Меҳмонлар хайрлашиб чиқиб кетишади.

АЪЛОИИ ШОШИИ ШОГИРДИ — Устод, ҳиротлик йигит бир рухъа-қолдиргондек бўлди *(Тўшак остидан қогозни олиб узатди.)*

АЪЛОИИ ШОШИИ — Камган ва камтар йигит эркандур, нелар ёзибдур? *(Ўқийди)*

Дур обод аз ту дарди заҳмати по,
Душманатро бало насиби ано.

(Иккинчи мисрани яна секин ўқийди)

Душманатро бало насиби ано...

Бул йигит филбадиҳа муаммо битибдур ва ажиб бир санъат ила исмимизни Аъло сўзинда яширмишдур ва дардимизга ҳам тезроқ шифо тилайдур.

ШОГИРД — Бул муаммо қандай очилур, устод?

АЪЛОИИ ШОШИИ — Иккинчи мисраъдаги «бало» сўзиндин «ло»ни ва «ано» сўзидин «айн»ни бир-бирига қўшсак, «аъло» исми келиб чиқур. Бу не маҳоратдур?! Тағин филбадиҳа, ҳеч бир тайёргарликсиз айтибдур, закий йигит эркин. Биз бул йигитга эътибор қилмагон эрдик. Опи тезда қайтаринг. *(Шогирд зудлик билан хонадан чиқади)* Бул манзур шеърга жавоб ёзмақ керак *(қогоз-қалам олиб ёза бошлайди)*.

Чашми ту маро диду манаш сер унимдан,
Чун сер бубинам, зу ту ин аст умидам,

яъни сенинг кўзунг мени кўрду-ю мен уни тўйиб кўра олмадим. Сен билан тўйиб суҳбатлашини менинг умидимдур. Байтдаги «чашм»и, «маро» ва «сар» сўзлариндин исқот усули воситасинда Алишер исми ҳосил бўлғайки, бул муаммо онинг байтига жавоб ўрнига ҳам ўтгай.

ШОГИРД — Меҳмонлар узоқлашиб кетмишлар, ортлариндин ета олмадим.

АЪЛОИИ ШОШИИ — Афсус, афсус, кўп чакки ин бўлибдур. Ул йигит бизга гоят манзур бўлди ва кўнгл-

димиз онинг муҳаббатиндин тўлди. Ва бул муаммони Хожа Фаазуллоҳ мадрасасинга бориб, ул йигитнинг ўз қўлига тоширунг ҳамда Улуғбек мадрасасининг эшиклари шул кундин эътиборан йигит учун ҳар дам очик деб, фақирининг маърузаларинга ул йигитни таклиф қилинг...

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

1-КЎРИНИШ

СУЛТОН АХМАД МИРЗО САРОВИДА

Султон Аҳмад Мирзо саройи, Тахтда Султон ўтирибди. Енида Аҳмад Хожибек, амирлар, муавзинлар, навкарлар. Навоий бир деҳқон йигитни бошлаб миради. Йигит тахт олдига бориб чўккалайди.

ТЕРМИЗЛИК ЙИГИТ — Арзимга стиб, ҳақиқат қилинг, улуғ султон!

СУЛТОН АХМАД — Не шикоятинг бор, сўйла!

ТЕРМИЗЛИК ЙИГИТ — Айтишга тил бормайдур. Мени Термиздин бу ерга келиб арз қилишини бул киши маслаҳат берган эрдилар *(Навоийни кўрсатади)*.

НАВОИИ — Бул йигитни Жайхундин ўтиб Термизда кўнганимизда учратдик. Бир навкар бул йигитга қулоқ эшитмаган зулм қилибдур, доруга онинг лодига етмак ўрнида йигитлик шаънига ҳақорат ва мазах қилибдур. Шул сабабдин сизининг даргоҳи олийингизга келиб, арз қилмоқни маслаҳат берган эрдик.

АХМАД ХОЖИБЕК — Не ҳол юз берди?

ЙИГИТ — Мен айтмай, сиз эшитманг, улуғ амир. Беклар ва навкарларда инсофу адолат ҳам, диёнат шарму ҳаё ҳам қолмабдур. Деҳқончилик ила кун кўрурмен, хотиним ила турмуш қургонимга энди бир ой бўлгон эрди. Бекнинг бир навкари унга кўз олайтирди. Ул Термиз доругасига сарбозлик қилур.

БИР АМИР *(Луқма ташлайди)* — Гапни қисқа қил, Султоннинг қилодургон ишлари бошдин охиб ётур...

НАВОИИ — Сўзини бўлмаг, амир, йигитни Термизда тингламайдурлар, Самарқанд шаръат паноҳидур деб олис йўлдин бир ҳафта йўл босиб, адолат истаб келмишдур.

СУЛТОН АХМАД — Давом эт, қулоғим сенда!

ЙИГИТ *(Ғазабланиб)* — Доруга сарбозлариндин бўлмиш ўшул ит ўғли далада кўш ҳайдаётган пайтим-

да уч-тўрт ўзига ўхшаш кўппаклар ила уйимга бостириб кириб, хотинини олиб қочибдур. Қўшилардин бул ҳоли биллиб шаҳар доруғасига бордим. Ул бетафиқнинг жазосин бериш ўрнига:

— Хотининг ила қанча фурсат бўлдинг, — деб сўради.

— Бир ой бўлдим, тақсир, — дедим.

— Сен бир ой турғон бўлсанг, ул навкар ҳам бир ой бўлса, хотинингнинг бир ери каммас, — деб масхара қилди. Шул ҳам диёнат, шул ҳам шарият бўлдимми? Одил ҳукминингидин умидвормен, ул доруға ила навкарнинг жазосин берсангиз *(Йиғлайди)*.

НАВОИЙ — Бул йигит тагин бир хунук тагин айтмади. Орадин уч кун ўтгач, йигитнинг хотини помусга чидай олмай, ўз-ўзини осиб ўлдирмушдур. Навкар ила доруға ул бегуноҳнинг қонига ҳам зомин бўлмишлар.

АҲМАД ҲОЖИБЕК *(Султон Аҳмад Мирзога)* — Шохим, буюрсангиз, шайхулислом маҳкамасиндин тўрт киши қози Хожа Себак бошчилигинда зудлик ила Термизга етиб боришсин. Бул ишни тафтиш қилиб, йигит айтган сўзлар рост бўлса, доруға ила навкарни ҳибсга олиб, Самарқандга келтурсунлар. Қилмишларига яраша жазоларин бермоқ даркордир. *(Термизлик йигит қуллуқ қилиб чиқиб кетади)*

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Камномосиз, Алишер. Аҳволингиз нечук? Ҳовлимизга ҳам кам ташриф буюрасиз.

НАВОИЙ — Сояйи давлатларинда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасинда таҳсил олмоқдамен.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Рўзгорингиз қандай кечмоқда? Биз тарафдин ёрдам керакмасму?

НАВОИЙ — Илтифотингиз учун ташаккур. Саховатли устодлар ва вафодор дўстлар ёрдаминда рўзгоримиз бир навъ ўтуб турур.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Сизнинг нозик табъ ва тортинчоқ эрканлигингиз, маълум ва машҳур. Самарқанддек шаҳри азимда ҳар қадамда ақчага муҳтожлик сезилур. Бул масалада ёрдам илгин чўзишга ҳаминша тайёр-биз.

НАВОИЙ — Ташаккур, Аҳмад Ҳожибек. Ҳозирча бул ёрдамга зарурият сезилмайдур.

СУЛТОН АҲМАД — Балким, Алишерни саройга мулозимликка таклиф қилурбиз?

НАВОИЙ — Ташаккур, давлатпаноҳ, валекин саройда раёсат ва сиёсат юмушларин қилмоққа тайёр эмасмен.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Амир Барлосийнинг айтишла-

ринга қараганда, сиз пулга муҳтож кўринурсиз. Алалхусусе, баъзи китобларин сотиб олмоққа ақчангиз етмай қолибдур ва ул киши сизга ёрдам бермоқчи эрканда, рад қилибсиз.

НАВОИЙ — Дарвоқеъ, бу ростдур, ёшлик чоғимдин бировдан қарз олгон банда эмасмен. Кимсадин қарздор бўлмоқни ўзумга номуюсиб деб билурман.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Ҳар ҳолда давлатпаноҳ шаҳарда айтганлариндек, сизни саройга ёхуд шаҳардаги маҳкамалардин бирига мулозим этиб тайиниласак, яхши бўлур эрди, ваҳҳи рўзгор учун тайин бир маош олур эрдингиз.

НАВОИЙ — Самарқандга келмакдин мақсад таҳсил олмоқдур. Маҳкама ишлари таҳсилга халал бермасму?

АМИР БАРЛОСИЙ — Шул хусусда менда бир таклиф бор, улуғ амир!

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Нечук таклиф?

АМИР БАРЛОСИЙ — Алишер, рози бўлсалар, ҳафтанинг бир кунинда бизникига таҳсилдин сўнг ташриф буюриб, фарзандларимизга бадият илми ва мусиқадин сабоқ берсалар. Ва хизмат ҳақларинга биз рўзгор ва таҳсилларига етажак бир маош тайин қилсак.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Яхши таклиф. Сиз не дейсиз, Алишер?

НАВОИЙ — Агар ҳафтада бир кун бўлса розимен, фақат таҳсилдин холи пайтларда, номозшомга яқин борурмен.

АМИР БАРЛОСИЙ — Қай вақтга десангиз биз розимиз.

Парда

2-КҲРИНИШ

САҲХОФ ДҲКОНИДА

Мир Қаршийнинг саҳхофлик дўкони. Шонрлар, олимлар йиғилган.

МИР ҚАРШИЙ — Бугунки, аҳли зурафо анжуманига Мавлоно Алишер Навоийни таклиф қилгон эрдик, нечукдур ул киши мажлисга кечикадур *(шу пайт Навоий кириб келади. Ҳамма ўрнидан туриб уни қарши олади)*.

Хизрни йўқласак бўлур эркин, мана ўзлари ҳам ташриф буюрдилар.

НАВОИЙ — Баъзи юмушлар ила андак кечикдим. Маъзур тутгайсизлар.

МИР ҚАРШИЙ — Мавлононинг янги ёзган шеърларинини эшитмак умидинда муштоқмиз.

НАВОИИ — Туркий тилда янги бир ғазал битиб эрдим. Ижозатингиз биле ўқусам.

(Ғазал ўқийди)

МИР ҚАРШИИ — Қойил, қойил, ана ғазалу маъна ғазал, нисбатлар яхши топилмушдур. Ташбеҳларингиз янги ва гўзалдур ва туркона воқеъ бўлубдур.

БИР ШОИР — Офарин, мавлоно Навоий, хўп чош-нилин шеър битибсиз.

ЯНА БИР ШОИР — Мавлоно мураккаб санъатлардин ҳам кўп ва хўп қўллабдурлар.

МИР ҚАРШИИ — Туркий тилда ҳам бу навъ латиф ва ширии абётлар кўп воқеъ бўлур. Аммо аҳли замон шуароси кўпроқ форсий тилга ружуъ қилғайлар ва туркий назм дурларин илға тизмакни қўлдин келмас бир иш ҳисоблағайлар.

ГАВҲАРИИ — Алаҳхусус, форс лисони турк тилидин нафис ва жарангдордур. Замонларининг машҳур шоирлари бу тилда шундай гўзал бадиялар ижод қилмишларки, ўзга тилларда ёзгувчилар қалами бул дурри ятимлар олдинда эшакмунчоқдек қадрсиздур. Шул бонсалар ўз она тилларин қўюб, форсий тилда ғазал битурлар.

НАВОИИ — Форсий тилининг нафис эрканлигига шакшубҳамиз йўқдур. Фақир ҳам «Фоний» таҳаллуси ила бу тилда ғариб бир нималар битур. Аммо, фикри ожизмча, турк тили ҳам форс ва араб тилларининг ҳеч қолишмайдур. Аксинча, баъзи жиҳатларда туркий тилда бор нозуқликлар форс тилинда кўринмайдур.

ГАВҲАРИИ — Яъни, масалан?

НАВОИИ — Форс тилинда «смак»ни ҳам, «ичмак»ни ҳам «хўрдан» лафзи биле айтурлар. Турк тилинда эрса алар айрича, ўз ҳолинда айтиладур. Тағин «ичмак» лафзининг «сипқармоқ», «тамшанмоқ», «ўксинмоқ» каби ўилаб назик маъноларни ифодаловчи лафзлари ҳам борки, бул маъноларни айтишда форсигўй шуаро ожиз қолурлар, ичунун:

Соқие тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин
борай.

Шарт букми, ҳар неча тутсанг лаболаб
сипқорай, —

байтидаги «сипқорай» сўзин форсий забонда ифода-моқ мумкинми?

ГАВҲАРИИ — Булар бир оддий сўзлардир. Ва ле-

кин форсий тилда шундай нодир жавоҳирлар хазинаси манжуаки, турк шуароси икки дунёда ҳам бул хил хазиналар эшигига йўлай олмайдурлар.

МИР ҚАРШИИ — Қайси хазиналарни кўзда тутурсиз, мавлоно Гавҳарий?

ГАВҲАРИИ — Шайх Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийларнинг «Панж ганж»лари, тақсир.

БИР ШОИР — Сиз айтмоқчи бўлган шул «Панж ганж», яъни «Хамса»ларни ижодкорлари қайси жинсга мансуб эрканликлари билурмисиз, мавлоно?

ГАВҲАРИИ — Тўғри, Шайх Низомий ҳам, Амир Хусрав ҳам турк жинсидандур. Аммо улар ўз тилларида шеър битмай, форс тилинда битмишлар-ку! Бинобарин, бул форс тилининг шеър тили эрканлигига бир далил эрмасму?

НАВОИИ — Фикри ожизмча, шеър ва шуаронинг қайси тилда шухрат тоғони замона зайли ила бунёд бўлмишдур. Хусусан, давлат ва тожу тахт араб султонлари илкинда бўлгонда, араб тилидаги шеърят бисёр ривож топди. Форсу турк ва бошқа жинсдаги фозиллар шул лисон ила қалам тебраттилар. Вақтлар ўтуб, салтанат асоси форс салотинлари тасарруфига ўтди. Шунга биноан форсий тилдаги шуаро зухур топиб, машҳур шоирлар майдонга чиқди. Низомий ва Амир Хусрав ҳам алар жумласидандур. Соҳибтахтлик Хулағухон замонининг бошлаб, хусусан, Султони Соҳибқирон Амир Темури Кўрагон ва анинг ўғлонлари қўлига ўтгандин сўнг туркигўй шуаронинг ижодият боғи гулга кира бошладилар. Мавлоно Саққокий ва Мавлоно Отоий, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Гадоий, Мавлоно Ҳайдар Хоразмий ва бошқа туркигўй шоирлар шеърлари шухрат топиб, алар орасинда Мавлоно Лутфий девонинда туркий тил ва туркиёна услуб ажиб бир камолга эришмишки, фақир онинг муборак девонини форсигўй Хожа Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Камол Хўжандий девонлари қаторинда кўрурмен.

ГАВҲАРИИ — Аммо лекин сиз айтгон туркигўй шуаронинг ҳеч бири «Хамса»дек беш муаззам қаср бунёд эта олмадилар. Фирдавсийдек «Шоҳнома» майдонинда Рустам дoston бўла олмадилар.

НАВОИИ — Тағри таоло тавфиқ берса, туркий тилда битилган «Хамса»нинг ҳам шоҳиди бўлурсиз. Агар Ҳазрат Низомий ўз муборак «Хамса»ларини ўттуз йилда битгон бўлсалар, фақир учун туркий «Хамса»ни битмакка ўттуз ой кифоя қилур.

ГАВҲАРИЙ — Лоф ҳам эви билан-да!

МИР ҚАРШИЙ — Туркий «Хамса»ни ёзишга аҳд қилдингизми, Алишер?

НАВОИЙ — Ҳозирда «Хамса» битишга ўзумни тайёр эрмас деб билурмен. Аммо шул мавзуда дostonлар битиш хаёли ҳам бегона эрмасдур. Туркий улус лисонини яққалам қилмоқ одий шиоримдур.

МИР ҚАРШИЙ — Бул ишда Оллоҳ таоло ёрингиз, туркий улус иштиёқи мададкорингиз бўлсун; омин (*Гавҳарийдан бошқа ҳамма омин ўқишади*).

ГАВҲАРИЙ — Ҳолва деган билан оғиз чучимайдур; деганлар. Низомийдек, Амир Хусравдек шеърят паҳлавонлари ила кураш тушаман деб тағин белингиз майиб қолмасин, Алишер!

НАВОИЙ — Рост айтурсиз, Мавлоно, кураш ҳадисини ўрганмоқ учун ҳозир устодлардин таҳсил олмоқдамен.

МИР ҚАРШИЙ — Алишердек шеърят султониға нечук бир хил бадгўйлик қилурсиз? Ул киши бул ишга қасд қилдиларми, албатта улдасидин чиқаду. Иншооллоҳ, яқин фурсат ичинда ўз туркий «Хамса»син битиб, туркиёна шеър лашкарлари ила жаҳонни фатҳ этишларига имонимиз комил. Ўшанда тирик бўлсак, ким кимнинг белин синдирганин гувоҳи бўлурмиз. Ўзингизнинг белингиз сиймасе деб қўрқармен...

3-КЎРИНИШ

САБОҚ

Самарқандда безатилаган хона, Амир Барлосий Навоийни хонага таклиф қилади.

АМИР БАРЛОСИЙ — Ўз уйингиздек тортинмай кираверинг, Алишер!

НАВОИЙ — Ташаккур! (*Ичкарига киради*).

АМИР БАРЛОСИЙ — Қани, нонга марҳамат қилсилар. (*Хизматкор нон синдириб, чой узатади*). Алишер келишганимиздек, бугундин бошлаб фарзандларимизга мураббийлик қилурсиз. (*Хизматкорга*) Аларни чақиринг. (*Болалар салом бериб кирадилар*) Мана улар (*кўрсатиб*). Мана буниси Дилшодбек, униси Комронбек, саводлари чиққан бўлса-да, илми саноийи ва шеър нозукларини тушунимоққа тишлари ўтмайдур. Фақирнинг қизи мусиқага иштиёқи баланд бўлгондин, мусиқа фани борасинда онга устодлик қилгайсиз. Зероки, Улуғбек Мирзо айтганларидек, илм ўрганиш ҳар бир

ақил-қиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билурмен. Шул жиҳатдин фарзандларимизни ўзунгизга бир шоғирд деб билгайсиз¹. Қўшин хонада машғулотларингиз учун махсус жой ҳозирладук.

НАВОИЙ — Тузунгиз учун ташаккур, сабоқни бошлашга рухсат этсангиз.

АМИР БАРЛОСИЙ — Марҳамат, марҳамат.

Навоий ўрнидан туриб, болалар билан қўшини хонага ўтади. Хонадаги тоқчаларда китоб терилган, мусиқа асбоблари осиб қўйилган. Хонанинг бир четига зарҳал кашта тикилган мовий бир парда осилган. Парда орқасида Амирнинг қизи ўтирибди.

НАВОИЙ — Хўш, ўғлонлар, қайси мактабда ўқурсизлар?

1-БОЛА — Сўзангарон маҳалласиндаги Мулла Утабинг мактабинда.

НАВОИЙ — Шу кунларда не сабоқларни ўрганмоқдасиз?

1-БОЛА — Ҳафтиякни ёд олурмен.

2-БОЛА — Абжадни ўрганурмен.

НАВОИЙ — (*1-болага*) Қайси сурага келдингиз?

1-БОЛА — Таборак сурасига.

НАВОИЙ — Домулло яна қайси китобларни ўқиладур?

1-БОЛА — Насрдин Шайх Саъдий «Гулистон»ин ва назмдин Хожа Ҳофиз девонин. Яқинда бошладик.

НАВОИЙ — Бугундин эътиборан, мен сизга шеърят илмининг сабоқ берурмен. Хўш, шеър деб нимага айтиладур? Ва бул сўзнинг маъноси недур?

1-БОЛА — Билмасмен, тақсир.

НАВОИЙ — Шеър деб вазн ила рост бўлгон мавзун бир каломга айтурларким, бул сўзнинг лугавий маъноси арабча «билмоқ» феълиндандур. Шул боис шеър деганда улусга янги бир нарсани билдирмоқ, янги фикрлар яратиб, аларни халққа тарғиб қилмоқни тушунимоқ даркор. Бул янги фикрлар шеърини санъатлар воситасинда чиройли бир либосга ўранмоғи лозимки, ўкугон ёхуд эшитгон одам ондин лаззат ҳам ола билсин. Шоир эрса ана шу янги дақиқ маъноларни нафис либос ила кашф қилувчи кишидур. Қани, Ҳофиздин бир шеър ўқи-чи?

1-БОЛА — Ёд олмабман, тақсир.

НАВОИЙ — Ҳеч шеър билмасмисан?

1-БОЛА — Билурмен.

¹ Муаллиф ушбу асарни битайтган даврдаги мафкуравий назарияни ҳисобга олган ҳолда ҳадислардаги бу фикрнинг Улуғбекка нисбат берган бўлса керак — муҳаррир илоҳи.

Ариқ бўйида жийда,
Жийдани гули майда.

НАВОИИ — Яхши-яхши, бул болалар айтадурғон қўшиқлардин эркин, Сен ҳам қўшиқ билурмисен?

2-БОЛА — Рўза кунзарида акам ва қўшни болалар ила мойрамазон айтурмен. Яна... тўйларда айтиладурғон ёр-ёр-ёронейларни ҳам билурмен.

НАВОИИ — Қани, бир банд айт-чи.

(Бола ёр-ёр-ёроней айтади)

НАВОИИ — Яхши-яхши, бул байтларнинг барчаси халқ услубида бармоқ вазнидадур ва алар шоирлар айтадурғон арузга рост келмайдур.

ПАРДА ОРҚАСИДАГИ ҚИЗ — Ёр-ёрнинг аруз ила рост келадурғон хиллари ҳам бор, устод.

НАВОИИ — Тўғри айтурсиз, аммо қайси хилларин назарда тутурсиз?

ҚИЗ — Чунончи:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушди ўт жоним аро, ёр-ёр.

Ҳажазин мусаммани мақсур вазнидадур ва ани дутор ёхуд танбур куйига мослаб айтса бўлур.

НАВОИИ — Дуторда эшитайлик.

ҚИЗ — (Дутор чалиб, юқоридаги байтни қўшиқ қилиб айтади).

НАВОИИ — Ёқимли овозингиздин нафақат биз, балким Зухро сайёраси эшитганда ҳам ҳайратдин бармоқ тишлаш даражасига етур эрди.

1-БОЛА — Бул аруз деганлари недур, устод?

НАВОИИ — Бул вазини билмоқ учун машҳур ғазаллардин кўп шеър ёдламоқ даркордур. Ҳозирча сизларга топшириқ. Мавлоно Лутфий ва Амир Хусрав Деҳлавий девонлариндин ҳар бирингиз келгуси машғулотга қадар 10 тадин ғазал ёд олурсиз. Оғирлик қилмасму?

1-БОЛА — 10 тадин ғазал? Кўп эрмасму, устод?

НАВОИИ — Шеърят илмининг устодлариндин Низомий Арузий Самарқандий айтмишларки, шоир бўлмоқ ва шеърни тушуноқ учун қадим шоирларнинг 50 минг ва замондаги шоирларнинг ҳам 50 минг жами юз минг мисра шеърин ёд олмоқ зарур. Киши болалик чоғида хотираси ўткур бўладур ва ёд олғон шеъри бир умр ҳофизасига муҳрланиб қоладур. Шул сабабли ҳар иккингиз ҳам келгуси ҳафтага 10тадин ғазал ёд олингиз. Буа 70—

80 байтга тўғри келадур ва иқтидорингизга оғирлик қилмайдур. Аруз ҳақида ёд олғон ғазалларингиз асосинда сабоқ берурмиз. Келишдикми?

БОЛАЛАР — Ҳаракат қилурмиз, устод.

(Навоий болалар билан хайрлашиб чиқиб кетади)

Парда

4-КЎРИНИШ

БИР БАЙТ ТАҲРИРИ

Туп. Осмонда юлдузлар чарақламоқда. Навоий кўча айланиб юриб, уч-тўртта кишига дуч келади.

МИРЗО ХОЖА СЎҒДИЙ — Мавлоно Алишер, бул қоронғу тунда не қилиб юурсиз?

НАВОИИ — Сокин кечаларда Самарқанд кўчаларин айланмоқ одатим бор. Шаҳрингизнинг чароғон юлдузларга тўла осмони ажиб бир сеҳр ила мени маҳлиё қилладур.

МИРЗО ХОЖА СЎҒДИЙ — Юлдузлар, юлдузлар... Қоинотнинг фусункор тилсимлари. Шул юлдузлар сирин очгани учун Мирзо Улугбекни даҳрий деб эълон қилдилар. Дарвоқе, Мирзо Улугбек расадхонасинда ҳам бўлдунгизми?

НАВОИИ — Уч-тўрт марта бўлдум, ҳар борғонимда айрича бир тасаввур уйғотур. Уч ошёнлик муаззам бино экандур.

МИРЗО ХОЖА СЎҒДИЙ — Мирзо Улугбек буйруғи ила расадхона ичин шундай безамишларки, томошо қилғон одам қоинот бағрида сузиб юрғондек бўлур. Деворларга сайёралар ва собит юлдузлар нақши ҳайратомуз бир дид ила зийнат этилмишдур.

НАВОИИ — Аммо бул кун Мирзо ишларин ул устодга муносиб равишда давом қилладурғон бир мард ўғлон топилмайдур. Шул боис расадхонада илм таҳқиқи ила шуғулланмас эрканлар. Афсус, минг афсус бўлсинким, замонамизда бул зарур ишларга етарли эътибор берилмайдур.

РИЁЗИЙ — Алишер, Сизнинг шеърят бобиндаги таърифингизни эшитиб, учрашмоқ орзусинда эрдик. Орзуимиз ушалғонидин ҳурсандмен.

МИРЗО ХОЖА СЎҒДИЙ — Бу киши Риёзий Самарқандий бўладурлар. Ҳам шоир, ҳам қотиблида машҳур. Ётти қалам била хатни хўб битурлар. Ҳофизликда қори-

йи қурродурларки, Қуръони мажидни етти қироат била билур ва ўқурлар.

Илми мусиқий ва эдвордин ҳам хабардордурлар. Таъблари газал айтмакка кўп мойил ва ҳўб чошни-ла матлаълари бисёр. Яқинда бир байт битибдурлар ва вазну қофияда бисёр янгиликлар кашф этибдурлар.

НАВОИИ — Бул киши ҳақинда фақир ҳам эшитган эрдим. Танишғонимиздин хурсандмен. Янги матлаъингиздин баҳраманд қилинг, Мавлоно.

РИЕЗИИ — Форсий матлаъдурким, ташбеҳ ва қофияда баъзи янгиликлардин холи эрмасдир:

Ситораест дури гўши он ҳилол абру,
Зи рўйи ҳуси ба хуршид мезанад пахлу.

НАВОИИ (*Риёзий байтини такрорлаб*) — Яъни демоқчисизки, ул ҳилол қошли гўзалнинг қулоғидаги инжу худди юлдуз кабидур ва гўзалликда бу юлдуз гўё қуёш била тенглашмоқчи бўладур. Янглишмадимми?

РИЕЗИИ — Худди шундай, Мавлоно.

БИР ШОИР — Мавлоно бир байтда ташбеҳлар силсиласин яратибдурларким, бунга фақат тасанно айтмоқ керак, тасанно.

ЯНА БИР ШОИР — Вазн ва қофияларда ҳам ихтиро қилмишлар!

НАВОИИ — Ғалат айтурсиз, Мавлоно, фикримча бул байт зоҳиран дуруст кўринса-да, мантиқ ва робита юзасиндин талай қусурларга эгадур.

РИЕЗИИ — Ўйлаб гапиряпсизми, Алишер?

НАВОИИ — Хусусан, хуршид лафзи бул ўринда номуносибдур.

РИЕЗИИ — Нечук?

НАВОИИ — Шул сабабданким, сиз гўзал қулоғидаги дурни юлдузга ҳўб ташбеҳ қилибсиз. Аммо, маълумингиз бўлсинким, (*осмонга ишора қилиб*) юлдуз бор жойда хуршид, яъни қуёш кўзга кўринмайдур.

УЧИНЧИ БИР ШОИР — Рост айтурлар, Алишер. Қоронғу тунда қуёш не қилур. Бул барчага маълум ҳақиқат-ку (*кулгу*).

НАВОИИ — Шул важидин «Хуршид» сўзи ўрнига «моҳ» — «ой» лафзин қўйсак табиатга хилоф иш қилмағон бўлурмиз.

УША ШОИР — Худди узукка кўз қўйгондек, ярашадн, қойил!

НАВОИИ — Аммо шунда ҳам вазнда сохталик воқеъ бўлур. Бинобарин, ташбеҳлар орасинда бир «ки» боғ-

ловчиси лозим бўлғайки, андин сўнг нисбатлар муаззам бир силсила шаклига кирғай. Яъни сизнинг мазкур байтингизни:

Зи рўйи ҳуси дури гўши он ҳилол абру
Ситорааст ки бо моҳ мезанад пахлу,

тарзинда таҳрир этмоқ маъқул кўринадур.

БОЯГИ ШОИР — Офарин, Алишер, яъни бу била Сиз ул ҳилол қошли гўзалнинг қулоғидаги инжу ёрқин бир юлдуздурки, у гўзалликда ой билан тенглашмоқчи бўладур, демоқчисиз.

НАВОИИ — Балли, тўғри шарҳладингиз, Мавлоно.

РИЕЗИИ — Мен минбаъд ўз фикримда содиқ қолурмен ва байтим таҳрир этмакка муҳтож эрмас, деб ҳисоблармен!

НАВОИИ — Ихтиёри ба шумо, Мавлоно! Байт сизники, ихтиёр ҳам сиздадур. Энди менга рухсат, ҳужрага қайтмоқ даркор. Устод Хожа Абуллайсий ташриф буюрмоқчи эдилар. Кеч қолсам одобсизлик бўлур. (*Кетади*).

БИР ШОИР — Тан бериб айтмоқ лозимдурки, Алишер байтни тўғри таҳрир этмиш.

ИККИНЧИ ШОИР — Ташбеҳлар ва вазн, робита ва мантиқ жиҳатларидин Навоий ҳақдурлар. (*Риёзийга*) Сиз ноўрин эътироз билдирдингиз.

РИЕЗИИ — Аввалги сўзум қайтиб олмасмен. Ўзунгиз айтинг қуёш ташбеҳи гўзалми ёхуд ой ташбеҳи?

УЧИНЧИ ШОИР — Гап ташбеҳларнинг гўзаллигида эрмас, мантиққа мувофиқ ёхуд мувофиқ эрмаслигиндадур, Мавлоно!

БИРИНЧИ ШОИР — Риёзий, дўстум, ташбеҳларни янглиш қўллаб бир юттурдингиз, ўжарлик қилиб яна бир юттурмайин десангиз, тўғри сўзга қулоқ осинг. Чунки ҳақ сўзни тан олиб, ўз хатосига иқроор бўлиш мард кишининг ишидур.

РИЕЗИИ — Ўйлаб кўрурмен.

БИРИНЧИ ШОИР — Бир байтга шунча можароми? Йигитлик айёмин бекор ўтказмасдин, бизникига бориб, бир шаробхўрлик қилайлик...

Парда

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

1-КҮРИНИШ

АРУЗ БАҲСИ

Амир Барлосийнинг дарсхона учун жиҳозланган уйи. Навоий амир болаларига сабоқ бермоқда. Сухбатини парда орқасидан амирнинг қизи ҳам тингламоқда.

НАВОИЙ — Хўш, Дилшодбек, арузда нечта баҳр бор экандур?

ДИЛШОДБЕК — Ун тўққизта, устод.

НАВОИЙ — Комронбек, айтинг-чи, бул баҳрлардин қайси бирлари туркий тилга кўпроқ мувофуқдур?

КОМРОН — Рамал, ҳажаз баҳрларинда туркий шу аро кўпроқ шеър айтурлар, устод.

НАВОИЙ — Тўғри айтурсиз, Комронбек, хусусан, рамал баҳри туркий тилда айрича ҳаракатлайдур ва Мавлоно Лутфий, Саккокий киби шеър устодларининг газалларининг кўплари шул вазнда битилмишдур. Фақирнинг дўсти Хусайн Бойқаро эрса «Хусайний» тахаллуси ила фақат шул баҳрда шеър айтур. Онинг машҳур газаллариндин:

Ерсиз маҳзун кўнгул девона бўлмай найласун?

Вомиқу Мажнун киби афсона бўлмай найласун? — матлаъли газалдурким, рамали мусаммани мақсур вазиндадур ва ул:

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун
Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун

рукилари ила рост келур. Қани, Комронбек, шул рукида рост келгучи ёд олгон газалларингиздин бир байт айтинг-чи?

КОМРОНБЕК — Мавлоно Лутфийнинг бу матлаъини сиз айтган вазнга рост келур:

Эй қадинг тўбию жаннат худди гулгун устина,
Кўрмади даврон санингдек ой гардун устина.

НАВОИЙ — Баян, Комронбек, зеҳнингиз ўткур ва таъбингиз шеърни тушунмоққа мойил эркин... фақир газаллариндин...

(Шу пайт даричадан кирган шамол пардани кўтариб юборади ва Навоийнинг кўзлари қиз билан тўқнашади, ўзига ўзи дейди).

Ваҳ... бу нечук ҳусни малоҳатдур? Рубъи маскунда Са-

марқанд қизлариндек сулув қизлар йўқлиги ҳақиндаги фикрлар рост эрканда! Хироту Машҳадда бу хилдагидек санамга дуч келмаган эрдим. Бир қиё боқиш ила дил кишварин яғмо қилдило! Астаффуруллоҳ, не осий сўзлар айтурмен... (Болаларга)... Не дейиб эрдим?

ДИЛШОДБЕК — Ўзунгузнинг газалларингиз ҳақинда сўз айтурга оғиз жуфтладингиз, устод.

НАВОИЙ — Фақир газалларининг кўпроғи ҳам шул туркий вазнда битилгандур!

ҚИЗ — Устод, шул вазндаги газалларингиздин бирин ёзиб, Дилшодбекдин узатсангиз. Мен унга танбурда куй басталасам. Саҳвларин тузатмоқ шарти била.

НАВОИЙ — Сизнинг ширин овозингизга мос келадургон газал битмакка қалам ожизлик қилур. Аммо бул сафар сиз айтгон газални битиб келурга саъй этурмен...

2-КҮРИНИШ

СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ

Ургут тоғи манзаралари. Олисда қишлоқ уйлари кўзга ташланади. Чинор тагида Навоий дўсти Мирзобек билан суҳбатлашмоқда.

МИРЗОБЕК — Бизнинг Самарқанд музофотимизда Ургутдек манзарали жойлар бисёрдур, Алишер.

НАВОИЙ — Оғалиғ ва Омонқўтон тоғлариндаги хушҳаво жойлар ҳам бул ердин қолишмайдур, Мирзобек.

МИРЗОБЕК — Гўш кун, эй ёр ки, Самарқанд сайқали рўйи заминаст.

Агар жаннат бошад, ҳамин асту ҳамин асту ҳамин аст.

НАВОИЙ — Офарин, Мирзобек. Самарқанд ҳақиқатдан ҳам жаннатмисол гўзал бир ўлкадир!

(Шу пайт беш-олтита қишлоқ одамлари уларга яқинлашади. Улардан бири Мирзобекнинг оёғига йиқилиб, йиғлай бошлайди).

МИРЗОБЕК — Ўрнингиздан туринг, ота, нечук кўз ёш қилурсиз?

НАВОИЙ — Не ҳол юз берди, ота?

ЧОЛ — Мирзом, сиз дорус-салтанатдин келгон беклардин кўринасиз. Бизнинг ҳолимизга раҳм қилиб, зулм кишанлариндин халос бўлмоққа ёрдам беринг. Бул яхшилигингизни то абад унутмағаймиз.

МИРЗОБЕК — Сўйланг, ота, ким сизга зулм қилур?

ЧОЛ — Бир менга бўлса гўрга эди-я, бутун қишлоғимиз кўз кўруб, қулоқ эшитмагон зулм домига тушмушдур.

НАВОИЙ — Бутун бир қишлоқ?

ЧОЛ — Ҳа, тақсир, биз барчамиз ҳув кўруниб тургон Ургут қишлоғиданмиз. Қишлоқ ҳокими Мирзо Умарбек понсод танобчиларга бир йиллик солиқни бир йўла йиғиб олмоқни буюрди. Улукдин кафан тамаъ қиладургон танобчиларга бек фармони яхши баҳона бўдур, солиқларин чандон ошурдиларки, бир йиллик солиқни дучандон, сечандон қилиб йиғиб олмоқдалар. Этида жири бор бойлар ҳар галгидек танобчиларга оту сигир ёхуд нақд пул пора бериб, мол-ҳолин оз чўтга солдириб, солиқдин енгил қутулмоқдалар. Биз камбағалларда ҳеч вақо қолмоғондин катакларимиздаги сўнгги товугимизга қадар тортиб олмоқдалар, ноинсофлар!

КАМПИР — Мен бир тул кампирдурман. Бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда. Қарайдургон ҳеч кимим йўқдур. Худо берган ризқ бир соғин эчким бор эрди, суяғи очик лаҳадда чиригур танобчилар шул биргина эчкимни ҳам тортиб олдилар. Худоё худованда, болалари «отам»лаб қолсин аларни. Нега ер ёрилиб бул золимларни ўз қомига тортмайдур?!

БИР ДЕҲҚОН ИИГИТ — Уруғга сақлаб қўйгон донларимизга қадар талон-тарож қилдилар, бек. Бу йил болаларимиз не билан тирикчилик қилурлар? Гадойлик қилишдан ўзга иложимиз қолмаиш. Кўксаройга бориб, султонга арз қилмоққа йўлга чиқиб эрдик.

НАВОИЙ — Бой бойга боқар, сув сойга оқар. Султон арзингизга етмайдур. Аммо султонга аткалик қилгувчи Аҳмад Ҳожибек жаноблари ўз мулозимлари ила бу ерга келгайлар. Ул кишига мурожаат қилингиз, шояд бир савоб иш ҳосил бўлур.

ЧОЛ — Сиз иккинги амирга яқин одамлардин кўри-нурсиз. Биз фақирларга ёрдамнингизни дариг тутманг.

НАВОИЙ — Биз ҳам Сизнинг ёнингизни олиб гап-руримиз. Иншооллоҳ...

(Аҳмад Ҳожибек бир-икки мулозими билан келишади).

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Ургут тоғлари тизангиздин мадорни тортиб олмадими, Алишер?

НАВОИЙ — Тортиб олгонча йўқ, жаноби Аҳмадбек. Аммо бул кишилар арзи ҳолин эшитиб, кўнглумизга тоғдек қайғу тушубдур.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Не ҳол юз берди, сўйлангиз?

ЧОЛ *(Аҳмад Ҳожибек оёғига йиқилиб)* — Илоё бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўрунг, удуг амир. Биз фақирларга раҳмингиз келсун. Қишлоқ беги бир йиллик солиқ йиғишга фармон берди, танобчилар бор-йўғимизни тортиб олдилар. Еганга озигимиз, қоққанга қозигимиз ҳам қолмаиш.

НАВОИЙ — Отанинг айтишларича, кент бойлари танобчиларга пора бериб, солиқдин озод бўлаётган эрмишлар. Камбағалларнинг эрса егулик дони у ёқда турсун, эккулик донин ҳам қийратмоқда эрмишлар. Мана бул бева кампирнинг бор-йўғи биргина эчкисин ҳам зор қақшатиб тортиб олмишлар.

БИР УРТА ЯШАР ДЕҲҚОН — Танобчилар ҳам еримизни қасдан ортуқ кўрсатиб, кўп пул талаб қилурлар. Бир ҳафта муҳлат қўймишлар. Пулни вақтида тўламоғонларни бек ҳовлисиндаги зиндонга қамаб, дарра ила сулайтурурлар.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Шул гаплар ростму, ёлгон сўйламайсизларми?

ЧОЛ — Менга ишонмасангиз, оппоқ соқолимга ишонинг, амир!

ИИГИТ — Ёлгон сўйласак, Қаломин шариф урсун!

КАМПИР — Бир тул кампирга ишонмасанг, кимга ишонурсен, ўғлум. Ёхуд бекка шерикдурмисен?

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Шерик эрмасмен! Аммо Мовароуннаҳр вилоятлариндаги барча қишлоқлардин бир йиллик солиқни илгаритдан йиғиб олмоққа оид фармони ҳумоюнга имзо чекканим ростдур. Бул фармон бизнинг раъйимиз бирла эмас, Ҳиротдин Хуросону Мовароуннаҳр султони Абусайд кўрагон зоти олийларининг маҳсус фармойишларига биноан юз бермишдур. Ул зот яқинда катта черик ила Ироқу Арабистон ўлкаларини фатҳ этмоққа ҳозирлик кўрурлар. Сипоҳию сарбозини маош ва егулик ила таъмин этмоқ заруратиндин бул фармони соҳибқиронини бажармоқдин ўзга иложимиз йўқдур. Аммо биз фармонимизда ҳар кимдин ҳолига яраша солиқ тўплашни буюрганмиз. Билсак ул аҳмоқлар салла деса, каллани олиб келурлар. Шаҳрисабз, Хузор, Қарши, Қармана ва бошқа музофотлардаги қишлоқлардин ҳам шул хусусда арзга келмоқдалар.

НАВОИЙ — Шу чол ва оқсоч кампир ҳурмати, Ургут қишлоғиндаги бева-бечоралар, фақир бенаволардан олинажак солиқни бекор қилмоққа амр берсангиз. Аларнинг ҳиссасин бою савдогар зиммасига юкласангиз деган ўтинчимиз бор.

МИРЗОБЕК — Кўп савоб ишга қолурсиз, улуғ амир, Фақирнинг дуоси Оллоҳнинг қарами ила баробардур.
АҲМАД ҲОЖИБЕК (*Мулозимга*) — Ургут қишлоғидаги фақирлар бир йиллик солиқдин озод қилиниши ва алардин йиғиб олинган барча нарсалар эгаларига қайтариб берилиши ҳақида фармони олий тайёрланг, Бек ва танобчиларнинг аттор қутисинда топилмайдургон ишларин тафтиш қилиб, натижасин менга еткурурсиз. Сизга бул ишни бажармоққа бир ҳафта муҳлат. Ургут боёнларининг мол-мулкин аниқ ҳисобга олмоқ ва аларга шунча солиқ чиқармоқ ҳам хотирангиздин фаромуш бўлмасун.

МУЛОЗИМ — Бош устига, улуғ амир! Фармонингиз бажо келтирилур!

ЧОЛ — Илоҳо, давлатингиз зиёда бўлсун, амир!

КАМПИР — Дунё тургунча туринг, ўғлум. Мушқулимизни осон қилдингиз.

АҲМАД ҲОЖИБЕК — Менга эрмас, раҳматни бул йигитга айтингиз.

(*Навоийни кўрсатади.*)

3-КЎРИНИШ

КЎРГАЛИ ҲУСНИНГИНИ...

Амир Барлосийнинг дарсхона учун янғозланган уйи. Навоий машғулоти давом эттирмоқда.

НАВОИЙ — Утган галги машғулотда аруз баҳрлари ҳақида сўз юрутиб эрдик. Бугун эрса сўз санъатларининг тажнис ҳақида сабоқ олурсиз. Тажнис деб бир сўзни бир неча маънода ишлатмоққа айтурлар. Масалан «от» исм маъносинда, буйруқ маъносинда ва бошқа маъноларда ишлатилур. Шуаро сўзнинг бу товланишининг истифода этиб, шеърларинда тажнис ишлатур.

КОМРОНБЕК — Тажнис шеърнинг барча жинсда ишлатилурми ёхуд айрим бир турлариндами?

НАВОИЙ — Шеърнинг барча турларинда ишлатса бўлур, аммо шундай турлар ҳам борки, улар бошдин-оёқ тажнис ила битилур. Алардан бири турк шуаросининг ҳисасидурки туюғ номи ила машҳурдур. Ушбу туюгда «ёзасиз» сўзи уч маънода битилмиш,

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,
Гул адоғинда хуморе ёзасиз.
Гар мен ўлсам турбатимнинг тошина
«Куштайн бир шўх эрур» деб ёзасиз.

ДИЛШОДБЕК — Ўзунгиз тўқудингизми, устод?

НАВОИЙ — Йўқ, Дилшодбек, бул туюғ фақирнинг тоғаси Мир Саид Кобулийга мавсумдир. Мавлоно Лутфий туюғлари ҳам машҳур.

КОМРОНБЕК — Сиз ҳам туюғ битурмисиз, устод?

НАВОИЙ — Баъзан-баъзан хотирга келганда...

ДИЛШОДБЕК — Бир туюғ айтинг, ёдлаб олайлик.

НАВОИЙ —

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билманки, қилмас ё қилур.

ДИЛШОДБЕК — Ажиб туюғ эркин.

НАВОИЙ — Комронбек, туюғ вазнин аниқлашга ҳаракат қилинг.

КОМРОНБЕК — Рамал вазнига ўхшайдур. Рукилари фойлотун, фойлотун, фойлунга рост келур.

НАВОИЙ — Балли, Комронбек, тўғри топдингиз, туюғнинг вазни рамали мусаддаси мақсур вазни била шоеъдур. Нечун рамали «мусаддас» деб айтурмиз, Дилшодбек?

ДИЛШОДБЕК — Агар рукилар ҳар байтда олти ададда такрорланса «мусаддас» дейилур.

НАВОИЙ — Яхши, хўп яхши. Сизга бу галги вазифа шулки, ўзунгиз билгон туркий ёхуд форсий сўзларнинг бирдан ортуқ маъноларин дафтарга ёзингиз. Мен текшириб кўрурмен. (*Дилшодбекка*) Опангиз фақирнинг рамал вазниндаги бир шеърини куйга солмоқчи бўлдилар. Мана бул ғазални ул кишига узатсангиз. (*Дилшодбек пардани секин очиб Навоий ғазалини опасига узатади.*) ...Вазифа аниқ бўлса, мен қайтурмен. Кўришгунгунча хайр. (*Навоий болалар билан ташқарига чиқади.*)

ҚИЗ: (*Парда орқасидан ғазални ўқийди.*)

Кўргали ҳуснунгин зору мубтало бўлдум санга,
Не балолни кун эдиким, ошно бўлдим санга.
Ҳар неча дедимки кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдим санга.
Ғусса чапгидин навое топмадим уйшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Қутлуғ арз-дод улким, фақирнинг тубанда беражак осий сўзларин лутф ила кечиргайсиз. Бул ғазал ўшал кунги бир қиё боқишингиз эҳтиросинда туғилмишдур. Ва ушбу мақтуб ўрнида кўргайсиз. Дилбар исмингизни

билмоғонимдин ва билъакс бун билмоқ фақир учун қатъиян манъ қилинғонидин не сўз ила мурожаат этмакка ожизмен. Гумроҳлик ила мактуб битмакка журъат қилғоним учун қулунгизни тагин бир карра авф этурсиз. Сизни кўрган кундин сабру қарорим риштаси узулди. Доған кўнглум яраларинга шифо берувчи табибим ўзунгуздур, дардли қалбим наволарига ором бергувчи ширин сўзунгуздур. Бир ҳадисингизни эшитмоқ орзусинда ёнаман. Ҳажрингизда бемор ўлғон бандангизга бир лутф ила ҳаёт бағишларсиз деган умиддамен. Боғи шамолдаги мармар ҳовуз ёнинда Сизни муштоқлик ила кутуб, келишингизга умидворлик ила бул мактуб битдим. Жавобин укангиз Дилшодбек фақирга етказур деган ишонч ила Алишер мутахаллус Навоий.

Е раббий бу не ҳолдур? Не деб жавоб битсам эркин?

4-КЎРИНИШ

КЕЧА КЕЛГУМДУР ДЕБОН

Навоий ўз ҳужрасида маънос на ўйчап ўтирибди. Юсуф Андижоний сўрайди.

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Алишер, тунд ва хафа кўринурсиз?

НАВОИЙ — Негадур кўнгулда дарду ғам дарёси мавж урмоқдадур. Сабабин ўзим ҳам билмасмен.

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Кеча ҳаддин бетоқатланиб, уйқунгизда тиш ғичирлатиб чиқдингиз. Тинчликми?

НАВОИЙ — Зийрак йигит эркансиз. Кўнглум ишқ домига мубтало бўлгонга ўхшайдур. Олти ойдин ошгон эрдиким, ул соҳибжамол ҳуснин фақирдин сир тутур эрдилар. Аммо ўтган ҳафтада ул маҳлиқони бир кўрдуму бору йўқлигини унутдим. Анинг бида учрашмак ниятида бир мактуб битган эрдим, укаси Дилшодбекдин жавоб ёзиб фақир ила учрашмоққа рози эрканлигин билдирди. Шул боис кеча они боғи шамолда кутдум, не сабабдандур келмади. Ва бундин таъсирланиб, бул ғазални тугатибмен (узатади).

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ: (НАВОИЙ ғазалини ўқийди)

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тоғ отгунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқдим, чектим йўлида интизор
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек тийра ўлғонда қоронғу келмади...

(Шу пайт ҳужра эшиги тақиллаб Дилшодбек кўринади. Қўлида олма солинган тугун.)

ДИЛШОДБЕК — Устод, опам сизга кўп дуойи салом ила мана бун бериб юбордилар (рўмолни Навоийга узатади). Энди менга рухсат, кун ботай деб қолди. Опам, тез бориб, тез кел, деб эрдилар (таъзим қилиб чиқади).

НАВОИЙ — Олма! Олма... Бизни йўқлаб мурод қилибдурлар. Ер қўли теккан олмалардин еяйлик, қани очинг, рўмолни (Юсуф Андижоний рўмолни очади, битта олма олиб Навоийга узатади).

НАВОИЙ (Олмани ея туриб) — Бай-бай, бул Самарқанд олмаси бунчалик ширин бўлмаса? Тиниқлигин айтмайсизми? Аксингиз кўринади-я!

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Ҳа, Алишер, Самарқанд олмалари, хусусан себи Самарқанд ва соҳиби Самарқанд навлари ғоят ширин бўлур, бошқа ерларда алардек олмалар бутмайдур. Ие, олмалар ичинда бир рўмолча ҳам бор эркин (рўмолчани олиб очади, ичидаги бир қизил олма чиқади. Тагидаги қоғозни олиб Навоийга узатади). Сизга мактуб ҳам юборибдур.

НАВОИЙ (Мактубни очиб, ўқийди) — Дуойи саломдин сўнг, етиб маълум бўлсинким, бул мактубни тунов кун ҳузурингизга боромонлигим сабабин баёни деб билгайсиз. Сизнинг ҳузурингизга бормоқчи бўлгон, яъни мен учун мумкин бўлмаган ишга қўл уришга журъат қилгон эрдим. Бахтимизга қарши, йўлга чиқмоққа отлонғонимда Шаҳрисабздин қариндошлар ташриф буюрдилар. Алар ичинда бир неча дугоналарим ҳам бор эрдиларки, шул сабабдин аларни ташлаб, ҳузурингизга бормоқ имкониятидин йироқ эрдим. Қолгон сўзларимни сизга юборганим нақш олма ва рўмолча айтурлар. Вас-салом.

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Бул рўмолчада бир сир борга ўхшайдур. (Навоий рўмолчага диққат қилиб, унинг четига кашта қилиб ёзилган байтни ўқийди).

НАВОИЙ

Ғусса чапгидин наво топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

Е раббий, ўз байтимни ўзумга жавоб ўрнида битибдур.

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Сизнинг қалбингизда алан-

галанган ишқ оташи анинг кўнгулға ҳам ўт солғонга ўхшайдур. Ва ажиб бир нозуклик била ўз байтингиз во-ситасинда кўнгул сирларининг сизни воқиф қилмушдур.

«То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго». Яъни Сиз анга қанчалик асир бўлган эрсангиз, у ҳам сизга шунчалик кўнгул қўйибдур.

НАВОИЙ — Унда, бул олмада ҳикмат не эркин (Ол-мани кўрсатади)?

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Самарқандда қадимдин бир қизиқ одат борким, сайилларда ошиқу маъшуқлар ўз севгиларини бир-бирларига қизил олма совға қилмоқ бирла изҳор этарлар. Ёхуд йигитлар ила қизлар бир-бирларига олма отиб, тўй бошлашқа розиликларин баён қиларлар. Тангри таоло нияти бирла яқин кунларда тўй тарадудин кўрмоқ лозимға ўхшайдур. Фақир белни етти ердин боғлаб, хизматга тайёрмен.

НАВОИЙ — Барлосийдек бадавлат бир амир ўз боғидаги якка-ёлғиз қизил гулни фақирдек бир шоирга тақдим этмоққа рози бўлурмикин?

ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Сиз Амир Барлосий фарзандларинга бир йилға яқин сабоқ ўргатиб, амир хонадонининг ўз кишисидек бўлуб қолдингиз. Чамамда, амир рад жавобин бермас. Одам юборинг, Амир эшигини супурган совчиларингизни ичкарига қўймаса, ҳомийингиз Аҳмад Ҳожибекни орага қўюрмиз, ёхуд, яхшиси, ул зотнинг ўзларин совчи қилиб юборурмиз. Кўрубсизки, ишлар беш бўладир. (Шу пайт ҳужра эшиги очилиб, ичкарига Мир Қарший кириб келади.)

НАВОИЙ ВА ЮСУФ АНДИЖОНИЙ — Келинг, келинг, устод. Бемаҳалда не шамол учурди?

МИР ҚАРШИЙ — Ҳолларингиздин бир хабар олмоқ ниятинда келиб эрдим. Ва мадрасаларда таътил кунлари бошлангони туфайли Сизларни бир сайр қилдирмоқ таклифи била келдим. Зероки, таҳсилдин чарчаган жисмингиз сайру саёҳатдин ором ва таъбингиз бул истироҳатдан ком топгай. Эртага пешиндин сўнг она юртимиз Қарши сафарига отландик. Ва рози бўлсаларингиз, сизлар ҳам менга ҳамроҳ бўлингиз. Йўл-йўлакэй Шаҳрисабз, Хузур вилоятларин ҳам томоша қилгайсиз.

НАВОИЙ — Маъқул таклиф, устод, икки ойлик таътилни янги манзараларда ўтказмоқ ва янги одамлар ила суҳбатлашмоққа не етсун? Аммо фақирнинг Амир Барлосий фарзандларига берадурғон сабоғи не бўлур?

МИР ҚАРШИЙ — Ҳозир мактабларда ҳам таътил бошланмуш. Шул боис аларнинг ҳам дам олғони маъқул

кўринадур. Сабоқни таътилдин сўнг давом эттуруп-сиз?

НАВОИЙ — Хўп, биз рози, лекин эртага Амирникига бориб, сафарга отлонғонимиздин ул зотни хабардор қилмоғим керак.

5-КҲРИНИШ

СИР ФОШ БҮЛДИ

Навоий Амир Барлосий дарвозасини тақдиллатади. Дилшодбек дарвозани очади.

ДИЛШОДБЕК — Салом, устод, келинг, қани, ичкага марҳамат.

НАВОИЙ — Отангиз уйдадилар, Дилшодбек?

ДИЛШОДБЕК — Уйдалар, устод!

НАВОИЙ — Шошилиб турибмен. Аларга айтадургон сўзим бор. (Мактуб узатиб) Мана буни опангиз қўлига беринг. Отангиз зинҳор билмасунлар, хўп, қани боринг. Отангизни чорлангиз.

Дилшодбек ҳовлига кириб юра боплайди. Шу пайт рўпарада я отаси Амир Барлосий чиқиб келади. Дилшодбек шоша-пиша Навоий мактубини қўйишга яширмоқчи бўлади. Аммо отаси буни кўриб қолади.

АМИР БАРЛОСИЙ — Нега рангинг қув ўчиб кетди, ўғлим? Нени яширмоқдасен?

ДИЛШОДБЕК — Ҳеч нени, устод Алишер Сизни йўқлаб келибдурлар? (Ўтиб кетмоқчи бўлади.)

АМИР БАРЛОСИЙ — Ёш бошингдин ёлғон сўзламоққа ўрганма, ўғлим! Қани, бу ёққа чўз! (У Дилшодбекнинг қўйнидан Навоий мактубини топиб олади ва чўнтагига солиб дарвозага қараб юради.)

НАВОИЙ — Ассалому алайкум, амир жаноблари!

АМИР БАРЛОСИЙ — Ваалайкум ассалом, қани ичкарига кирингиз!

НАВОИЙ — Раҳмат, амир! Сиздин ижозат сўрамоққа кирган эрдим. Таътил кунлари бошлангони туфайли фарзандларингиз бир ой сабоқдин озод бўлсалар. Фақирни устод Мир Қарший ўзи бирла саёҳатга таклиф қилди. Шул бугун йўлга чиқурмиз. Шул сабабдин ижозат олмоққа келиб эрдим.

АМИР БАРЛОСИЙ — Саёҳат кўп яхши нарсадур. Фарзандларимиз сабоғи хусусинда эрса, аларнинг ҳам таътил қилмоқлари жоиздур. Шул кунларда қарииндошлар таширф буюринган, фарзандларимизнинг алар бирла Шаҳрисабзга бормоқларига ҳозирлик кўрилу. Бино-

барин, ҳеч тортинмай сайру саёҳатга чиқаверинг. Сабокни эрса келиб давом эттирурсиз. Қани, ичкарига марҳамат. Олис йўлга чиқишдин олдин меҳмоним бўлгайсиз.

НАВОИЙ — Маъзур тутасиз, амир жаноблари. Ҳамроҳлар мунтазир бўлиб қолурлар.

АМИР БАРЛОСИЙ — Шошилиш эркан, нима ҳам дердим? Сафарингиз кўнгилли ўтсун, Алишер!

НАВОИЙ — Кўришгунча хайр.

АМИР БАРЛОСИЙ — Хайр!

Навоий кетади. Амир Барлосий дарвозадан ҳовлига кириб, чўнтагидан Навоий мактубини олиб ўқийди:

«Кутлуғ арз-додим улким, юборган мактубингизни олиб, бошим кўкка етди. Муҳаббатингизга лойиқ эрмасман деб кўрқар эрдим, тангрига минг шукр вожибки, бул шубҳадин ўзунгуз халос қилдингиз. Ширин сўзларингиз ила ўлгон кўнгулума ҳаёт бағишлагандек бўлдингиз. Таътил кунлари бошландиғи учун бир ой сиздин олисда бўлурмен. Ва лекин мунис ҳаёлингиз ҳар нафас ҳамроҳим бўлғай, яхши кунларда дийдор кўришгунча хайр!

РУБОИЯ

Уҳ-уҳ, ярамас Алишер, қизим ила махфий мактуб олиб юрган эркандур, гофил қолмишман. Қизимнинг ҳам анча кўнгли борға ўхшайдур... «Юборган мактубингизни олиб, бошим кўкка етди...» Тузни еб, тузлуққа туфургон деб шунни айтурлар! Кўрнамак, Сен қаёқдаю, Султон Аҳмад Мирзонинг молня ишлариндағи бош амирининг қизи қаёқда?! Қашшоқ бир шойирға—қогозу қаламдин ўзга дастмойси бўлмагон бир кимсага мендек бир амирнинг қизи муносибму? Бу гулни қаро тупроққа қориштирмоқ ила баробардур! Чўнтагида бир мириси йўқ бўла туриб, осмондағи ойни оламан дейди.

...Пулн йўқ кишининг ҳеч нарсага арзимайдургон чиройли сўзлариндин не фойда? Ҳазал битмоқ ила ким бой бўлубдур. Номн улуг, супраси қуруқ бўлган шоир илгинда қизим бир умрға хор-зорликка маҳкум этилмасму? Олтин-кумуш, зеб-зийнатлар ўрнига ҳавойи сўзлариндин не фойда?

...Пул, пул... Ҳаёт бошдин-оёқ пулдин барпо қилинган-ку. Пул ила ҳамма нарсани қўлга киритса бўлур. Пул ила динни ҳам, имонни ҳам, виждонни ҳам сотиб олса бўлур. Онаси ўпмагон нозанинлар ҳам пул олдинда сўзсиз таслим бўлурлар... Кўра-била туриб гулдек қизимни кимсасиз ва ватансиз бир қашшоқ шоирға қўш-

қўллаб топширмасмен. Шул кунларда Шаҳрисабз бегининг ўглидин, алаалхусус ул ўзимизга қариндош ҳам бўлғай, совчи келмоқчи эрди. Тўйни тезлаштирмоқ гадорукни кўрмоқ зарурдир...

6-КЎРИНИШ

ХАЙР, САМАРҚАНД

Навоий Амир Барлосий дарвозасини таққиллатади. Дарвоза очилиб энага чиқади.

НАВОИЙ — Ассалому алайкум, энага, амирнинг фарзандлари уйдадилар?

ЭНАГА — Уйдалар, Алишер. Аммо сиз сафарда бўлганингизда катта ўзгаришлар рўй бермишдур.

НАВОИЙ — Тинчликми, ё бир кор-ҳол рўй бермишму?

ЭНАГА — Сизни хафа қилмоқни хоҳламасмен. Аммо амир Сиз келгунга қадар қизини узатиб юборди. Ва бул ҳақда Сизга оғиз очмасликка топшуруқ берди.

НАВОИЙ — Ё раббий, бу не кўргулик?! Наҳотки, кўз очиб юмгунча ўз бахтимдин жудо бўлгон бўлсам, йўқ, ишонмасмен, алдамангиз.

ЭНАГА — Тангри ҳақки, рост сўйлайдурмен, Алишер. Ораларингиздағи муҳаббатдин воқифмен. Аммо иккинги ҳам бахтиқаролардин эркансиз? Тақдир шул экан, ҳар неки мусибат бўлса, пешонангиздин кўргайсиз. Қизинг оққан кўз ёшлариндин тош ҳам эрир эрди, аммо амир раҳм-шафқат қилмасдин они зўрлаб бир бек йнгитга узатиб юборди. Бул ердин тўй қилиб, олиб кетгонларига ҳам ўн кун бўлди. Кета туриб, узугини сизга ёдгорлик сифатида бериб қўймоқни мендан сўраб эрди. Мана ўша узук, олинг, эслаб юрур эркансиз. «Бул бевафо дунёда бирга бўлмоқ бизга насиб қилмади, иншооллоҳ, маҳшарда юз кўришурмиз», деди шўрлик. Ва, Алишер бул шум қисматдин ўкинмасин, мен-ку бахтсиз бўлдим, аммо ул бахтга ёр бўлиб, ўз тенги бўлмиш бошқа биров ила турмуш қилмоқлигин худодин илтижо қилурмен, деди. Онинг бул қарз сўзларин Сизга етказмоққа сўз бериб эрдим... Айтмоққа тилим бормасада... начора, барчасини тангри таолодан кўргайсиз.

НАВОИЙ — Наҳотки, наҳотки? Эй тангри! Инсофу адолат борми, сенда?! Бахтимни энди топдим деганда, жудалик дардига мубтало қилдинг! Бул сўзларни эшитгандин кўра, сафарда жонимни олсанг бўлмасмиди?!

ЭНАГА — Ўзунгизни тутинг, Алишер. Сиз йигит ки-
шисиз, тақдирга тан бермоқдин ўзга илож йўқ...

НАВОИЙ — Амир уйдадилар?

ЭНАГА — Уйдалар, аммо авзойилари бузуқ. Бул ҳақ-
да сўз очмасликни маслаҳат берурмен. Ўзунгизни бил-
маганга солингиз. *(Навоий ичкари киради.)*

НАВОИЙ — Ассалому алайкум, амир ҳазратлари.
Сафардин қайтиб ҳузурингизга келмоққа жазм этдим.

АМИР БАРЛОСИЙ — Келинг, Алишер, марҳамат,
ўтиринг. Хўш, сафар кўнгулдагидек ўтдиму?

НАВОИЙ — Сафар яхши бўлди, аммо...

АМИР БАРЛОСИЙ — Аммо, сиз келгунча бир қадар
ўзгаришлар рўй берди, хусусан, саройдагиларнинг сиз-
га бўлган муносабати ўзгармишдур.

НАВОИЙ — Нечук? Гуноҳ иш қилибманму?

АМИР БАРЛОСИЙ — Султон Аҳмад Мирзонинг хуфя
ишлар бўйича амири Хожа Сардорий сиз ҳақингизда кўп
маълумотлар тўплаб, Сизни ҳибсга олмоққа фурсат кут-
моқдадур. Ул жаноблари қадрдон дўстим бўлгонидин,
бул ҳақда мени хабардор қилгон эрди, фарзандларимизга
сабоқ берганингиз учун миннатдорлик сифатинда бу
ҳақда сизни огоҳлантирмоқни ўз бурчим деб билгайман.
Ва сизга тез кунлар ичинда Самарқандни ташлаб, жосуслар
илки етмайдурган ўлкаларга яширинмоғингизни мас-
лаҳат бергаймен. Билиб туриб, сизга айтмасам яхшилик-
ларингизга ёмонлик қилгон бўлурмен. Фақат шул шарт
бирлаки, Хожа Сардорий қўлига тушсангиз бизнинг но-
мимизни сотмагaysиз.

НАВОИЙ — Амир Хожа Сардорий қайдин биз ҳақи-
мизда маълумот тўплабдур? Ақлга сизмас-ку?

АМИР БАРЛОСИЙ — Жосуслар ила ҳазиллашиб
бўлмайдур. Сиз шохда юрсангиз, алар баргида юргай-
лар. Сафарга чиққанингизнинг эртаси кунин хужраи-
гиз кулафини очиб, тинтув ўтказибдилар ва Султони Соҳиб-
қирон Абусайд Мирзо шаънига номуносиб байтларингиз-
ни кўчириб олмишлар. Инчунун, ушбу:

Замона ўқ каби тузларни синдуриб ёдак,

Аларки эгридурлар, шаҳга муҳтарам қиладур.

Ехуд:

Табъ ганжидин маоний хурдасин, юз қатла хайф —

Ким, нисор этмакка шохи хурдадон топмадим,

байтларин сиз битганмисиз?

НАВОИЙ — Ҳа, мен битганмен.

АМИР БАРЛОСИЙ — Ана, кўрдунгизми, ўзуи-
гиз ҳам таи олурсиз. Булар ҳали ҳолва. Ургут қишлоғидаги фа-
қирларни бир йиллик солиқдин озод қилдириб, султон
фармони-га ошкоро қарши чиқибсиз. Еки бундан тона-
сизми?

НАВОИЙ — Бул иш Аҳмад Ҳожибек жаноблари
савийлари ила зоҳир бўлмишдур.

АМИР БАРЛОСИЙ — Аммо Аҳмад Ҳожибекни бул
ишни қилмоққа сиз ундагансиз. Сиз бўлмагонда бул
воқеа содир бўлмагон бўлур эди. Ва бошқа маълумотлар
ҳам борки, алар Сизнинг Самарқандда туриб, дўстингиз
Хусайн Бойқарога зимдан мадад кўрсатганлигингизга
гувоҳлик берур. Инчунунки, Сиз Амир Султон Ҳасан Ар-
хангий ўғлини Мирзобек ила озод қилиб юборибсиз. Ва
яна дўстингиз — салтанатимизнинг ашаддий душмани
Хусайн Бойқарога юборган махфий мактубингизни ҳам
жосуслар қўлга туширмишлар. Буларнинг барчаси сиз-
нинг ушбу нозик шароитда Самарқандда турмоғингиз
хатарли эрканлигининг нишонадур. Бахтиянгизга султони
Соҳибқирон Абусайд Кўрагон Озарбойжон ва Ироқ ўл-
каларини фатҳ қилмоққа черик тортибдур. Шул сабаб-
дин Хожа Сардорий давлатпаноҳни олиб Султонимиз-
нинг ёғий устиндин зафар қозониб Ҳиротга қайтиб кел-
моқларин кутмоқдалар. Ул киши дорус-салтанатга қа-
дам қўйишлари биланоқ сизни ҳибсга олиб, Ҳиротга юбо-
рурлар ва тақдирингиз султони Соҳибқирон томониндин
ҳал қилинур. Уйларменки, оқибати яхши бўлмағай, кам
деганда зиндонга солинурсиз. Шул важдин тез кунда
бул ерларни тарк қилиб, яширинмоғингиз жоиз кўринур.
Акс ҳолда... Ҳаётингиз қил устидадур.

(Шу пайт хизматкор кириб, Амир Барлосийга дейди.)

ХИЗМАТКОР — Саройдин келган мулозим Алишер-
ни истаб келмишдур. Кўксаройга чорламоқда эрканлар.

АМИР БАРЛОСИЙ — Кечикдингиз, Алишер. Сарой-
га бориб гуноҳларингизга тавба қилинг! Мен ҳам бориб
сизни кечиритларин илтимос қилурмен. Зора авф қил-
салар. *(Хизматкорга)* Либосларимни келтур. *(Кийиниб,
Навоий билан ташқарига чиқади.)*

Кўксарой Тахт бўш. Уйг томонда Аҳмад Ҳожибек, амрлар,
мулозимлар ўтирибди.

ПАРВОНАЧИ — Мавлоно Алишер ташриф буюрди-
лар!

АХМАД ХОЖИБЕК (*Ўрнидан туриб*). — Кутлаймен, Алишер! (*Навоий билан маҳкам қучоқлашади*). Сизни Хирот интизорлик ила кутмоқда. (*Парвоначиға*) Парвоначи, заррин тўн келтиринг!

(*Парвоначи заррин тўн олиб келиб, Навоийға кийдиради. Амирлар уни табриклашмоқда*).

Навоий ҳайрон.

НАВОИЙ — Не ҳал юз берди, англай олмаемен?!

АХМАД ХОЖИБЕК — Кеча Хиротдин — Султон Хусайн Бойқаро номинини мактуб олди. Ул ҳазрат сизни ўз ёнига чорлайдур.

НАВОИЙ — Султон Хусайн Бойқаро? Хусайн Бойқаро подшоҳ бўлдим?

АХМАД ХОЖИБЕК — Ҳа, султон Хусайн Бойқаро Хирот тахтин эгалладур. Бунга бонс султони Соҳибқирон Абусаид Кўрагон алайхиррахмоннинг Озарбойжонда ёғий илкинда шахид бўлгонлиги эркандур. Бул хабарни эшитган Хусайн Бойқаро жаноблари зудлик ила Хиротга қўшин тортиб, Хуросон тахтин қўлга киритибдур. Ва хутбайи саодат аввалги жумада анинг номига ўқулмушдур. Мовароуннаҳр султони шахзода Султон Аҳмад Мирзо бир ҳафтадин буён хонайн хосваринда шахид ўлгон оталарига аза тутмоқдалар. Кеча султон Хусайн Бойқародан чопар келиб, ул зоти олийдин Сизнинг Хиротга бормоғингизни сўрагон мактубини топширди. Мана ўшал мактуб (*кўрсатади*). Сафарга ҳозирлик кўрунг! Сизни олий давлат лавозимлари, бойлик ва шон-шухрат кутмоқда. Биз Самарқандлиг дўстларингизни унутмағйсиз, деган умиддаман.

НАВОИЙ — Самарқанд, хусусан, анинг очикқўнгул, меҳмондўст эли, сиздек ҳомий ва бошқа ёру дўстларини унутиб бўлурми? Самарқанд фақир учун она шахримдек муқаддас ва табаррук бир даргоҳдир. Бул шаҳарда ҳаётимнинг энг бахтли онлари кечмишдур. Самарқандлиг маърифат даргалари илм уммонинда гаввосдек шўнгиб, жавоҳирлар термоғимга устодлик қилдилар. Аларнинг хизматлари эвазинда фақир илми фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, фикҳ, араб лисони ва бошқа соҳаларда камол улум касб этибмен. Хусусан, устод Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийдин олгон сабоқларига қай сўз ила миннатдорлик қилмоққа ожизмен. Сизнинг фақирга кўрсатган яхшиликларингиз бир умр эсдан чиқмайду. Энди ижозатингиз ила Хиротга қайтиш олдида устодлар ва ёру дўстлар ила хайрлашсам.

АХМАД ХОЖИБЕК — Ихтиёрингизда бир қун бор, холос, Алишер. Эрта тонгда чопар йўлга тушадур. Тўртбеш мулозимларни Сизга ҳамроҳ қилурмиз ва алар Хиротга қадар Сизни кузатиб борурлар. Она юртингизга соғ-саломат етиб боришингизни тағридан тилармиз. Тағин давлат ишлари билан бўлиб, бизни эсдин чиқариб юборманг. Қўнгулнинг истаган вақтда Самарқандга ташриф буюринг, шахримиз дарбозалари сиз учун ҳар доим очикдур. Энг азиз меҳмонимиз бўлғйсиз.

НАВОИЙ — Лутфу иноятингиз учун чин дилдин ташаккур, улў амир! Ишшооллоҳ, айтганларингиз келгай. Насиб бўлса, бир эмас, бир неча бор дийдор кўришурмиз. Аммо ўшал пайтларда Самарқандда мени меҳмон деб эрмас, балки бир табаррук заминнинг ўз фарзанди ўрнида қабул қилғйсиз. Кўришгунча хайр! Энди ижозатингиз ила мўътабар устодлар ва меҳрибон дўстлар билан хайрлашсам.

Тонг пайти, Навоий Хиротдан келган чопар ва Аҳмад Хожибек мулозимлари билан отда Самарқанд кўчаларидан ўтиб бормоқда. Эгвида заррин тўн. Отлиқлар Амир Барлосийнинг уйи олдиға яқинлашадилар.

НАВОИЙ — Сиз йўлда давом этингиз, азизлар! Мен мана бу хонадон ила хайрлашмоғим лозимдур. Орқангиздин етиб олурмен.

Отлиқлар «маъқул» дейишганча йўлда давом этадилар. Навоий қўлидаги қамчи билан Амир Барлосий дарвозасини тақиллатади. Хизматкор дарвозани очади.

НАВОИЙ — Ассалому алайкум, эрта тонгда безовта қилгоним учун узр. Энагани ва амир фарзандларин чақириб қўйсангиз, алар билан видолашмоқчи эрдим.

ХИЗМАТКОР — Дилшодбек ва Комронбек ухлаб ётурлар, энага ошхонададур, ҳозир чорлармен. (*Хизматкор энагани чақиради*.)

НАВОИЙ (*Энага билан хайрлашиб*) — Қаллайи саҳарлаб Сизни нотинч қилгоним учун маъзур тутғйсиз. Хиротга қайтиш олдидин сиз ва шогирдларим ила хайрлашмоқ учун бир он тўхтадим.

ЭНАГА — Хиротга қайтишингиздин хабарим бор. Амир ўз қилмишини пушаймон бўлуб, илондек тўлғониб, аччиғини кимдин олмоқчи билмай юрубдур. Ул дўстингиз Хусайн Бойқаро Хуросон тахтида ўтиргонлигин айтиб, Сизни беклик мансаби кутаётганлигини айтди. Хотинлариндин бул хабарни эшитиб, севинганимдин йиғлаб юбордим. Илоҳо, бошингиз тошдан, мартабангиз

бундан ҳам улуғ бўлсин. Биз ожизларни ҳам унутмағай-
сиз!

НАВОИИ — Сизларни унутиб бўлғайми, энага! Ин-
гитлик ҳаётимнинг энг яхши онлари шул азиз хонадон
ила боғлиқдур. Шогирдларим Дилшодбек ва Комронбек
пешонасини менинг номимдин ўпуб кўюнгиз. Сиз ҳам ўз
онамдек қадрдон бўлуб қолдингиз. Шул сабабдин, охи-
ри илтимосим шулки, васлидин муяссар бўла олмаганим
амир қизи ила учрашганингизда, мана бу ғазални анга
еткарғайсиз деган ўтинчим бор:

Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин беҳудлугум афсона бўлди оқибат...

(Ғазал ёзилган қогозни узатади).

Сог-саломат бўлингиз, фақирни дуо бирла ёд қилиб
турингиз, хайр.

ЭНАГА — Сафарингиз бехатар бўлсун, Алишер...
Мана бу нонни олиб кетинг, йўлда ҳамроҳингиз бўлур.
Ҳозиргина ўзум ёпган эрдим. *(Навоий энага билан ҳайр-
лашиб жўнаб кетади.)*

Қуёшнинг заррин нурлари таралаётган бир пайт. Навоий
от устида Самарқанд кўчаларидан ўтиб бормоқда. Унинг кўз
ўнгиди Самарқанд манзаралари, бу ерда ўтган ҳаётининг айрим
муҳим лавҳалари жонланмоқда.

Севгилисининг сиймоси қаршисида намоян бўлади.

НАВОИИ — *(Ўз-ўзига)* Э тангрим, мен сенга не гу-
ноҳ қилгон эрдимки, севганимдин жудо қилдинг?! Бо-
шимга солгон шунча жабру жафоларинг етмас эрдиму?!
Наҳотки, бул фоний дунёда чин ошиқлар ўз ниятларига
ета олмағайлар. Ҳайҳот, ҳайҳот, ул нафис гулни қай бир
дев чангалига тушурдинг?! Ул бахтсизнинг оҳу фарёд-
ларига ким қулоқ солур?! Оққан қон ёшларига ким пар-
во қилур?!

Навоий қулоғига қизнинг «Бул бевафо дунёда бирга бўлмоқ бизга
насиб қилмади, нитоллоҳ, маҳшарда юз кўринурмиз» деган
сўзлари эшитилади.

Ё, тангрим, ул қиз муҳаббати вужудимни ўртаб, ақлу
дониш эвини кул қилмоқда, кулини кўкка совурмоқда!
Ани унутмоққа кучим етгаймукми? Йўқ, йўқ, унута ол-
масмен... Анинг пок севгиси қалбимда абадий муҳрла-
ниб қолгай. Кўнглудм ондин ўзгани демағай... Бир қалб-
га икки муҳаббат сиғмағай... Алвидо, севгилим, Алвидо...
Алвидо...

Яна Самарқанд манзаралари гавдаланади. Шаҳар ортда қолиб,
Навоий олдинда кетаётган чопар ва мулозимларга яқинлашади
ва орқасига қараб ғичирлайди:

НАВОИИ — Алвидо, Самарқанд, ҳаётимнинг энг бахт-
ли ва ... энг бахтсиз онлари... сен бирла ўтди...

«Самарқанд ушшоғи» оҳиста янграйди. Қуйни от тўёқларининг
дунур-дунур товуши босиб кетади.

Парда

30 январь — 6 февраль, 1982 йил.
ТОШКЕНТ шаҳри.

ФОНДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бертельс Е. Э. Навои и Аттар — Избранные труды «Суфизм и суфийская литература» М., 1965, с. 377—420.
2. Каранг: Belin M. Notice biographique et Litterature sur Mir Ali Shir Nevai, — "Journal Asiatique", XVII, 1861, p. 222.
3. Бертельснинг бу фикри мунозарали бўлиб у ҳақда инимизнинг кейинги саҳифаларида тўхталиб ўтамиз.
4. Бертельс Е. Э. Ўша асар, 417-бет.
5. Бертельс Е. Э. Навои, опыт творческой биографии, — Избранные труды, «Навои и Джами», М., 1965, с. 182—188.
6. Зоҳидов В. И. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари, — Ўзбек адабиёти тарихидан, Тошкент, 1961, 16—46-бетлар. Бу талқиқот муаллифининг «Мир идей и образов Алишера Навои» (Тошкент, 1961, с. 277—290) ва «Улуг шоир ижодининг қалби» (Тошкент, 1970, 376—401-бетлар) помли монографиялари таркибига ҳам киритилган.
7. Зоҳидов В. И. Ўзбек адабиёти тарихидан, 29-бет.
8. Ғаниева С. Алишер Навоий, Тошкент, 1968, 108—111-бетлар; Назруллаева С.: Алишер Навоий Тошкент 1966, 124—129-бетлар; Расулов Х. Пути развития эпического жанра-дастаны и проблема народности в узбекской литературе, АДД, Тошкент, 1973, с. 13—14; Джураев А. Жанр философской дидактического дастана в узбекской классической литературе и роль Алишера Навои в его развитии, АКД, Самарканд, 1974, с. 26.
9. Маллас П. М. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, Тошкент, 1975, 508—518-бетлар.
10. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари, Тошкент, 1963, 65—66-бетлар.
11. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан, Тошкент, 1970, 192—197-бетлар.
12. Назат Султон. Навоийнинг қалб дафтари, Тошкент, 1963, 61—70, 384-бетлар.
13. Абдурафуров А. Навоий ижодида сатира, Тошкент, 1972, 87—90, 189—197-бетлар.
14. Арипов М. Философия и этические воззрения Алишера Навои, АКД, Л., 1972, с. 8—10.
15. Қасимов А. Алишер Навоий, Тошкент, 1976, 118—135-бетлар.
16. Ғаниева С. Лисон ут-тайр—Ўзбек адабиёти тарихи, 5 томлик, 2-том, Тошкент, 1977, 323—336-бетлар.
17. Малехова А. Н. Поэма Алишера Навои «Лисон ут-тайр». Поэтика композиционных и образных средств АКД, Ташкент, 1978.
18. Levend A. S. Ali Sir Nevai, 1 cilt, Ankara: 1965, s: 238
19. Dudek G. Navoi, — Litteraturen der völker der Sowjetunion, Leipzig, 1967 s: 297
20. Ишанходжаева Ш. «Лисон-ут-тайр» Алишера Навои (научно-критический текст), АКД, Ташкент, 1966.
21. Алишер Навоий, Лисон ут-тайр, илмий танқидий матн: Тайёрловчи Шарофиддин Эшовхўжаев, Тошкент, «Фан» 1960.
22. Алишер Навоий, Лисон ут-тайр, Асарлар, Ғи беш томлик, 11-том, Тошкент, 1966.
23. Алишер Навои, Язык птиц, Сочинения в десяти томах, Т. VIII, Ташкент, 1970.
24. Levend A. S. Ali Sir Nevai, IV cilt, Ankara, 1968, s. 131—185.
25. Бертельс Е. Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке, М.-Л., 1949; Ҳайитметов А. Алишер Навоий лирикаси, Тошкент, 1961; Исҳоқов Е. Навоийнинг илк лирикаси, Тошкент, 1965; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Тошкент, 1970; Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин» ва унинг қиссий таҳлили, Тошкент, 1971; Қасимов А. Сади Исқандарий, Тошкент, 1975; «Ҳайратул-аброр» талқини, Тошкент, 1977.
26. Каранг: Алишер Навоий, Лисон ут-тайр, 224—225-бетлар.
27. Ибн Синонинг «Рисолат ут-тайр» асари филология фанлари кандидати А. Ирисов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Ғаззолий ва Сухравардий асарларининг қўлёзма ҳамда литографик нусхалари ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида (инв. №№ 2385, 8868, 10738) сақлавади.
28. Богоутдинов А. М. Очерки по истории таджикской философии, Сталинабад, 1961, с. 109.
29. Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг «Саломон ва Ибсо» қиссаси, Тошкент, 1973, 14-бет; Ибн Синонинг «Рисолат ут-тайр» асари — «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1959, 2-сон.
30. Завидовский Ю. И. Абу Али ибн Сина: Опыт критической биографии, КД, Ташкент, 1958, с. 244.
31. Ирисов А. Абу Али Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсо» қиссаси, 18—19-бетлар.
32. Герновский В. Н. Ибн-Сина, 1969, с. 72.
33. Султонов У. Ақидаҳои фалсафӣ, иҷтимоӣ ва ахлоқӣ Абу-Али ибн Сино. Душанбе, 1975, с. 100—101.

34. Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII—XII вв. М., 1960, с. 97—98.

35. Абу Али ибн Сино. Тайр қиссаси. 20-бет.

36. Ҷша асар, 20-бет.

37. Шад П. Философия Ибн Сины. АКД. М., 1957, с. 14.

38. Керимов Г. М. Аль-Газали и суфизм, Баку, 1969, с. 92.

39. Ritter H. Das Meer der Steele, Leiden, 1955, s. 8—9.

40. Ян Рунка. История персидской и таджикской литературы М. 1970, с. 232—233.

41. Бадиъуззамон Фирӯзонфар. Шарҳи аҳволи нақди таҳдиди осорӣ Шайх Фаридуддин Муҳаммад Аттор Нишопурий. Техрон, ҳиж. 1339.

42. Ҳайитметов А. Шарҳ адабиётининг иқодий методи тарихидан. 176-бет.

43. «Ғиёс ул-лугот», «Қомус ул-аълум» ва бошқа маълумотларда берилган маълумотларга кўра, Симург ва Анқо пами бору жисми йўқ бир афсонавий қушнинг икки хил номидир.

44. Қаранг: Алишер Навоӣ, Насойим ул-муҳаббат. Асарлар. Ҷи беш томлик. 15-том. Тошкент, 1968, 169-бет.

45. Levend A. S. Gülschri ve Mantiku't-tayri, Анкара, 1957, 5—18.

46. Гулшаҳрий, Мантиқ ут-тайр, Анкара, 1908.

47. Levend A. S. Gülschri ve Mantiku't-tayri, s. 17

48. Levend A. S. Gülschri ve Mantiku't-tayri, s. 27.

49. Алишер Навоӣ. Муҳокамат ул-лугатайн. Асарлар. Ҷи беш томлик. 14-том, Тошкент, 1967, 120-бет.

50. Достоннинг илмий-танқидий матни ишлаб чиқилгунга қадар ундаги боб ва байтлар сонин ҳар хил кўрсатилиб келинган. Йумладан, Е. Э. Бертельс «Навоӣ ва Аттор» мақоласида асар 177 бобдан иборат деса («Суфизм и суфийская литература», с. 415), Н. М. Малласа достон 176 бобдан ташкил тошган деб ёлади («Ўзбек адабиёти тарихи», 511-бет). А. С. Левенд асар умумий ҳажмини 3553 байт деб янглиш белгиллаган) Ali Sir Neval, 1 cild, s. 236). Достон илмий-танқидий матнининг тузилиши бу хил фикрларга таҳрир киритиб, асардаги боб ва байтлар сонини юқоридагидек яншилади.

51. Маълумки, шоир ўзининг ўзбек тилидаги асарларида «Навоӣ», форс тожик тилида ёзилган асарларида эса «Фоний» тахаллусини қўллаган. Аммо «Лисон ут-тайр» ўзбек тилида ёзилган бўлишига қарамай, шоир унда «Фоний» тахаллусини ишлатади. Бу ҳол тадқиқотчилар қайд қилганидек, мазкур асарнинг фалсафий мазмуни билан изоҳланади. Қаранг: Бертельс Е. Э. Навоӣ и Аттар, с. 384—386; Зоҳидов В. Навоӣнинг «Лисон ут-тайр» асари. 38—42-бетлар.

52. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр. 5—9-бетлар.

53. Ҷша асар, 7-бет.

54. Алишер Навоӣ. Хамса, Тошкент, 1958, 21, 622-бетлар.

55. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр. 9-бет.

56. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр. 12-бет.

57. Ҷша асар, 217—218-бетлар.

58. Ҷша асар, 122-бет.

59. Ҷша асар, 123-бет.

60. Ҷша асар, 146-бет.

61. Ҷша асар, 148-бет.

62. Ҷша асар, 157-бет.

63. Ҷша асар, 170—171-бетлар.

64. Ҷша асар, 179—180-бетлар.

65. Ҷша асар, 180-бет.

66. Ҷша асар, 186—187-бетлар.

67. Ҷша асар, 201-бет.

68. Ҷша асар, 202-бет.

69. Ҷша асар, 218-бет.

70. Ҷша асар, 16—19-бетлар.

71. Ҷша асар, 65-бет.

72. Ҷша асар, 36-бет.

73. Ҷша асар, 39-бет.

74. Ҷша асар, 46-бет.

75. Ҷша асар, 57-бет.

76. Ҷша асар, 57—58-бетлар.

77. Ҷша асар, 50—51-бетлар.

78. Ҷша асар, 216-бет.

79. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр. 121-бет.

80. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр. 184—186-бетлар. Бу ҳикоят ҳақида қаралсин: Ҳайитметов А. Шатранжи кабир ўйинининг ҳикояти. «Ўзбекистон маданияти», 1958 йил, 2 апрель.

81. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр. 186-бет.

82. Ҷша асар, 60-бет. Қаралсин: Эшонхўжаев Ш. Навоӣнинг «Лисонут-тайр» асарида «Ғаввос» ва «Ҳинд савдогарини» ҳикоятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1962, 3-сон, 36-бет.

83. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр. 67-бет.

84. Ҷша асар, 206—208-бетлар.

85. Ҷша асар, 181-бет.

86. Ҷша асар, 182-бет.

87. Ҷша асар, 114—115-бетлар.

88. Ҷша асар, 141—142-бетлар.

89. Ҷша асар, 117—118-бетлар.

90. Ҷша асар, 113-бет.

91. Ҷша асар, 36—38-бетлар.

92. Ҷша асар, 122—123, 149—150-бетлар.

93. Ҷша асар, 126-бет.
94. Ҷша асар, 61—62-бетлар.
95. Ҷша асар, 47—48-бетлар.
96. Алишер Навоӣ. Сабъан сайёр, 231—253-бетлар.
97. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 49—50-бетлар.
98. Алишер Навоӣ. Маҳбуб ул-қулуб, 40—41-бетлар.
99. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 44-бет.
100. Ҷша асар, 52-бет.
101. Ҷша асар, 46-бет.
102. Ҷша асар, 56-бет.
103. Ҷша асар, 58-бет.
104. Ҷша асар, 129-бет.
105. Крачковский И. Ю. Ранняя история повести о Междунуе и Лейле в арабской литературе. «Алишер Навоӣ». М.—Л., 1946, с. 31—67; Газирджанов А. Т. Некоторые соображения происхождения повести «Лейли и Маджнун», «Востоковедение». Научные труды ТашГУ, выпуск 430, Ташкент, 1972, с. 68—71.
106. Азмедов Т. Алишер Навоӣнинг «Лайли ва Маджнун» достони. Тошкент, 1970.
107. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 214—216-бетлар.
108. Ҷша асар, 230—231-бетлар.
109. Ҷша асар, 134-бет.
110. Ҷша жойда.
111. Салимов Ю. Становление жанра сказочной прозы в персидско-таджикской литературе. АКД. М., 1964, с. 21.
112. Қаранг: Ҳайитметов А. Алишер Навоӣнинг Шайх Санъон ҳақидаги қиссаси. Алишер Навоӣ. Шайх Санъон. Тошкент, 1962, 5—12-бетлар.
113. Айрим муаллифлар Шайх Санъонни афсонавий шахс десалар, айримлар, шу жумладан, Алишер Навоӣ ҳам («На-сойим ул-муҳаббат». Асарлар, 15-том, 158-бет) уни реал тарихий шахс деб ҳисоблайди. Бизнингча, у афсонавий шахс бўлса керак. Лекин унга нисбатан берилган воқеа-ҳодисалар бошқа бирон киши ҳаётида рӯй берган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.
114. Қаранг: Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 79—81-бетлар.
115. Ҷша асар, 190—200-бетлар.
116. Ҷша асар, 190—200-бетлар.
117. Бергелъс Е., Э. Навои. с. 164, 380—382; Маддаев Н. Ҷзбек адабиёти тарихи». Беш томлик, 85—86-бетлар.
118. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 5-бет.
119. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 11-ий танқидий матн, 9—12-бетлар.
120. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 13-бет.
121. Ҷша асар, 225—228-бетлар.

122. Ҷша асар, 244-бет.
123. Ҷша жойда.
124. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 231-бет.
125. Ҷша асар, 126-бет.
126. Ҳайитметов А. Навоӣнинг ижодий методи масалалари, 91—124-бетлар.
127. Валихўжаев Б. Навоӣнинг «сайёр» шеърӣ миниатюра-ларин қайта шиландаги маҳорати. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1976, 1-сон, 35—41-бетлар.
128. Абдуғафуров А. Навоӣнинг ижодида сатира, 188—197-бетлар.
129. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 125-бет.
130. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 55-бет.
131. Ҷша асар, 36-бет.
132. Ҷша асар, 213-бет.
133. Мақсуд Шайхзода. Алишер Навоӣ лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида. Асарлар. Олти томлик, 4-том, Тошкент, 1972, 195—196-бетлар; Исҳоқов Е. Хазойини ул-маоний, 147-бет; Рустамов А. Навоӣнинг бадий маҳорати. Тошкент, 1979.
134. Исҳоқов Е. Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, 1-сон, 84-бет.
135. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 227—228-бетлар.
136. Ҷша асар, 75-бет.
137. Ҷша асар, 38-бет.
138. Ҷша асар, 182-бет.
139. Ҷша асар, 174-бет.
140. Ҷша асар, 56-бет.
141. Ҷша асар, 193-бет.
142. Ҷша асар, 83-бет.
143. Ҷша асар, 76-бет.
144. Ҷша асар, 85-бет.
145. Ҷша асар, 49-бет.
146. Ҷша асар, 242-бет.
147. Бобир. Мухтасар. Тошкент, 1971, 162-бет.
148. Алишер Навоӣ. Хазойини ул-маоний, 1-том, Тошкент, 1959, 325-бет.
149. Рустамов А. Қофия нима. Тошкент, 1976; Навоӣнинг бадий маҳорати 73—101-бетлар; Ҳасимов М. Навоӣ газалларида қофия ва радиф тузилишининг баъзи хусусиятлари. — «Адабий мерос». Тошкент, 1976, № 6, 76—83-бетлар.
150. Алишер Навоӣ. Лисон ут-тайр, 11-бет.
151. Ҷша асар, 115-бет.
152. Ҷша асар, 101-бет.
153. Ҷша асар, 189-бет.

154. Ҷша асар, 86-бет.
 155. Ҷша асар, 227-бет.
 156. Ҷша асар, 222-бет.
 157. Ҷша асар, 35-бет.
 158. Ҷша асар, 118-бет.
 159. Ҷша асар, 38-бет.
 160. Ҷша асар, 200-бет.
 161. *Маллаев Н. Ҷабек адабиёти тарихи. 517-бет; Ғаниева С.*

Лисон ут-тайр, 335-бет.

162. *Назат Сулгон.* Навоийнинг қалб дафтар, 383-бет.

163. *Алишер Навоий.* Лисон ут-тайр, 40-бет.

164. Ҷша асар, 30-бет.

165. Ҷша асар, 35-бет.

166. Ҷша асар, 64-бет.

167. Ҷша асар, 198-бет.

168. Ҷша асар, 49-бет.

169. Ҷша асар, 53-бет.

170. Ҷша асар, 131-бет.

171. Ҷша асар, 157-бет.

172. Ҷша асар, 118-бет.

173. Ҷша асар, 56-бет.

174. Ҷша асар, 87-бет.

175. Ҷша асар, 132-бет.

176. *Алишер Навоий.* Ҳайрат ул-аброр, 18-бет.

177. «Лисон ут-тайр» достонининг 173-бобида муаллиф берган маълумотга асосланиб, Алишер Навоий, Ибн Сино, Ғаззолий ва Ғулшаҳрийларнинг қуш тилида ёзилган асарларидан маълум сабабларга кўра ҳабардор бўлмаган деган хулосага келиш мумкин. Қаранг: Алишер Навоий, Лисон ут-тайр, 223—225-бетлар.

178. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаралсин: *Шарипов Ш.* Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонининг ўзбек адабиётига таъсири масаласига доир. «Адибий мерос», 1977, 8-сон, 48—57 бетлар.

Китапхона

Биланс ва ашёларнинг ҳисоби
 Материалларнинг ҳисоби ва ҳисобиди
 институты ИИИ

Илмий-бадний нашр

ШАРОФИДДИН ШАРИПОВ

ЛИСОН УТ-ТАЙР ҲАҚИҚАТИ

Тошкент «Маънавият» 1998

Мухаррир Д. Жумақулов
 Бозорлар муҳаррири С. Саид
 Тех. муҳаррир Т. Золотилова
 Мусоҳҳиҳ Ш. Илҳомбекова

Теринга берилди 16.01.98. Босинга рухсат этилди 08.04.98. Бичими 84x108/32. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартан 6.т. 8,40. Шартан кр.-отт 8,82. Намр т. 7,72. 3000 нусха. Бузуртма № 16. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 2—98.

Ғабонистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида chop этилди. Тошкент, Юнусобод дихаси, Муродов кўчаси 1-уй, 1998.

«Маънавият» нашриёти 1998 йилда қўйндаги асарларни
чоп этади:

АБДУЛЛА АВЛОНИИ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. 2-жилд. 17 босма тобоқ.

АБДУРАУФ ФИТРАТ

ОИЛА ЕКИ ОИЛА БОШҚАРИШ ТАРТИБЛАРИ.
6 босма тобоқ.

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ

ИРФОН ВА ИДРОҚ. 9 босма тобоқ.

УБАЙДУЛЛО УВАТОВ

МУҲАДДИСЛАР ИМОМИ. 4, 5 босма тобоқ.

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ

ҚАНИ МЕНИНГ ДАРВОЗАМ. 10 босма тобоқ.

РАҲМОН ҚУЧҚОРОВ

МЕН БИЛАН МУНОЗАРА ҚИЛСАНГИЗ. 5 босма
тобоқ.

М. МАҲМУДОВ, О. САФАРОВ

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ. 10 босма тобоқ.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

ИҚРОРНОМА. 8 босма тобоқ.

Ш 26

Шарипов Ш.

Лисон ут-тайр ҳақиқати /Сўзбоши муаллифи:
И. Ҳаққул/.—Т.: «Маънавият», 1998.—160 б.

ББК 83.3Уз+85.374

39 ЛЮСЬЕН КЭРЭН

АМИР ТЕМУР ЕХУД ТЕМУР ХОҚОН САЛТАНАТИ
15 босма тобоқ.

* * *

УТҚИР ҲОШИМОВ

ОСМОНДАН ТУШГАН ПУЛ. 5 босма тобоқ.

* * *

АНВАР ОБИДЖОН

АЛАМАЗОН ВА ГУЛМАТ ҲАНГОМАСИ 10 босма
тобоқ.

* * *

ЭРКИН АЪЗАМОВ

ПАКАНАНИНГ ОШИҚ ҚУНГЛИ. 10 босма тобоқ.

* * *

ОМОН МУХТОРОВ

АФЛОТУН. 12 босма тобоқ.

* * *

ЭРНЕСТ БЕГМАТОВ

ЖОЙ НОМЛАРИ—МАЪНАВИЯТ ҚУЗГУСИ.
3 босма тобоқ.

* * *

Н. МАҲМУДОВ, З. САИДҚУЛОВ, Ғ. СОТИМОВ
МАЪНАВИЯТДАН ЎЗБЕКЧА—РУСЧА—ИНГЛИЗЧА
ЛУҒАТ. 15 босма тобоқ

* * *

ПЛАКАТЛАР МАЖМУИ

ЮКСАҚ МАЪНАВИЯТ—КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ.
7 қисм.

* * *

МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ
РИСОЛАЛАР. 2 босма тобоқ.